

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Педагогика факультети

ПЕДАГОГИК МАХОРАТ

(маъруза матни)

Тузувчилар: кат. ўқит. Уришов Ш.М.

Ўқитувчилар: Худойназарова М.

Абдиназарова З., Жўраева Н. М. Суярова

Ангрен-2006.

«Умумий педагогика ва психология» кафедраси

АННОТАЦИЯ

Маъруза матнида мактаб амалиёти ва педагогик фикр тарихида ўқитувчининг махорати масалалари. Педагогик қобилият. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти. Мулоқот маданияти ва ўқувчининг психологик фаолияти. Педагогик техника ва уни шакллантириш усуллари. Дарсда ва тарбия жараёнида ўқитувчи махорати. Ўқитувчи меҳнатини ташкил этишнинг илмий асослари. Педагогик тажриба орттириш тизими, тадқиқот методлари, ҳозирги таълим муассасаларида илгор педагогик гоёлар, тажрибаларнинг тараққиёти ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўллари. Педагогик маҳорат тараққиёт тарихи. Мустақил малака ошириш ва ўз-ўзини назорат қилиш. Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқот махорати, педагогик тажриба ва уни татбиқ этиш, маданияти асослари ёритиб берилган.

Тузувчилар: кат. ўқит. Уришов Ш.М.

Ўқитувчилар: Худойназарова М.

Абдиназарова З., Жўраева Н.

Тақризчилар: пед. фанлари доктори, проф. М.Х. Тохтаҳаджаева.
Пед. фанлари номзоди, доц. С.А. Мадьярова.

Умумий педагогика ва психология кафедрасининг 2006 йил 02.03. йилдаги № 7 сонли мажлисида муҳокама қилинган.

ТВДПИ илмий-методик кенгашида кўриб чиқилиб нашрга тавсия қилинган.

2006 йил март ойидаги № 7 сонли мажлис баёни.

Сўз боши.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши халқ таълими муассасаларининг олдига-янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда ўрта таълим мактабларининг фаолиятини такомиллаштириш йўлида педагогик олий ўқув юртлари академик лицей, касб-хунар коллежлари, мактабларга малакали кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш муаммосини қўймоқда.

Бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларни фақат назарий билимларни чуқур ўрганган ҳолда эмас балки айти вақтда буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қилишни талаб этади. Айтик, ҳозирги даврнинг бу талаби бўлажак ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорат ва техника қўникмалари билан қуролланган, маданиятли шахс сифатида тайёрлаш кераклигини яна бир бор таъкидлаб бермоқда.

«Педагогик маҳорат» курсини ўқитишнинг асосий мақсади бакалаврларни педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти бўйича билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлашдир. Чунки, ҳозирги замон ўқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга бўлган мутахассис, Ватани ва халқига содиқ, педагогик маҳорат ва лаёқатга эга бўлган, жамиятдаги ҳамда касб вазифаларини яхши билган шахс бўлиши зарур.

1.1 «Педагогик маҳорат» фанининг ўқитиш мақсади ва вазифаси

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши халқ таълими муассасаларининг олдига-янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда ўрта таълим мактабларининг фаолиятини такомиллаштириш йўлида педагогик олий ўқув юртлари академик лицей, касб-хунар коллежлари, мактабларга малакали кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш муаммосини қўймоқда.

Бу эса ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида давр талабига жавоб берадиган ёш мутахассисларни фақат назарий билимларни чуқур ўрганган ҳолда эмас балки айна вақтда буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, муомалага кириша оладиган, ўз ишини пухта эгаллаган моҳир мутахассислар этиб тайёрлашга катта эътибор қилишни талаб этади. Айниқса, ҳозирги даврнинг бу талаби бўлажак ўқитувчиларни юксак педагогик маҳорат ва техника қўникмалари билан қуролланган, маданиятли шахс сифатида тайёрлаш кераклигини яна бир бор таъкидлаб бермоқда.

«Педагогик маҳорат» курсини ўқитишнинг асосий мақсади бакалаврларни педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти бўйича билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлашдир. Чунки, ҳозирги замон ўқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга бўлган мутахассис, Ватани ва халқига содиқ, педагогик маҳорат ва лаёқатга эга бўлган, жамиятдаги ҳамда касб вазифаларини яхши билган шахс бўлиши зарур.

1.2 Фан бўйича талабаларнинг билими, қўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар

Психологик-педагогик тайёргарлик тизими талабаларни ўқув-тарбиявий жараён асосида ётган қонуниятларни эгаллашга, педагогик фаолият методикаси, янги педагогик технология ва техникаси, педагогик маҳорат ва техникаси моҳиятини тушуниш, бу жараённинг услуб ва тамойилларини кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига қўчириш малакасига эга бўлиш, педагогик маҳоратини, педагогик техникани ва маданиятини муайян тизимга солиш ва уни шакллантириш.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси

Педагогик маҳорат курси умумий педагогика, педагогика назарияси ва тарихи умумий ва ёшлар психологияси, педагогик технолгия, тарбиявий ишлар методикаси курслари билан боглиқ ҳолда ўрганилади.

1.4. Ўқитилиш технологиялари

Педагогик маҳорат курсида плакатлар, тарқатма материаллардан, интерактив ўйинлар ва бошқа кўргазмалардан фойдаланилади.

Мундарижа:

1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни . . .
..... 3-14
2. Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари
..... 15-23
3. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилиятлар 23-27
4. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти. 27-34
5. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятлар устиворлиги
..... 34-42
6. Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш услублари 42-58
7. Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати. 58-66
8. Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати. 66-71
9. Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш 71-77
10. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш. 77-82
11. Шахсий педагогик тажрибани тўплаш тизими. 82-88

1-мавзу.

Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти.

Мақсад: педагогик маҳорат фанининг мақсад ва вазифалари, ўқитувчи фаолиятининг тизими, педагогик маҳорат ҳақида тушунча. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари, педагогик техника ҳақида тушунча бериш.

Режа:

1. Педагогик маҳорат фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти.
3. Ўқитувчи фаолиятининг асосий йўналишлари.
4. Бўлажак ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарқ, 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Т., Шарқ, 1997 й.
3. Тарбиявий иш методикаси. (Л.И.Рувинский таҳрири остида) Т., 1991 й.
4. Ўқитувчилик ихтисосига кириш курсига методик кўрсатмалар. М.Захарина ва бошқалар. Т., 1990 й.

P;1.Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалар таълим мазмунини тубдан ўзгартиш заруратини келтириб чиқарадики, бу педагоглардан тинимсиз ижодий изланиш, ҳар томонлама чуқур билим ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этишдан ташқари кучли маҳорат соҳиби бўлишликни ҳам тақоза этади.

Айнан шу йўналишда бўлғуси педагог кадрларни педагогик маҳорат элементлари билан қуроллантиришда «Педагогик маҳорат» курси унинг замонавий таълим мазмуни муҳим роль ўйнайди.

Ушбу фан замонавий педагог унинг касбий сифатлари педагогик маҳорат элементлари ва уни тадбиқ этиш технологияси масалаларини қамраб олган.

Маърузада талабаларни педагогик маҳорат қирраларининг шаклланиш босқичлари, тарихи шарқ алломаларининг педагогик ахлоқ одоби ҳақидаги қарашлари ҳамда замонавий педагогнинг касбий сифатлари ёритилган.

Семинар машғулотларидан кўзланган мақсад, талабаларни ижодий изланишга кўпроқ, жалб этиш бўлса, лаборатория машғулотларидан кўзланган мақсад назарий олган билимларни амалда тадбиқ этиш бўлиб, бу икки босқични ўз ичига олади.

Ишдаги маҳоратлилик – бу фаолиятдаги ихтисослик йўналиши ҳамда ихтисослик кўникма ва малакаларнинг йиғиндиси ҳисобланади. ўқитувчининг маълум ихтисосга тайёргарлиги тегишли фанни билиш умумий педагогика, методика назариясини эгаллаш билан чегараланмайди. Мактабда амалий психологик-педагогик тайёргарликка эга бўлган, заковатли, маданиятли, ижодга интиладиган, болалар қалбини тушунадиган ва уларга таъсир ўтказа оладиган мохир педагоглар зарур.

Педагогик маҳорат нима?

У ўқитувчи шахсидан табиий имкониятлар, педагогик-психологик иқтидор, ишга ўта масъулият билан қараш, боладаги ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва ҳар бир шароитни ҳисобга олиб бола шахсига ва улар жамоасига тўғри таъсир эта олишнинг амалий намоён бўлишидир. Педагогик маҳорат мураккаб бўлиб қуйидаги педагогик-психологик талабларни бажаришни тақозо этади.

- пед маҳорат асослари курси педагогика ўқув юртларида ўрганилаётган педагогик ва психологик фанларни дастурларига доир материални такрорланмаслиги ва шунингдек, уларнинг мантикий ва тузилишига зарар етказмаган ҳолда унинг таркибий қисми бўлиб қолсин;
- назарий ва амалий машғулотларнинг педагогик амалиёт билан алоқасини тўла таъминлашга эриша олсин;
- бўлажак ўқитувчининг бола шахсига ва ўқувчилар жамоасига таъсир ўтказа олиш кўникмасини такомиллашиш моҳиятини билиш ва уни шаклланишига олиб келувчи фан соҳаларни аниқлаш, билимлар мазмунини танлаш;

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида энг улкан натижаларга эришиб, фаолиятнинг юксак даражада баҳоланишини ва ҳамма томондан тан олишини истайдиган ўқитувчи топилмаса керак. Бунга эришишни ана шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИНГ МАЗМУНИДА қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисмларини ажратиш мумкин:

1. Педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. Ихтисос-мутахассисликка доир билимлар;
3. Педагогик қобилият;
4. Педагогик техника (қўшимча-иқтидор).

Ҳозирги даврда, биз мустақил Ўзбекистонда кураётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган ўқитувчи қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон ўқитувчисининг энг муҳим асоси – бу инсонпарварлик йўналишидир. Ўқитувчи-жуда юксак даражада умумий маданиятга эга одамдир.

Демак, ўқитувчи педагогик маҳоратининг асоси ўз устида ишлаб бориши, мустақил ўқишидир.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, турли-туман анъаналарни жойига қўйиш, миллий кадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага аёндыр. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза ахлоқ-одобга эга эканлигини ёддан чиқармаслик керак. Бу катта муаммода маҳоратли, билимли педагогларни ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли катта.

«Педагогик маҳорат» фанининг предмети-педагогнинг маҳорати. «Педагогик маҳорат» мақсади маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари:

Тарбиянинг моҳияти ва шахсини ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни усуллари уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек, педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалар умумлаштиради. Тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шаклларини кўрсатади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогга тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини етказиш имконини беради.

Р;2. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари:

Педагогик техника

- 1). Нутқ масалалари - саводли гапириш
- 2). Тушунарли таъсирчан - сўзда аниқ
фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалаш
- 3). Мимика ва пантомимика - имо-ишора
- 4). Маъноли қараш - рағбатлантирувчи муносабат
- 5). ҳиссий психик ҳолат - ижодий жиддийлик
- 6). Кайфият ёки истехзоли табассум.

2. Педагогик техника педагогик маҳоратнинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларини, яъни саводли гапириш ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалилигидир.

Аниқ имо-ишора, маъноли қараш рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда онгга самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик техниканинг умумий муҳим хусусиятлари: ривожланган педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гап оҳанги, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш энг ўткир ва қутилмаган педагогик вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради.

Педагогик техника малакаларининг 2 муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси аниқ ифодаланган индивидуал-шахсий тусда бўлади, яъни педагог индивидуал психик-физиологик хусусиятлари асосида таркиб топади. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, жинси, мижози, феъл-атвори, сихат-саломатлиги, анатомик-физиологик хусусиятларига боғлиқдир. (нутқнинг ифодалиги, соф, саводли бўлиши ишлаш фикрлашнинг равон бўлишига таъсир қилади).

Педагогик техниканинг 3 чи муҳим хусусияти шуки, педагогик таъсир кўрсатишдаги худди ана шу малакалар орқали педагогнинг маънавий ва эстетик нуқтаи назарлари тарбияланувчиларга янада очиб беради. Агар педагогининг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, агар у бўлар-бўлмас сабаблар билан ўз ҳиссиётларига эрк берса, диди паст, эстетик жихатдан оми бўлса, у ҳолда «энг тўғри» сўзлар ҳам, энг «керакли» тадбирлар ҳам тарбияланувчиларнинг на ақл-идрокига, на ҳиссиётига таъсир қилади.

Ўқитувчининг одоби (такт) педагогик касбининг таркибий қисми; ўқитувчининг тарихий илдизлари; ўзбек халқ педагогикаси-ўқитувчи одобининг бебаҳо манбаи; IX-XX аср жаҳон педагогларининг ўқитувчи одоби ҳақидаги таълимотлари; ўқитувчининг ахлоқий фазилатлари; ўқитувчилик бурчи ва масъулияти; ўқитувчининг шаъни ва кадр-қиммати;

педагогик фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари; ўқитувчининг муомала одоби; ўқувчилар билан муомала одоби; мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар билан муомала одоби.

Ўқитувчилик касбини севиш педагогик одобнинг зарур талабларидан бир ҳисобланади.

Ўзи дарс берадиган фанни, уни ўқитиш методикасини, педагогика ва психологияга доир билимларни чуқур эгаллаш, юксак маънавий маданиятли бўлиш ўқитувчи одобининг қонуний талабларидандир. Муаллимнинг билимдон бўлиши, маънавий баркамоллиги ўқувчи шахсининг шаклланишига ижобий ахлоқий таъсир ўтказди. «Қадимги аждодларимиз, деган эди И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сесиясидаги маърузасида», комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак». Ўқитувчи ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, одамийлик, камтарлик одобининг муҳим талаб қондасидир.

Бу сифатлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тоза қилади. Масалан, ҳалоллик муаллимнинг ички ва ташқи дунёси бирлигини. Сўзи билан иши бир-бирига тўғри келишини, ўқувчиларига, ота-оналарга, касбдошларига самимий муносабатини кўрсатади. Ҳалоллик тўғрилиқни, ростгўйликни, ўқувчиларга бўлган ишончни, самимийликни тақазо қилади. Ҳалол ва ростгўй одам оддий ва камтар бўлади. Бу фазилатлар ахлоқий киши сифатида ўқитувчининг обрўсини оширади.

Ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқувчилар ва бошқа кишилар билан муносабатида, муомаласида, кундалик турмушида ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишда намоён бўлади.

Ўқитувчи одобининг талаб-қоидаларидан яна бири ўз кучига, ўзи бажараётган ишининг тўғри, фойдали эканлигига тарбияланувчиларнинг қобилияти ва келажагига ишонч билан қарашдир. Ишониш ва адолатли бўлиш учун эса бола маънавий дунёсининг энг нозик кўз илғамас тамонларигача билиш керак. ўқитувчи муносабатларида ва муомаласида кўтаринки рух ва яхши кайфиятга эга бўлсангина, ишда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни осон бартараф этади.

Ўқитувчи одобида яхшилик тушунчаси ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги акс этади. «Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади, яхши фарзандларни тарбиялаб, қилган яхши ишлари ва қолдирган яхши сўзларига муносиб ворислар тайёрлайди». (И.А.Каримов Халқнинг оташқалб фарзанди. Тошкент. «Ўзбекистон». 1992, 28-бет).

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгилардан бири масъулиятдир. ўқитувчининг масъулияти-масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллим фаолияти, таълим-тарбия жараёни, унинг вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланади.

Р;3. Ҳозирги замон ўқитувчиси умумий ўрта таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож.

Шахс сифатидаги бундай ўқитувчи ҳар томонлама ривожланган, илмий тафаккурга эга бўлган кенг қўламдаги умумаданий ва касб-кор маълумотли, ўзлигини узлуксиз ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши керак. У фуқаро сифатида ўз жабҳаси, шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, мактабининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок эта олиши зарур. Ижтимоий-иқтисодий тайёргарликка эга бўлиши, миллий маданиятини ва бошқа халқлар маданиятининг энг яхши ютуқларини чуқур эгаллаган бўлиши ва уларни ўз ўқувчиларига етказа олиши керак.

Мутахассис сифатида ўз фанини чуқур билиши, педагогик мулоқот устида бўлиши, педагогик-психологик ва услубий билим, малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиши ва баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ўқитувчи касб-кор фаолиятининг маънавий асосини мустаҳкамлаши зарур. Педагогик фаолиятнинг оммавийлиги, ўқитувчиликнинг жамият билан ҳамкорлиги мактаб билан жамиятни янгилаш йўлида анча илгари боришига имкон беради.

«Билимга элтувчи ягона йўл – бу фаолиятдир». (Бернард Шоу)

«Агар инсон бирор касбни мукамал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради. (Андре Маруа).

«Яхши мураббий бўлган тақдирдагина яхши ўқитувчи бўлиши мумкин», - деган эди В.А.Сухомлинский, ҳақиқатдан ҳам шундай.

Уста тарбиячигина болаларнинг энг сеvimли ўқитувчиси ҳисобланади. Унинг фазилатидаги энг муҳим нарса фақат ўз предметини, ўзи ўқитаётган фанини яхши билишгина эмас, балки ўз қўлидаги ўқувчиларнинг қалбини билади. Ҳар бир болани яхши тушуниши, уларнинг ҳар бири билан муомала қилиш, таъсир этиш йўлини беҳато белгилай олишдир.

Ўқитувчи тайёрлашнинг профессиограммаси мавжуд бўлиб, унда турли ихтисосликлар бўйича ўқитувчига хос фазилатлар кўрсатилади.

Қуйида ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўзида ҳосил қилиши лозим бўлган умумий педагогик малака ва кўникмалар ҳамда шахсий сифатлари нимадан иборат бўлиши кераклигини кўриб чиқамиз.

Ўқитувчининг шахсий сифатлари:

Болаларга меҳр-муҳаббат ўқитувчининг энг муҳим фазилатидир. Бу боланинг ҳамма қилиқ-қилмишларини кечириб, уларга хушомадгўйлик эмас, балки талабчанлик ва қаттиққўллик билан қўшилган меҳр-муҳаббат бўлиб ана шу сифатга эга бўлган шахс ўзининг кўп вақтини ва кучини болаларга бағишлашга тайёр бўлади, зарур вақтда ўз истакларини қурбон қилиб, болалар манфаати йўлида эҳтиёжларини чеклаб туришга тайёрдир.

Ўқитувчи шахсига хос сифатлардан яна бири инсонга, болага бўлган ишонч, ўз ишининг тўғрилигига, унинг фойдалигига ишонишнинг комиллигидир.

Ўқитувчи учун унинг одоби, эмоционал маданияти юксак бўлсагина, у одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уларни ҳамиша ҳурмат қилади. Бунинг учун у очиқ кўнгил, қатъий бўлиши ўзини тута билиши, бардошли бўлиши билан қийинчилик олдида эсанкираб, ўзини йўқотиб қўйиб, муомалада қўполлик қилишдан сақлана олиши, ўзига ва болаларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиши керак.

Ўқитувчининг билимлари:

1. Тарбия жараёнининг назарий ва методик асосларини;
2. Ўқитиш асосларини (ўз предметини ва уни ўқитиш методини);
3. Анатомиа-физиология ва гигиена асосларини;
4. Педагогика ва психологияни;
5. Сиёсат, тарих, адабиёт, санъат, этика, эстетика, ҳуқуқ, фан, техника каби соҳаларга оид умумий билимларини кенг эгаллаши керак.

Ўқитувчининг малакаси:

Педагогик малака – эгаллаган билим ва кўникмалари асосида фаолиятининг маълум турни уддалай олиш, яхши бажара олиши қобилиятидир. Ўқитувчи фаолиятига оид бундай малакаларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а) Амалий малакалар;
- б) Ташкилотчилик малакалари;
- в) Ўзаро алоқаларга оид малакалари.

Ўқитувчининг фаолияти қирралари:

1. Билимдонлик;
2. Ривожлантирувчилик;
3. Йўналтирувчилик;
4. Сафарбарлик;
5. Лойиҳачилик;

Ўқитувчининг малакаси:

а) Амалий малакалар:

1. Таркибий ишларни режалаштира билиш, фаолиятнинг энг мақсадга мувофиқ турларини танлай билиш.
2. Ҳар бир ўқувчига нисбатан уни жамоа шароити тарбиялашнинг индивидуал программасини амалга ошира билиш.
3. Ўқувчиларнинг ёшлик ва шахсий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан индивидула муносабатни амалга ошира олиш.

б) Ташкилотчилик малакалари:

1. Ўқувчилар орасида фаол болаларни аниклай билиш.

2. Ўқувчиларга берилган жамоат топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бера олиш.
3. Ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасидаги ишларни ташкил эта билиш.

в) Ўзаро алоқаларга оид малакалари:

1. Ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари билан педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ келадиган алоқалар ўрната олиш.
2. Ўқувчиларни ўзига мойил қилиб олиш ва улар билан алоқанинг энг мақбул формасини топа билиш.

Фаолият турли мақсад ва объектдан ташқари касбий-педагогик вазифалар туркими билан тавсифланади. Педагогик вазифаларнинг кетма-кетликда ечилиши қуйидагича:

- педагогик вазиятни таҳлил қилиш, диагноз натижаларини лойиҳалаш ва педагогик таъсирчанлигини режалаштириш;
- ўқув-тарбиявий жараёни конструкциялаш ва амалга ошириш;
- педагогик жараёнга ўзгартиришлар киритиш;
- якуний ҳисобот, олинган натижаларни баҳолаш ва янги педагогик вазифаларни аниқлаш.

Бу вазифалар педагогик фаолиятнинг умумлашган иккинчи даражасини ҳосил қилиб, касбий-педагогик малака таркибини аниқлаш учун асос бўлади. Психолог, педагог ва социологларнинг илмий-тадқиқотлари натижаларига асосланиб малаканинг шаклланиш жараёнини қуйидаги схемада қабул қилиш мумкин:

БИЛИМ → КЎНИКМА → МАЛАКА.

Бундан кейин эса касбий таълимнинг охириги мақсади, яъни **маҳорат** шаклланади.

Кўникма- малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез, аниқ ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажарилиш қобилиятини ифодалайди ва ўқувчилар кўп марта такрорлаш машқлари натижасида юзага келади.

Малака- ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини (ёки ҳаракатлар мажмуасини) муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларидан фойдаланиб ва шу тўғрисида меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишидир.

Маҳорат- турли малакалардан ишончли, ижодий равишда фойдаланиш ҳамда касбий малакалар ривожланишининг юқори даражаси ва касбий таълимнинг юқори даражаси ва касбий таълимнинг мутлоқ мақсадидир. Маҳорат-мураккаб ишни тез ва аниқ бажаришнинг яқдиллиги, бу меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор ритми учун кафолат берувчи ишдаги ишончилиқдир.

Ўқитувчи фаолияти қирралари:

I. Билимдонлик:

- ўқитадиган фанини пухта билиш;
- нотиклик санъатига /ўқув материални тушунарли ва равон тилда баён қила олиш малакасига эга бўлиш;

- билимларни гуманитарлаштира олиш;
 - ўқитиш воситалари моделлар, макетлар, ўқув тажрибалари учун асбоб-ускуналари, овоз ва видеоёзувлар ва мақолалар,
- II. Ривожлантирувчилик:
- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини уларнинг ўқув имкониятларини билиш;
 - ўқувчиларда ўз фанига қизиқиш уйғота олиш;
 - таълимнинг турли методлари (баёний-тасвирий, репродуктив, муаммоли таълим, қисман изланувчан ёки эвристик метод, тадқиқот методи)ни эгаллаганлиги.
- III. Йўналтирувчилик:
- ўқитиш принциплари системаси ахлоқий ва ўқитиш жараёнини ўқувчилар шахсини ҳар тамонлама ривожлантириш, илмийлик ва билимларнинг ўқувчилар имкониятига яраша қийинлилик даражаси, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар онглилиги ва ижодий фаоллиги, ўқитишда кўрсатмалилик ва ўқувчиларнинг назарий тафаккурини ривожлантириш, системалилик ва изчиллик, ўқитишда билимларни мустақил эгаллашга ўтишни таъминлаш, ўқитишни ҳаёт тажрибалари билан боғлаш, ўқитиш натижаларининг пухталиги ва ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш, ўқитишнинг жамоа тусдалиги ва ўқувчиларнинг индивидула хусусиятларини ҳисобга олишни ўзлаштирганлиги.
- IV. Сафарбарлик:
- дарсни ўқувчиларнинг диққатини барқарорлаштириш;
 - ҳар хил типдаги дарслар (янги билимларни ўзлаштириш, малака ва кўникмаларни эгаллаш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш ва тузатиш аралаш дарслар)ни ўтказа олиш;
 - политехник таълимга оид ва касбга йўналтириш ишларни амлага ошира олиш;
 - меҳнатни илмий асосда ташкил қила олиш ва ун қўйиладан эстетик ва гигиеник талабларга риоя қила олиши.
- V. Лойиҳачилик:
- ўз мутахассислигига оид мактаб курсини пухта билиш;
 - ўз фанининг методикасини билиш;
 - ўқитиш ва ўқувчиларнинг билим малака ва кўникмаларини текшириш учун ўқув манбаларини танлай олиши;
 - ўқитишда фанлараро ички ва ташқи алоқалардан фойдаланиш малакаси;
 - керакли ҳужжатларни тўғрилаб бориши ва расмийлаштириши;

- асосий тарбиявий ишларнинг турларини аниқлаш ва уларни ўташиш шакллари танлаши.

Р:4. Ўзбекистон Республикасида ҳам ўқитувчи кадрлар маънавий қиёфаси, ахлоқий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) сўзлаган нутқида билдирилган фикрларга диққатни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

«Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз . . . Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

. . . Мактаблардаги жараёнларда ўқитувчи ҳукмрон. У болада фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишини талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим айтган, деганим деган».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини яхши тушунамиз, лекин афсуски амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз (2, 12, 16 бетлар).

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчи шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши лозим?

Ўқитувчи – махсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумотига эга, шунингдек юксак ахлоқий фазилатларига эга шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3 бандига мувофиқ суд ҳуқумига асосан педагогик фаолият билан шуғулланиш ман этилган шахслар таълим муассасаларида фаолият олиб боришларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда замонавий ўқитувчи қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохатлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.
2. Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва технология янгиликлари, ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.
3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.
4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиши имкониятига эга бўлмоғи лозим.
6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.
7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик лаёқатига эга бўлиши, педагогик техника (нутқ, юз қўлоёқ ва гавда ҳаракатлари (мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.
8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши унинг нутқи куйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак.

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан холи бўлиб фан касбий тилда ифода этилиши; жарган (муайян касб ёки соҳа мутахассисларига хос сўзлар), ворваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларнинг ўринсиз қўлланилиши), вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўқиниш қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеларизм (ҳақорат қилиш, сўқинишда қўлланиладиган сўзлар) сўзлардан холи бўлиши ўқитувчи нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (сўзлаш жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда хикматлар сўзлар мақоллар ҳамда кўчирма гаплардан фойданалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (содда, озода, бежирим кийиниш таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг турли хил диққатини тез жалб этувчи безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишини ўзлаштиришга эришиш) эга бўлиши керак.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларни ўзида акс эттира олган қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Таянч тушунчалар:

Маҳорат, педагогик маҳорат, предмет, мақсад, вазифа, таркибий қисм, ўқитувчи шахси.

Назорат саволлари.

1. Педагогик маҳорат нима?

2. Педагогик маҳорат фанининг предмет, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ҳақида сўзланг.
4. Бўлжак ўқитувчиларга қандай талаблар қўйилади?

2-мавзу:

Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари.

Мақсад: талабаларга педагогик амалиёт жараёнида ўқитувчи маҳорати ва шарқ мутафаккирларининг ўқитувчи маҳорати ҳақида тушунча бериш, ғарб педагогларининг касб маҳорати ҳақидаги педагогик қарашлари ҳақида фикр юритиш.

Режа:

1. Шарқ мутафаккирларининг асарларида ўқитувчи маҳорати ҳақида.
2. ғарб мутафаккирларининг ўқитувчининг касб-маҳоратини тарбиялаш ҳақидаги педагогик қарашлари.
3. Ўқитувчиларнинг касб-маҳоратини шакллантиришда педагогик амалиётнинг аҳамияти.

Адабиётлар:

1. К.Хошимов «Педагогика тарихи». Т., 2004 й.
2. М.Т.Давлетшин «Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси». Т., 1999 й.
3. Ражабов С. Мутахассисликка кириш. Т., 1991 й.
4. Ражабов С. Педагогика фанининг алломалари. Т., 1991 й.

Бугунги кунда олимлар, мударислар олдида турган асосий вазифалардан бири-халққа, айниқса ёшларга миллий қадриятларимизни яхшироқ тушунтириш, уларга риоя қилиш ҳурматлари руҳида тарбиялашдир.

Ота-боболаримиз азал-азалдан бизни одобли, меҳнатсевар, тўғрисўз, ҳалол, инсофли, диёнатли, яқинларига меҳр-муҳаббатли кишилар қилиб тарбиялашган.

Халқ удумларида, ундан келиб чиқадиган одобномада ҳар қандай боланинг ёшлигиданок эл-юрт манфаати йўлида курашувчи, кишилар бахт-саодатни ўйловчи, авлодларнинг ушалмай қолган орзу-армонларини амалга оширувчи кишилар бўлиб камол топиши лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Мустақил республикамизнинг олдида турган асосий вазифаларидан бири- юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Республикамизда тараққиёт ва ўзгаришларга бой ҳозирги пайтда ёшларнинг ҳар тамонлама камол топиши давр талаби ва эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий бакуват, билимли, ўз мустақил Ватанимизда фахрланиш туйғусига бой кишиларни тарбиялаши керак. Бу эса таълим-тарбия олдидаги мураккаб, кенг қўламли муаммолардан биридир. Халқ таълими тизимида ҳал қилувчи инсон – ўқитувчидир. Агар ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлса, ўқувчи билим даражаси ҳам баланд бўлади. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак. Педагог ходимлар ўзларини касб кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт», - деб таъкидланади. «Таълим тўғрисидаги» қонунда.

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятилиги ва мураккаблиги ҳамда шарафли эканлиги тўғрисида мулоҳазалар. Муаллимнинг маҳорати, уларга қўйиладиган талаблар, фазилатларига оид қашарлар, муносабатга киришиш маҳорати, муомала маданияти Шарқ мутафаккирларининг асарларида ифодасини топган. Шарқ маънавий-маданиятининг хилма-хил жиҳатлари, айниқса Уйғониш даврида жуда ривожланган бўлиб, бу даврда яшаб ижод этган Абу Наср Фаробий, Ал-Хоразмий, абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг ижодлари педагогик тафаккур тараққиётида ёш мураббийларнинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

Шарқнинг буюк алломаси, қомусий олим Фаробий (873-950) муаллимнинг ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва унинг хос хусусиятлари тўғрисида ибратли ғояларни илгари сурган.

«Ўқитувчи, - дейди Фаробий, ақл-фаросатга, чиройли нутқга эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларни тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришади», деб таъкидлайди. Мутафаккир Фаробий ўқитувчи шахсига хос қатор фазилатларга холисона, одимона, оқилона шарҳ бериш имкониятига эришган буюк зоддир. Шунинг учун мазкур шарзлар, илмий иловалар, теран фикрлар, ибратли мулоҳазалар ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Мазкур муаммо юзасидан мулоҳаза юритган атоқли олим Абу Али ибн Сино (980-1037) нинг фикрича. « . . . Ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва бола тарбиялаш услубларини ахлоқ қоидаларини яхши биладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи

ўқувчининг бутун ички ва ташқи дунёсини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира олмоғи лозим».

Абу Али ибн Сино мулоҳазасинга кўра тарбиячи дастлаб болаларни яхши кўриш, ҳурмат қилиши, улар билан хушмуомала бўлиши шарт. Агар бола ишни яхши бажарса, уни ўз вақтида рағбатлантириш, гоҳида мактаб қўйиш, аксинча бўлганда эса, унга танбех бериш керак. Лекни деди Ибн Сино, танбех иззат-нафсига тегадиган бўлмаслиги лозим, ўқувчига муросассозлик қилиш эса боланинг ўзбошимча бўлиб қолишга олиб боради», - дейди ибн Сино.

Насриддин Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» деган асарида шундай дейди: «Ўқитувчи мунозараларни олиб бориши, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланадиган бўлиши лозим . . .» Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда захархандали, кўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқувчи ўзини тута олмаслиги ишини бузиши мумкин.

Етук мутафаккир Абдурахмон Жомий ўз асарларида бола дунёқарашининг камол топишида мактаб ва муаллимнинг ролига катта баҳо беради. Унинг фикрига қарганда, муаллим ақли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. ўзини номуносиб тутган одам ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди, деган фикрни билдиради.

«Устоз, муаллимсиз қолганда замон,

нодонликдан қора бўлурди жаҳон», - деб хитоб қилади у «Искандар Хироднамаси» асарида. Ўзбек адабиётини даҳоси А.Навоий ўз асарлари ва илмий қарашларида ўқитувчилик қобилияти ва унинг обрўси, одоби юзасидан мулоҳазалар юритган. Аллома ижодий ёндашувсиз ҳеч бир фаолиятни тасаввур қала олмайди. Ана шу боисдан унинг асарларида одоб, ахлоқ, зийраклик, иродавий куч, поклик, самимийлик хислатлари асосий ўринни эгаллайди.

Ўқитувчининг ҳар жиҳатдан ибрат ва намунага эга бўлишлари таълим ва тарбия гарови эканлигига ишора қилган. Ўқитувчининг касб маҳоратини тарбиялашнинг моҳияти тўғрисидаги мулоҳазалар «Қобуснома», «Хотомнома», «Қутадғу билиг» каби буюк асарларда ҳам баён этиб берилган. Чунки бу асарларнинг барчаси одобноманинг худди ўзгинаси бўлганлиги сабабли тарбиячи-мураббийнинг ўзига хос хислатларини шаклланиши босқичлари ифодалаб берилган.

XVIII-XIX асрда давом этган Туркистондаги жаҳидлар ҳаракатининг асосчиларидан бир, буюк маърифатпарвар ўқитувчи, мохир тадқиқотчи Абдулла Авлоний таълим тизими, ўқитишни такомиллаштириб, ўқитувчилар малакасини ошириш, бўлғуси ўқитувчини тайёрлаш муаммоларига мутлақо янгича ёндашган омилдир. Унинг фикрича ижодий изланиш, ўқиш ва ўқитишнинг янги шакли, услуб ҳамда воситаларини қидириш ўқитувчининг энг муҳим сифатларидан биридир деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё мутафаккирлари ва ўзбек маърифатпарварлари ўқитувчи кучли хотирага, ирода ва тафаккурига ақл-заковатга, чиройли нутққа эга бўлиши, кўзлаган мақсадни амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъиятлик кўрсатиш, ўқувчиларнинг руҳий дунёсига тўғри йўл топа олиш, уларга таъсир ўтказиш имконияти, виждонлилик, самимийлик, одобли, назокатли ишчан, масъул шахс сифатида фаолият кўрсатиши зарур эканлигини ўз асарларида таъкидлаб ўтадилар.

Ўқитувчи ва унинг профессионал сифатлари орасидаги муаммолар чет эллик олимлар С.А.Коменский, Джон Локк, И.Г.Песталоцци, А.Дистерверг кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Жумладан, улуғ чех олими, педагог Я.А.Коменский ўқитувчининг энг муҳим хусусиятлари қаторига болани севиши, юксак ахлоқи, билимдонлиги, иқтидори, қобилияти кабиларни киритиб, уларнинг моҳиятини атрофлича тавсифлаб беради.

Ушбу масалага сал бошқачароқ ёндошган И.Г.Песталоцци ўқитувчининг профессионал сифатларига баҳо беришидан умуман четлашиб, унинг халқ таълими тармоғини такомиллаштиришдаги роли, фан асосларини эгаллашдаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтади.

А.Дистерверг ўқитувчининг таълимдаги ролига баҳо бериб, у ўз фаолиятини билиши, уни севиши, ўқувчиларини ёқтириши деб уқтиради, ўқитувчи болаларнинг индивидуал хусусиятларга қобилияти, фаолияти услуги тўғрисида муайян даражада билимга эга бўлиш кераклигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Мутафаккир Джон Локк ўқитувчи психологиясининг энг муҳим жиҳатлари орасига мўътадиллик, ғайрат-шижоатлилик, эҳтиёткорлик каби ҳислатларини киритиб, уларнинг таълимдаги роли юзасидан мулоҳаза юритади.

Ғарб мутафаккирлари ғояларининг ворислари сифатида А.И.Герцен, Л.Н.Толстой, И.Г. Черкишевский, К.Д.Ушинский каби рус мутафаккирлари мазкур муаммоларга ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

А.И.Герцен мулоҳазасига кўра, ўқитувчининг асосий ҳислати – бу унинг болалар билан муносабатда бўлаётганлиги сезишда болалар руҳий дунёсини тушунча олишда, ахлоқий қобилиятининг мавжудлигида, чунки у шундай истеъдодга эриша олмайди, буни унутмаслик керак.

Ўқитувчи касбига оид илмий, тажрибаларда синалган мулоҳазалар рус педагоги К.Д.Ушинский таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг роли ва шахсига юқори баҳо бериб, ҳеч бир устав ёки программа, ҳамда сунъий организм пухта ишлаб чиқарилганига қарамай, инсон шахсининг ўрнини боса олмайди деб ҳисоблайди. Инсонининг характери ва ҳис-туйғулари, унинг ўқувчилар билан мулоқотга киришиш усули, ўқитувчи қалби болаларга яқинлиги каби ахлоқий ҳислатларининг шахсига хос муҳим фазилатлар бўлиб ҳисобланиб, муаллимнинг тарбиявий кучини белгилайди ва ижтимоий қимматига эга бўлган, баркамол бола шахсини таркиб топтиради. К.Д.Ушинский таъкидлашича, педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми педагогик-психологик одоб (такт)

ҳисобланади. Унинг фикрича психологик одоб (такт) ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ғоятда кенг қўлланилади, шунинг учун усиз одамлар орасида ҳеч қандай мулоқот ва нутқ қобилиятининг ўзи ҳам бўлмаган бўлар эди, дейди.

Шундай қилиб, чет эл мутафаккирлари ўз асарларида ўқитувчининг қатор муҳим фазилатлари мавжуд бўлишини баён қилганлар. Буларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак хислатлари ва ҳис туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, даврларни ўзлаштиришда орқада қолганлар билан индивидуал ишлаш. ўқувчилар диққатини ўзига торта олиш сеҳри, мустақил ишлаш ва ўз маҳоратини, малакасини ошириш. Педагогик қобилият ва одобга эга бўлиш кабилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шарқ ва ғарб мутафаккирлари томонидан таҳлил қилинган кўпгина ўқитувчи касби ҳақидаги мулоҳазалари то ҳозирги аждодлар ғоясини такомиллаштириш эвазига таълимни юксак босқичга кўтариш мумкиндир.

Фаол педагогик амалиётнинг мақсади, моҳияти ва вазифалари.

Жонажон Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан буён сиёсий, ижтимоий иқтисодий соҳаларда туб бузилишлар бўлаяпти. Жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам, Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаб ва кўрсатмалари асосида умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейларда барча фанлар бўйича давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилаяпти. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари рейтинг тизими орқали назорат қилинаяпти, ҳар бир ўқитувчи ихтисослиги қанақа бўлишлигидан қаттиқ назар ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари талаб қилинган стандарт асосида шаклланиши учун янги педагогик технология элементларини таълим жараёни учун лойиҳалаш, яратиш, танлаш ва бу жараёнларда қўллаш устида ишламоқдалар, ҳамда танланган элементларни амалда қўлламоқдалар.

Сиз азиз талабалар айнан мана шундай масъулиятли вақтда педагогик амалиётни ўташга чиқасизлар. Бутун Республикасиз ўқитувчи-тарбиячилари зиммасига шу кунларда тушган ниҳоятда оғир, кўп меҳнат ва вақт талаб қиладиган юқорида қайд қилинган ишлар сизларнинг ҳам зиммангизга тушади, ўйлаймизки, сизлар институтдаги ўз ўқитувчиларингиз юзини ерга қаратмайсиз. Олган барча билимларингизни, кўникма ва малакаларингизни ишга соласизлар. Ўқитувчига хос фазилат ва талаблар асосида пед.амалиётда иштирок этасиз.

Ушбу пед. амалиётнинг биринчи ҳафтаси ўрганиш ҳафтаси дейилади. Бу пайтда сизлар фан ўқитувчиларнинг дарсларини, синф раҳбарининг тарбиявий соатини таҳлил қиласизлар. Зарур ҳужжатларни тайёр ҳолга келтирасизлар. Иккинчи ҳафтадан фаол равишда ўқитувчи-тарбиячи сифатида фаолият кўрсатасизлар. Сизлар учун тайинланган методистлар доимо сизлар билан бирга бўлиб услубий тавсиялар бериб боришади, назорат қилишади.

Ахлоқ-одобга эътибор бериш, ўқитувчи-тарбиячилар ва ўқувчилар билан муносабат юқори даражада бўлиши керак.

ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Педагогик амалиёт қуйидаги мақсадларни:

1. Талабларни:

- олий ўқув юртларидан олган назарий билимларни педагогик амалиёт жараёнида қўллашни;
- таълим-тарбия ишларини мустақил олиб бориш ва пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишда ижобий ёндошишни;
- ўқув тарбия жараёнида «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кўрсатилган асосий талабларни жорий қилиш йўлларини;
- синф раҳбарлиги вазифасини бажариш ишлари, мактаб ўқитувчилари жамоаси ёшлар ташкилоти билан ишлашни, ҳамда талабалар билан тарбиявий тадбирларни олиб боришни ўрганишни;

2. Амалиётчи – талабаларга:

- педагогик касбига муҳаббат;
- илмий-тадқиқот ишларига қизиқиш;
- миллий қадриятларимиз ва ўтмишимиздаги бой меросимизга асосланган таълим-тарбияга оид педагогик қарашлар ва усуллардан ижодкорона фойдаланишга қизиқиш уйғотишни;

3. Амалиётчи талабаларни:

- турли метод ва услублардан фойдалана олган ҳолда дарсларни ўтишга;
- талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиришга тайёрлашни кўзда тутати;

Педагогик амалиёт жараёнида ҳар бир амалиётчи талаба қуйидаги вазифани бажаришни кўзда тутилади.

- мактаб маъмурияти ва жамоаси фаолияти, ташкилий структураси ҳамда тизими билан танишиш;
- мактаб фаолиятида фаол иштирок этиб, илғор педагоглар ва тарбиячи мураббийларнинг иш тажрибаларини таҳлил қилиш, тарбиявий ишларни режалаштиришга оид талаб ва йўлларни ўрганиш;
- мактаб фан кабинетларини, лаборатория хоналарини жиҳозлашни, ҳамда улардан фойдаланишни ўрганиш;
- ўз мутахассислиги бўйича энг камида 10-12 та дарсни кўриб таҳлил қилиш ва 6-8 соатдан намунавий (синов) дарсларини ўрганиш;

- педагогик амалиёт даврида мактаб педагогик кенгаши, метод бирлашмаси, синф раҳбарлари йиғилишида қатнашиши ва ҳоказо.

Педагогик амалиётнинг асосий мақсади ва вазифалари талабаларнинг институтда ва мустақил олган билим, кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириш, уларда мустақил ишлаш, яъни мустақил равишда дарс ўтиши, тарбиявий соатларни ташкил қилиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилиш каби маҳоратларини шакллантиришдир.

- амалиётчи талаба мактаб раҳбари, илмий бўлим мудир, синф раҳбари, болалар ва ёшлар кўмитасининг раислари ишлари билан тизимли танишиш, улар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини ва уларни таҳлил қилиш йўллари йўрганиш;
- амалиёт даври учун ўқув ва тарбиявий ишларни режалаштириш;
- мактабдаги фан хоналарнинг ишини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятларини яхшилайдиган методларни кўллаб ҳар хил турдаги дарсларга мустақил тайёрланиб, уларни ўтказиш;
- мактабдан ва синфдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- дарс жараёнлари учун кўргазмали қуроллар тайёрлаш;
- қолоқ ва илғор ўқувчилар билан алоҳида-алоҳида ишлашни ташкил қилиш;
- ўзлари синф раҳбарлиги қиладиган синфларда тарбиявий ишларни олиб бориши, ота-оналар мажлиси ўтказиш;
- ўқувчиларнинг саёҳатларига раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларга психологик тавсифномалар ёзиш;
- хоналарни жиҳозлашга ёрдам бериш;
- ўз мутахассислиги бўйича дарслар ўтиш;
- услуб бирлашма, синф раҳбарлари, педагогик кенгаш йиғилишларида қатнашиш.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати кўп қирралидир. Маҳорат касбий тайёргарликдан, назарий билим ва иш тажрибаси доимо ошириб боришдан, болаларга бўлган муҳаббатдан келиб чиқади.

Педагогик маҳорати – бу ёш авлодга таълим-тарбия беришни юксак даражада ва доимий равишда такомиллаштириб бориш санъатидир.

Педагогик маҳорати айрим педагогларнинг мулки эмас. Бу интилган ҳар бир педагог эгаллаши мумкин бўлган санъатдир.

Педагогик-техника ва технологиясини эгаллаш педагогик қобилиятларни ривожлантириш ва педагогик маҳоратини муваффақиятли эгаллашга ёрдам беради. Шунингдек «Педагогик технология»ни эгаллаш ўз фанини замонавий фанлар даражасида яхши билишни ва педагогининг методик қуролланганлигини, педагог табиатини

шакллантиришни ва унда тарбияланувчилари билан мулоқотда зарур бўладиган хулқ-атвор кўникма ва малакаларининг эгалланишини назарда тутди.

Педагогик маҳоратини шакллантиришга мактаб педагоглар жамоаси кадрларни тайёрлашни мақсадга мувофиқ оширсан, педагогнинг мустақил фаолиятига ҳам ёрдам беради.

Шаклланган педагоглар жамоасида ёш ҳамкасбга талабчан бўлишади. ўз билими ва фаолиятини танқидий баҳолаш, муваффақият ва хатоларини кўра олишга ўргатилади. У хатоликларини бартарф этишда ёрдам беришади, катта ёшли ҳамкасблар иши билан таништиришади. Умумий йўналиш ва истиқболни кўра олишни ўргатади.

Педагоглар жамоаси моҳир педагогнинг шахс хусусиятларини шакллантиради. Улардан асосийлари куйидагилар:

- маҳоратни эгаллашга жон-дилдан интилиш;
- ўз меҳнати натижалари, болага ўз таъсири учун маъсулият ўз ишига содиқлик;
- мустақил ижодий интилишга қизиқиш, манманлик, бамайлихотирликни йўқлиги;
- хайрихоҳлик ва ишда ўртоқларча ёрдам беришга ҳозирлик, бу педагогнинг ўз муассасаси, шаҳри методик ишларида фаол қатнашишида намоён бўлади.

«Педагогик маҳорат» бир категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. 1987-1997 йиллардаги илмий ёндашувлар бу фавқулудда ҳодисага нисбатан куйдагича хулоса қилишга имкон беради:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятидаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назардан кишининг индивидуаллигини характерлайди.

Ҳозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги куйдаги категорияларда жамланади:

Педагогик маҳорат (А.С.Белкин, В.И.Загвязинский, Н.П.Лебедник, И.А.Зазюн, Т.Ф.Кузина, Н.В.Кухарев, С.Б.Елканов, А.К.Макарова);

Педагогик ижод (В.В.Белич, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.Д.Никадров, А.К.Маркова, Т.В.Фролова, Т.Калошина, Г.Ф.Похмелкина, С.Ю.Степанов);

Новаторлик (В. И.Загвязинский, А.К.Маркова);

Касбий билимдонлик (И.А.Зазюн, Н.П.Лебедник, А.К.Маркова.);

Фанининг услуби (А.К.Маркова);

Инновацион фаолият (Е.П.Марозов, П.И.Пидкасисткий, Н.В.Юсуфбекова);

Маҳорат талабалар томонидан уларнинг социал етукликка эришиши даражасига қараб босқичма-босқич эгалланади. Социал етуклик компонентлари педагогик маҳорат компоненти билан куйидагига нисбатан бўлади.

Бўлғўси педагогнинг социал етуклик компанентларига услублар киради:

- социал ўз-ўзини белгилаш-ўзининг педагогик қобилиятлари ва эътиқодини намоён қилиш;
- социал фаоллик – одамлар билан ишлай олиши ва бошқаларни тинглаш тажрибасини такомиллаштириш;
- социал масъулият – ўқитувчининг билимдонлигига айланадиган билимлар.

Маҳоратнинг шаклланиш босқичларига репродуктивлик (бошланғич), ижодийлик, ижодий – новаторлик киради.

Педагогик маҳорат даражалари ўқитувчи иш даражасининг давоми ҳисобланади:

- репродуктив (ўта паст);
- мослашувчан (паст);
- локал (чегараланган) – моделлаштириш (ўртача қоникарли).

Бу даража талабалар билан бўладиган ўқув-тарбия ишларининг айрим йўналишларида юқори сифати билан характерланади:

- изчил моделлаштириш (юқори). Бу босқичда, педагог фаолиятининг барча турларида юқори сифатга эришилади;
- изчил моделлаштириш (+++). Бунда, фаолиятнинг барча турларида ижодий муносабат намоён бўлади, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари изланади.

Педагогик маҳорат кампонетларини ҳосил қиладиган қуйидаги малака гуруҳлари фарқланади:

- лойиҳалаш;
- конструкциялаш;
- ташкилотчилик;
- мулоқат;
- билиш ва рефлексивлик.

Таянч тушунчалар:

Мутафаккир, касбий фазилатлар, муомала, педагогик маҳорат, амалиёт мақсади, вазифалари.

Назорат саволлари.

1. Шарқ мутафаккирларидан кимларни биласиз ва уларнинг асарлари ҳақида сўзланг.
2. Шарқ донишмандларининг ўқитувчи ҳақидаги фикрлари.
3. Ғарб мутафаккирларининг ўқитувчи маҳорати ҳақидаги фикрлари.

4. Касб-маҳоратини шакллантиришда амалиётнинг асосий мақсад ва вазифалар қандай?

3-мавзу:

Мавзу: Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилиятлар.

Мақсад: педагогик қобилият, қобилият турлари ҳақида тушунча бериш, ўқитувчи фаолиятида педагогик қарашлар.

Режа:

1. Педагогик қобилият тарихидан тушунча.
2. Қобилият ҳақида тушунча.
3. Педагогик қобилиятнинг турлари.
4. Педагогик фаолиятда ижодий ҳолатни ташкил этиш.

Адабиётлар.

1. Ражабов С. Педагогика фанининг алломалари. Т., Ўқитувчи 1991 й.
2. Умумий психология. Т., Ўқитувчи 1992 й.
3. Тарбия иш методикаси. Л.И. Рувинский. Т., 1991 й.
4. Раҳимов С, Тўракулов Э. Рухият ва таълим-тарбия тўғрисида. Т., 1992 й.
5. Ражабов С. Мутахассисликка кириш. Т., 1991 й.

1. Педагогик қобилият адабиётда биринчи бўлиб XIX аср ўрталарида пайдо бўлган. Педагогика назариясида ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик перцептив қобилиятида А. Дистерверг диққат эътибор берди. Шундай қилиб, Дистерверг педагогик қобилиятнинг кучига, педагогик тактга ва қатъий эркинликка аҳамият берди. У ўқитувчининг билим орттиришлик қобилият тушунчасини илгари сурди. Сўнгра XIX асрнинг иккинчи ярмида П.Г.Редкин «ахлоқий қобилият» тушунчасини илгари сурди. Дистерверг, Редкин фикрларини К.Д.Ушинский давом эттирди. К.Д. Ушинский «Одамни тарбиялаш» нинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодига эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин», - дейди, Л.Н.Толстой: «Тарбиялаш мувоффақиятли бўлиши учун тарбияловчи кишилар сира тўхтамай ўзларини тарбиялай билишлари керак» - деганди.

А.С.Макаренко айтишича, тасодифий равишда ўқитувчи бўлиб қолган, лекин у бу ишга қизиқиб кетиб бадий адабиётни кўп ўқиган Горькийни ўзининг устози деб уни асарларни ўрганишга киришган. Макаренко ўз тажрибасига асосланиб, агар ҳар бир киши кунт билан меҳнат қилса, у ўзига нисбатан талабчан бўлса, у яхши педагог бўлиши мумкин, - дейди.

Ўрта Осиё алломалари ўқитувчилик касбига оид қарашлари. Фаробий: «Ақл тўғрисида» ги рисоласининг ўзида 12 та хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқий одам деб ҳисоблайди. Булар: соғломлик, тез англай олиш хусусияти, хотираси бақувват, зеҳни ўткир, сўзлари аниқ, фикрини раво баён эта оладиган, ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган, ёлғончига нафрат билан қарайдиган, ғурур ва виждонини қадрлайдиган, мол дунёга муккасидан кетмаган, адолатни сеувчи, қатъий, кўркмас, жасур.

Абу али ибн Синонинг кўсатишига, муаллим, аввало болага «*куръон*» таълимотини ўргатиши лозим, сўнгра боланинг нимага қизиқишини, қайси касбга ёки санъатга майли борлигини аниқлаши зарур.

Муаллим болага таълим беришига киришидан олдин ўқувчининг характерини ўрганиши ва билим даражасини аниқлаши лозим. Бунда аввало бола диққатининг хусусиятларини, қизиқиши ва қобилиятларини эътиборга олиб, унга қайси хунар ёки санъатни ўрганиш мумкинлигини кўрсатиш керак.

Бурхониддин Зарнуджий (XII аср) – «Ўқитувчига таълим йўлида қўлланма» асарида педагог қуйидагиларга эътибор бериши лозим.

- муаллим билимдон, тажрибали, олижаноб бўлиши лозим;
- ҳар бир киши қаноат, сабр, мурувватли, билимини такрорлаши лозим;
- ўз фани ва касбидан тўла қаноат қилиш;
- ақл фаросатлилик.

Ўзбек халқ педагогикаси асарларида мураббий, устоз энг ҳурматли, мўътабар инсон сифатида улуғланади.

Отанинг боласи бўлма, одам боласи бўл.

Устоз отангдек улуғ.

Ота-она болани дунёга келтиради, устоз эса уни юксакликка, осмонга кўтаради.

Устозсиз шогирд жонсиз кесак.

Устоз кўрмаган шогирд-ҳар мақомга йўрғалар.

2. Қобилият ҳақида тушунча. Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта ва бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмайсиз. Мактаб ўқитувчисининг фаолияти инсон шахсининг тиклантиришга қаратилган. Мувроффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, қобилиятни ривожлатириш учун эса лаёқат, зеҳн, истеъдод яъни инсон нерв тизимида анатомио-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур.

Ўқитувчининг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларнинг шундай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишларининг мувоффақиятли бўлиши педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан, унинг иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос бўлган бир қанча хусусиятларини ҳам таъминлаб беради. К.Д.Ушинский «Фақат шахсина шахснинг ривожланишиға ва таркиб топишиға таъсир қилиш мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудға келтириш мумкин», - деб ёзган эди.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишини муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитни ифодаловчи индивидуал психик хусусиятларидир.

Фалсафа тарихида қобилият узоқ давргача «ўзгармас ирсият», «наслдан наслға ўтувчи алоҳида куч сифатида талқин этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз философи Ж.Локк ва француз материалистлари томонидан танқид қилинган. қобилиятни ривожлантирувчи мумкин бўлган анатолит-физиологик хусусиятлар туғма бўлади.

Қобилиятлар – бу имконият у ёки бу ишда маҳоратнинг зарур даражаси эса воқеийликдир. Болада намоён бўлган мусиқий қобилият унинг мусиқачи бўлиши учун бирон бир даражада гаров бўла олмайди. Боланинг мусиқачи бўлиши учун унга махсус таълим берилиши, педагог ва бола намоёйиши қилган қатъийлик, саломатлиликининг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўплаб шарт-шароитлар бўлиши зарур. Буларсиз қобилиятлар ривожланмай турибоқ сўниб кетиши мумкин.

3. Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулдда умумий ва хусусий қобилиятларни талаб қилади.

Касбий-педагогик фаолиятнинг мувоффақиятли хусусий педагогик қобилиятларға боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятлар куйидаги гуруҳларға ажратилади:

- Коммукативлик – инсонларға юз тутиши, хайрхоқлик, муомалалик;(бошқа одамлар билан буладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик қовушганликни таъминлайдиган қобилият.
- Перцептив қобилиятлар – идрок жараёнининг асосий тузилиши биринчи булиб,идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат.М-н: яъни идрок этиш жараёнида богчадаги болани олдиға кубиклар куйилган расмлари билан куйиб чиқилади. Бола уни солиштиради.
- Дидактик қобилият- укувчилар билан мулоқот қилишда педагогиканинг таълим қонуниятларини ҳамда методларини урганган холда таълим жараёнини амалға ошириш.
- Эмпатия қобилият- бошқа одамларнинг психик холатларини тушуниш ва уларға ҳамдардлик қилишдир. (биргаликда дардлашмоқ).
- Конструктив – уқитувчининг уз ишини режалаштира олишидир.

- Билиш қобилияти – билимни эгаллаш ва уни узлаштиришни таъминлаш.
- Англаш (тушуниш, хиссий барқарорлик) – тушуниб онгли ҳаракат қилиш, узини бошқара олиш.

Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларга қуйидагилар қиради:

- Уқувчини тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;
- ўқув материални мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабларига тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- Уқувчиларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик таҳнологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- Уқувчиларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил қилиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқариш билан баҳам кўриш қобилияти.
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиши қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар қиради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилият);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;
- мулоқатнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- ҳурмат қозониш, уқувчилар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

4. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Ўқитувчининг профессионал одоби бу хусусиятни ҳам ўз ичига олади. Маълумки, инсон олдида бир муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик касби ана шундай хусусиятга эга. Чунки ўқитувчилик ишида ҳамма вақт ҳам қўллаш мумкин бўлган тайёр қоида, рецепт ёки шаблонлар йўқ. Педагог ўқувчи шахсни шакллантиради, қутилмаган вазифаларда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бажаради. Болаларнинг ҳаммасида ижодкорлик мавжуд. Педагогик ижодкорликнинг туб моҳияти ишнинг мақсади ва характерини билан боғлиқ.

Педагогик ижодкорлик манбаи – педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба деганда, ўқитувчининг ўз вазифасига ижодий, янгича ёндашиши, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги самарали йўл ва воситаларни қидириб топа билиш тушунилади, ижодий ишлайдиган ўқитувчи тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур,

чунки ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргатиш ва жалб этишни талаб қилади. Ўқитувчининг педагогик одоб маданияти, обрўси қанчалик баланд бўлса, таълим ва тарбия ишлари шунчалик самарали ва таъсирли бўлади.

Таянч тушунчалар: қобилият, педагогик қобилият, перцептив қобилият, дидактик, конектуриктив, коммуникатив, билиш (англаш) қобилиятлар.

Текшириш ва ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:

1. Педагогик қобилият қачон пайдо бўлган?
2. Қобилият нима?
3. Қобилият турлари ҳақида сўзланг.

4-мавзу.

Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.

Мақсад: Коммуникатив қобилият, ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлар ҳақида тушунча бериш.

Режа:

1. Коммуникатив қобилият – бу педагогик ўзаро алоқадир.

2. Педагогик такт ҳақида тушунча.
3. Ўқитувчи шахсининг фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари.
4. Педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлари.

Адабиётлар:

1. А.Мунавваров «Педагогика» Т., 1997 й.
2. Халқ таълими. №1. 1991 й.
3. Педагогик технология ва педагогик маҳорат Н.Н. Азизхўжаева. Т., 2003 й.
4. М.М.Пирмухамедова «Педагогик маҳорат асослари». Т., 2001 й.
5. Тарбиявий иш методикаси л.И.Рувинский таҳрири астида. Т., 1991 й.

Коммуникатив қобилият –бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган мулоқот қобилиятидир.

Психологияга оид адабиётларда каммуникатив қобилиятларнинг бир неча гуруҳлари фарқланади:

1. Кишининг бошқа кишини билиши. Бу қобилиятлар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида қиёфаси, мотиви ва хатти-харакатларига баҳо бериши, кишининг ташқи кўриниши, хулқи ва ички дунёси нисбатига баҳо беришни,.. савлати,.. имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни қамраб олинади.
2. Кишининг ўз-ўзини билиши. У ўз билимини, қобилиятларини ўз характери ва ўз шахсининг бошқа қирраларини ҳамда ташқаридан ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шундай баҳо беришни кўзда тутди.
3. Мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш. Бу вазиятни кузатиш, унинг кўпроқ ахборот берадиган белгиларини танлаш ва унга диққатни жалб қилиш; юзага келган вазиятнинг социал ва психологик мундарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Инсоннинг ўзини қуршаб турган олам билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати одамлар ўртасида уларнинг ижтимоий ҳаёти ва энг, аввало ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида таркиб топадиган объектив муносабатлар системасида юз беради. Ишлаб чиқармоқ учун одамлар бир-бирлари билан муайян алоқа ва муносабатлар, мулоқотлар орқали

боғлайдилар ва фақат шу ижтимоий алоқ ва муносабатлар орқали уларнинг табиатга нисбатан муносабатлари мавжуд бўлади. Обьективлик яъни обьектив муносабатлар ва алоқалар (боғланганлик, бўйсунганлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари ва бошқалар) ҳар қандай реал гуруҳда муқаррар ва қонуниятли тарзда юзага келади.

Муносабат – одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишнинг кўп қиррали жараёнидир. Муносабат биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айрбошланишини ўз ичига олади. Бундай ахборот айрбошланиши муносабатнинг коммуникатив жиҳати сифатида таърифланиши мумкин. Одамлар муносабатга киришаркан, муносабатнинг энг муҳим воситалардан бир сифатидаги мулоқотли амалга оширувчи тилга мурожаат қиладилар. Муносабатнинг иккинчи жиҳати – мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати – нутқи жараёнида фақат сўзлар билан эмас, билки ҳаракатлар, хатти-ҳаракатлар билан айрибошлашдан иборат. Универмаг кассаси олдида ҳисоб-китоб амалга ошираркан, харидор билан сотувчи ҳатто улардан биронтаси ҳеч қандай сўз ишлатмаса ҳам ўзаро мулоқотга киришади, харидор кассирга харид қилинган нарса учун товар чеки ва пул тақдим этса, сотувчи чек уриб, қайтимини санаб беради. Ниҳоят, муносабатнинг учинчи жиҳати муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини тақазо қилишидир.

Масалан: муносабат бўйича шериклардан бири бошқасини ишонса бўладиган, ақлли, тушинадиган, тайёргарлик кўрган киши сифатида идрок этиши ё идрок этмаслиги олдиндаёқ у ҳеч нарсани тушунмайди ва хабар қилинган нарсанинг фаҳмига етмайди, деб ҳисоблаши муқарар. Шундай қилиб, ягона муносабат, мулоқат жараёнида шартли равишда учта жиҳатни коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш) жиҳатларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Ана шу учта жиҳатнинг бирлиги ҳолида ўрганилаётган муносабат биргаликдаги фаолиятни ва унга жалб этилган одамларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини ташкил этиш усули сифатида майдонга чиқади. Муносабат қонуниятларини билиш ҳамда муносабат ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш педагог учун айниқса муҳимдир. Негаки, унинг касбига кўра вазифаси ҳам асар у ўқувчиларни ўзи билан биргаликдаги фаолиятга унумли жалб қила билган, тарбиявнинг мақсадлари ва вазифаларига жавоб берган тарздаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат ва ўзаро ҳамжиҳатлигини йўлга қўя олган, яъни тўлақонли педагогик муносабатни ўрната олган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этиши мумкин. Амалга оширилиши шакллари жиҳатидан қараладиган педагогик муносабат – педагог ва таълим олаётганларнинг ўзаро биргаликда ҳаракати усуллари системасидир. Бунда, аввало, ахборот айрбошлаш, ўқитувчи томонидан турли хилдаги коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчи билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва ўзаро мулоқатлар ўрнатиши муносабатнинг мазмунини ташкил этади.

Ўқитувчи фаолиятининг дидактик ва хусусан таркибий вазифаларини ўқитувчи билан ўқувчилар коллективи ўртасидаги сермахсул мулоқот жараёнини ташкил этмасдан туриб етарли даражада, унумли тарзда амалга ошириб бўлмайди. Шу тариқа педагог фаолиятида муносабат, биринчидан, хусусан ўқув вазифаларини ҳал этиш воситаси сифатида, иккинчидан тарбиявий жараёни психологик жиҳатдан таъминловчи система сифатида, учунчидан, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида тарбия ва таълимнинг муваффақиятли олиб борилишига имкон бердиган ўзаро муносабатларнинг муайян системасини ташкил этиш усули сифатида ва ниҳоят, тўртинчидан, мактаб ўқувчисининг индивидга хос хусусиятларини тарбиялаб бўлмайдиган жараён сифатида майдонга чиқади. Педагогик муносабат деганда педагог ва ўқувчилар жамоаси ўртасида ўзаро биргаликдаги ҳаракатларнинг мазмунан ахборот айрбошлашдан, ўқув таркибий таъсир кўрсатиш ва ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат системаси, усуллари ва малакалари тушунилади.

Такт – тўқнашиш – бу одамларнинг ўзаро муносабатини тартибга келтирувчи ахлоқий категориядир.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасида 2 хил эмоционал мулоқат турлари содир бўлади.

- а) салбий ҳис - туйғуларга асослаган мулоқат.
- б) ижобий ҳис – туйғуларга асосланмаган мулоқат.

Педагогик такт ўқитувчига балалар билан ижобий эмоционал мулоқатда бўлишга ва улар билан психологик алоқани ўрнатишга ёрдам беради. Педагогик тактнинг талабларига риоя қилган ўқитувчи ўзида мулоқатнинг демократик усулини ишлаб чиқади ва ҳақиқий (Мулоқот маданиятини эгаллайди) маданий алоқага эришади. Педагогик такт ўқитувчига балалар билан мулоқот жараёнида ҳар қандай низолардан ҳоли бўлишига ва ўзаро муносабатларни тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

Такт сўзи «тўқнашиш» маъносини билдиради. Такт – бу одамларнинг ўзаро муносабатини тартибга келтирувчи ахлоқий категориядир. Хушмуомала хулқ инсонни ҳурмат қилишни талаб қилади. Педагогик такт ўқитувчининг профессионал сифати унинг педагогик маҳоратнинг бир қисмидир. Педагогик такт ўқитувчиларга нисбатан тўғри муносабатни таъминлаш йўлларида биридир. ўқитувчининг усули ва методлари оптимал тадбиқ қилиниши керак.

Педагогик такт ўқитувчининг вазмин хулқида намоён бўлади (яъни чидмлилик, ўзини тута олиш). У ўқувчига нисбатан ишончни белгилайди. Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан бўлган ишончи уларни ишлашга рағбатлантириш керак. Ўқитувчининг маданий алоқаси, такти, унинг ўқувчилар билан бўлган ўзаро муносабатининг турли формаларда, дарсларда, дарсдан ташқари ишларда, дам олишда намоён бўлади.

Ўқитувчининг такти дарснинг ҳамма этапларида керакдир. Айниқса, ўқитувчи ўқувчиларни хулқини ва билимини баҳолаётганида бунга катта аҳамият бериши керак. Такт ўқувчини жавобини эшита олишда ифодаланади. Ҳамма ўқувчилар уларни

жавобларини кунт ва хурмат билан эшита оладиган ўқитувчига жавоб беришни яхши кўрадилар.

Ўқитувчи ўқувчилар олдида актёр сингари ўз ролини ижро эта олиши керак. Яъни турли хил вазиятлардан чиқа олиши керак.

Демак, ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида улар билан ҳамкорликда ишлаши педагогик тактнинг талабларига риоя қилиши ва мулоқот тактикасини эгаллаган бўлиши керак.

Педагогик такт маҳорат билан биргаликда ҳосил бўлади. У ўқитувчининг маънавий етуклигининг ўз устида ишлаб, орттирган махсус билимлар ва маҳоратнинг натижасидир. Энг муҳими ўқитувчи болаларнинг ёш психологиясини ва индивидуал хислатларини билиш керак. Шу билан бирга ўқитувчининг ахлоқ асослари ва нормаларини, болаларнинг хатти-ҳаракатида маънавий томонни кўра билиш ҳам жуда муҳимдир. Ўқитувчи зиддиятли вазиятдан чиқиши учун қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиши керак.

4. Авваламбор ўқитувчи зиддиятни бартараф этиши керак.
5. Хатти-ҳаракати билан шеригига таъсир қила олиши керак. (ўқувчига, ҳамкасбига).
6. Сухбатдошининг хатти-ҳаркати, юз берган вазиятни тушунмасдан туриб, хулоса чиқаришга шошилмаслиги керак.
7. Мақсадга келишиши, яъни ўқувчи билан боғлиқликни иложи борица аввалроқ англаб олиши муҳимдир.
8. Хулоса тўғри чиқарилганлигига ҳаммани ишонтира олиши.

Ўқитувчининг болалар билан муомаласи муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан унда педагогик қобилиятни мавжудлигига, маҳоратига боғлиқ бўлади. Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниши қабул қилинган. Бу хусусиятлар уларнинг ўқитувчи вазифасида болаларни ўқитиш ва болаларга таълим беришда юксак натижаларни қўлга киритишнинг шарти ҳисобланади. Маълумки, шахснинг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи хислат ва хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи рол ўйнаса, бошқалари ёрдамчи роль ўйнайди.

Биринчи навбатда прцептив, яъни идрок қилиш соҳасига тааллуқли бўлган хусусиятлар (улардан энг муҳимроғи кузатувчанликдир) етакчи роль ўйнайди. Ўқитувчига ўқувчининг психологиясини, унинг психик ҳолатини ўхшаш тарзда идрок этиш, муайян ҳолда умуман синф келлективининг аҳамиятга тўғри баҳо бериш имконини беради. Ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисми сифатида эмпатия, яъни ўқувчиларнинг психик ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шарти болаларга бўлган муҳаббатдир. Ниҳоят, ўқитувчи шахсининг ўзаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятларининг учинчи таркибий қисми деб ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин. У билимларни бошқаларга беришга, болалар билан муомала жамоасини ташкил этиш истагида намоён бўлади. Ташкил этиш қобилияти ҳам педагогик

қобилиятларнинг таркибий қисмидир. У барча ўқувчиларнинг ҳар хил фаолият турларига жалб қилишида, жамоанинг ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиш қуролига айланишади, ҳар бир ўқувчига фаолият, вазиятни таъминлаб беришда намоён бўлади.

Ташкил этиш қобилияти ҳам педагогик қобилиятларнинг таркибий қисмидар. У барча ўқувчиларнинг ҳар хил фаолият турига жалб қилишида, жамоанинг ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиш қуролига айланишида, ҳар бир ўқувчига фаолият, вазиятни таъминлаб беришида намоён бўлади. Ўқувчига ижтимоий ўзаро ҳаракатда бўлган, унда мавжуд бўлган педагогик назокат майдонга чиқади.

Р:4. Педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи ҳислар ва хусусиятлари.

Педагогик қобилият структурасига кирадиган ёрдамчи ҳислар ва хусусиятлардан: бу аввало, ақл-идрокнинг муайян ҳисларлари: ҳозиржавоблик, танқид кўзи билан қараш, собитқадамлик ва бошқа бир қатор ҳислатлардир. Ўқитувчининг нутқи: нотиклик қобилиятларини мавжудлиги, сўз бойлиги ва ҳаказолар ҳам муҳим роль ўйнайди. Табиатда бир қадар арнистик хусусиятига эга бўлиши (хаёл, фантазия ишлата билиш) ҳам ўқувчилар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян рол ўйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлагини кўрсатади.

Масалан, шахс перцептив хусусиятларнинг энг муҳим элементи бўлган кузатувчанлик ўқитувчининг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч-ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади. Ўқитувчи ўзининг ижтимоий-психологик кузатувчанлигини, яъни ўқувчиларда турли характер хусусиятлари, майилларини пайқаб олиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо бўлиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини улар муҳитидаги ўзаро муносабатларни, ўзининг улар билан ўзаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай бўлмасин, худди шундай идрок этиш ва кўриш маҳоратини, яъни таълим-тарбия жараёнида рўй бераётган нарсаларни ичидан идрок этиш маҳоратини доимо такомиллаштриб бориш лозим.

Бу эса осонгина қўлга киритилмайди. Гап шундаки, педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишига ўхшайди, чунки педагог ҳамиша ўқувчиларга нисбатан маълум даражада ташқи вазиятда туради. Уларнинг фаолиятдан (унинг ташкилотчиси бўлса ҳам) узоқлашган бўлади. Шу сабабли, педагог ўзи кўрсатган нарсаларга ўзининг ижтимоий ривожланиш жараёнида идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда келиши мумкинки, педагог учун янги бўлган ҳодисалар унинг ўзида мавжуд бўлган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этиши мумкин. Бундан ташқари, педагогнинг муайян масалага жавоб излашга интилиши унда аҳамиятли бирор фактни ўтказиб юбормаслик учун қулай йўналиш ҳосил қилади. Агар ўқитувчи болаларнинг хатти-ҳаракатларини фақат тўғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кўра олсагина шу билан бирга ўзида сабот, ўзини тута билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл-атвор хусусиятларини

ривожлантира олсагина, юқоридаги вазифага эришиш мумкин. Ўқитувчининг ўқувчиларини, уларнинг феъл-атворлари, тенгдошлари ва катталар билан муносабатларини турли воқеаларга, муаммоларга ва хоказоларга муносабатларини доимо ўрганиб ва билиб боришга интилиши муҳимдир.

Лекин ўқитувчи ўз ўқувчилари билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилар экан, баъзан тегишли дақиқаларда ўзи эшитмаслиги лозим бўлган нарсаларни эшитмасдан ўтиб кетиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик бўлиши мумкинлиги, ёки вазият ноаниқ бўлиб турганда эшитиш дарҳол аниқлик киритиш зарурлигини тақазо қилишидир. Ўқувчилар билан ўз муомаласини бақириқ ва майда-чуйда нарсаларга аралашушга айлантириб юбормаслик учун кундалик ишларда ниманидир сезмай қолишни ўргатиш муҳимдир.

Нихоят, баъзан бирор нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдали бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган кичик ихтилофларга барҳам беради, унга ўқувчилар билан бўладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради. В.А.Сухомлинский таъкидлаб ўтганидек, педагог болалар айниқса катта ёшдаги ўқувчилар ўртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек зиддиятларнинг шундай соҳаси борки, унда педагогнинг аралашуви ниҳоятда чекланган бўлиши, ҳамма келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам коллективда муҳокама қилиш объекти бўлмаслиги мумкин ва лозим деб ҳисобланган эди.

Таянч тушунчалар:

Каммуникатив қобилият, такт, педагогик такт, мулоқот хусусияти, шахсий хусусиятлар.

Назорат саволлари:

1. Коммуникатив қобилиятга таъриф беринг.
2. Педагогик тактга қандай талаблар қўйилган?
3. Шахснинг ўзаро фикр алмашинув хусусиятлари қандай?
4. Ёрдамчи хислатлар ва хусусиятлар ҳақида сўзланг.

5-мавзу.

Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси. Мулоқотни ташкил этишда умуминсоний қадриятлар устиворлиги.

Мақсад: педагогик муомаланинг моҳияти, ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти, мулоқотни ташкил этишда миллий ўзбек урф-одатлари, умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги ҳақида тушунтириш.

Режа:

1. Педагогик муомала ва педагогик мулоқотнинг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Шарқона тарбия ва унинг мулоқотга таъсири. Ўзбек урф одатлари, шарқона муомала маданияти.
3. Миллий маданиятнинг мулоқотга таъсири. Муошарат одоби. Соф адабий тилда сўзлашишга одатланиш.
4. Мулоқот маданиятига эришиш йўллари.

Адабиётлар.

1. Рашидов А. Миллий анъаналар тарбия манбаи. «Халқ таълими» журнали. Т., 1992 й. 1-сон.
2. Т.Курбонов. Одобрнома. Т., Ўқитувчи, 1995 й.
3. Одобр бўстони ва ақл гулистони. Т., Фан, 1994 й.
4. Донишмандлар тарбия хусусида. Т., 1982 й.
5. Умумий психология. Т., Ўқитувчи, 1992 й.
6. Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» т., Ўзбекистон, 1992 й.

1. Ўқитувчи мактабда ўз касбдошлари билан ҳар доим ва ҳамма вақт бирга бўлади. Улар билан суҳбатлашади. Ўқитувчи ўз касбдошларига меҳрли, мурувватли, улар билан ҳамнафас бўлади. Ўқитувчи иш жараёнида болалар билан ишлайди. Уларга меҳрибон, одобли ва ахлоқли ўқитувчилар зарурдир. Ўқитувчи ҳар сафар болалар билан суҳбатлашиб борар экан, у ҳар доим болаларга ширишсухан бўлиши даркор.. агар ўқитувчи болаларга кўпол муомалада бўлар экан, ўқувчиларнинг дарсга бўлган лаёқати, қизиқиши сўнади. Натижада улар дарс қилмасликка, уй вазифаларини бажармасликка, мактабга бормасликка одатланадилар. Ўқитувчи актёр бўлмоғи лозимдир.

Муомала – ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада ўз тарбияланувчилари, умуман, жамоа ҳақида, ундаги ички жараёнлар ҳақида ғоят хилма-хил ахборотга эга бўлади ва ҳоказо. Педагог ҳам ўз навбатида муомала жараёнида ўз тарбияланувчиларига мақсадга қаратилган ахборотни маълум қилади.

Педагог муомала воситаси орқали қандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, ўқувчининг шахси ҳақидаги ахборотнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Муомала шахсни ғоят хилма-хил шароит ва кўринишларда ўргатишга имконият беради.

Педагог ўқувчилар билан муомала қилар экан, жуда майда қисмларни англаб олишга қодир бўлади. Булар сиртдан қараганда унчалик ахамиятли бўлмасада, шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган аломатлари ҳам бўлиши мумкин, бунда педагог шахси катта роль ўйнайди. Айтиб бериш хил ҳодисанинг турли кишилар томонидан талқини-униги шахснинг ўтмишидаги тажрибасига боғлиқлиги билан изоҳланади, бу тажрибанинг уч жиҳати бор: умуман, ҳаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, ўқувчилар билан муомалада бўлиш тажрибаси.

Ниҳоят, педагогнинг ўқувчилар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадикки, ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабаб турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида, ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва ўқувчиларнинг хулқ-атвор усулларида фойдаланади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситаси сифатида қаралиб, бирлаштирувчи ўрнини тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Муомало ўзаро муносабатлар доирасида содир бўлади. Бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан олдин содир бўлади. Бошқариш бўлган воситаси муомала ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади, ниҳоят, бошқариш воситаси бўлган муомала фаолиятдан кейин боради.

2. Шарқона муомала маданияти асосан ўзбекларда кенг ривожланган. Биз ўзбекларда муомала маданияти жуда кучли. Айтганимиз, ўзбек аёлларида уларнинг юриш-туришида, маданиятида, чиройида, гўзалликда, хулқ-одобда, фазилатда ва муомала маданиятида биринчи ўринда туради. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, эркакларимиз ишдан келишганларида, бизнинг ўзбек аёллари чиройли муомала билан кутиб оладилар. Уларнинг қўлларига сув қуйиб, тоза сочиқ тутадилар. Буларнинг ҳаммаси муомала орқали содир бўлади. «Мулойим сўзга бахил бўлмагил, халқ мулойим сўз эшитмаса, сўз шайдоси эмас, балки мол-дунёси шайдоси бўлиб қолади. Қаттиқ сўз демагил, яхши сўз дегил, токи сен ҳам яхши сўз эшитасан».

Улар сенинг шарқона муомала маданиятингни мақтаб қўқларга кўтаради. Сенинг муомала маданиятингни ўрганади. Муомалали бўлиш бу ўша инсоннинг кўрки, униги обрўси ва хулқ атвори.

Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришларига катта ахамият берилган. Улар фарзандларининг кўрсилик қилиши, катталар суҳбатига аралашиви, ножўя ишларига зинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Шарқона одоб минг йиллар мобойида Исломи тарбия қоидалари асосида таркиб топиб, такомиллашиб борганлиги тарихдан маълум. Чунки, Қурони Карим оятлари мазмуни, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадирслари, шарқ алломалари ва файласуфларининг китоблари тарбиямизнинг манбаи бўлиб хизмат қилган.

Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча қирраларини, ҳатто майда жиҳатларигача қамраб олган. У гўдакларни эмизишдан тортиб, қандай кийинишларигача, овқатланиш одобидан тортиб, кўча-қуйда, катталар қошида ўзини қандай тутиши лозимлигигача барча жиҳатларни ўз ичига олган. Энг асосийси, исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, пок, меҳнатқаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-онани ҳурматлаш руҳида тарбиялашнинг шарт қилиб қўйган.

Муомала – ахлоқ кўрки саналади. Ҳар бир кишининг қандай дунёқарашга эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум бўлади. Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаларидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил-алоқа қуроли дейилади. Инсонинг тили шириш, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Сўзга чечанлик, ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан ёндашишларини уқтириб ўтганлар. Улуғ бобомиз Алишер Навоий муомала маданияти, хушмуомалалик тилнинг ахамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида нурҳикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимиз учун ҳам ўз ахамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулоимлиги эса фойдали. Ширин сўз кўнгиллар учун асал каби тотлидир», - дейди А.Навоий. педагог болаларга билим бериш учун бир қатор улар нутқининг ривожланишига ҳам алоҳида ахамият беради ва бунда у турли педагогик усуллардан фойдаланади.

3. Болалар нутқини ўстиришда педагог муҳим ахамиятга эга: бир томондан. Унинг нутқи болани ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, педагогнинг нутқи образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлмоғи бола диққатини ўзига тортмоғи лозим. Зотан, нутқ педагогнинг ўз мутахассислиги қай даражада лойиқ эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун нутқ устида ишлаш нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир педагогнинг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланди. Таълим-тарбия ичида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиши, муҳаббат, садоқат, ғазабланиш, нафратланиш хисларини туғдиради. Халқ билан бирга туриш, бирга яшаш муошарат деб аталади.

Одамларнинг бир-бирлари билан бўлган муносабатларининг гўзаллиги, мулоимлигига «Муошарат одоби» дейилади. Инсонинг энг улуғ, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабат кўпчиликнинг дилига тўғри келмайдиган кўпол ва дилозор одамни кўпчилик ёқтирмайди. Инсонлар хушфёъл, ширинсўххан, мард, муомаласи ширин кишиларни дилдан ёқтиришади ва ҳурмат эътибор қилишади. Инсонлар орасида муносиб

ўрин топиш, иноқ, иттифоқ яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан мақтанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи зарур.

Сўз инсон қалбини илитади, сўз инсон қалбини жараохатлайди. «Тил яраси кетар, сўз яраси кетмас» деган халқ мақоли бекор айтилмаган эмас. Чунки сўзнинг қудрати бениҳоя катта. Инсон ўз сўзига, тилига ниҳоят эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Айрим ёшларимизда сўзга, тилга эътибор анча суст. Энг аввало, ёшларга муомала маданиятини, катталар олдида маҳмадоналик қилмасликни, катталар гапини бўлмасликни, ёши улуғларга гап қайтармасликни ўргатишимиз зарур.

Адабий тил - тафаккур қуроли. Адабий тилга палапартиш муносабат, ноаниқ, тахминий эҳтимол билан фикрлаш демақдир. Тилдаги равшанлик равшан фикр натижасидир, турган гапки, равшан ифодани талаб этади.

Ҳаёт, тил, урф-одатларнинг табиийлиги, миллатнинг кучига куч қўшилади, ҳаётда дабдабалилик, тилнинг жимжимадорлиги тантиқ урф-одатлар эса уни ожизлик ва халолликка маҳкум этади. Ўзбек адабий тили: минг йиллар мобойнида халқ ўз ҳаётининг, ўз фикрлари, ўз туйғулари, ўз удумлари, ўз интиқоми, ўзининг буюк истиқболининг майин, шуқуҳли, беҳад, бой, доно, шоирона ва меҳнат қуроли бўлган ушбу тилни яратади.

5. Муомала маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойда, транспортда, уйда ... шунинг учун ҳам биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз керак. Инсоннинг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги муомала орқали намоён бўлади.

Одамлар бутун ички дунёни, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказишади, амалга оширади. Шу туйғайли сўзлашув муносабатлари кишиларнинг муомулалари ёқимли, иши ҳам юришгай бўлади. Бундайларни одамлар ёқтиради, ҳармат қилади. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатни мукамал ўрганиш ҳар бир инсонга зарур. Шу билан бирга, она тилини мукамал ўрганмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Тилни билгач: уни ишлата билаш санъатини эгалламоқ инсон учун зарурдир.

Ширинсўзлик ва гўзал нутқ ҳеч қачон, ҳеч қаерда сотилмайди. Бунга эришмоқлининг биргина йўли бор, бу ҳам бўлса тинимсиз ширин сўзлашаш машқ қилмоқликдир. Бу эса асосан кўп китоб ўқиш йўли билан амалга оширилади. Муомала инсоннинг кимлигини кўрсатувчи юзидир.

Таянч тушунчалар:

Муомала, педагогик мулоқат. Шарқона тарбия муошарат одоби, мулоқат маданияти.

Назорат учун саволлар.

1. Педагогик муомала деганда нимани тушунаси?
2. Муомала маданияти хақида сўзланг.
3. Миллий маданиятнинг мулоқатга таъсири нимада?

6-мавзу. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат. 2 с.

Мақсад: талабаларга дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар билан ҳамкорликдаги муомаласи, мулоқатлари, ижодий кайфиятларни яратишда ўқитувчи мулоқотининг таъсири.

Режа:

1. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот.
2. Ўқувчилар жамоасида уларнинг эътиборларини жалб этиш.
3. Ижодий кайфиятларини яратишда ўқитувчи мулоқотининг таъсири.
4. Мулоқот жараёнини бошқариш услублари.

Адабиётлар:

1. Ражабов С Мустахассисликка кириш. Т., Ўқитувчи. 1991 й.
2. Тарбиявий иш методикаси. Л.И. Рувинский таҳрир автири. Т., ўқит. 1991 й.
3. Педагогик маҳорат асослари. «Маърузалар матни». М. М. Пирмухаммадова т., 2001 й.
4. Умумий психология. А.В.Петровский. Т., 1992 й.
5. М.Захарин ва бошқалар. Ўқитувчилик ихтисосига кириш курсига методик кўрсатмалар. Т. 1992 й.
6. И. Ильсен. Муомала саънати. Педагогик изланиш. Т., Ўқит. 1990 й.
7. Ижодкор ўқитувчилар изидан. Т.,1989 й.

Изланишларнинг кўрсатишига педагогнинг ўқувчиларга нисбатан бўлган ижобий муносабати, уларга тиниқ, босиқ тонда мурожаат қилиши ўқувчиларда эркинликни ҳис қилишда ёрдам беради. Ўқувчиларга нотўғри муносабатда бўлиш уларда ишончсизлик

кам гап бўлишига, ўқувчиларда лаганбардолик каби ёмон фазилатлар шаклланишига олиб келади.

Мулоқот – юнонча сўз, сўзлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутқ шакли икки ёки ундан ортиқ шахсларни сўзлашувидир.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот бўлиши учун ўқитувчида етарли даражада қобилиятга эга бўлиши керак, ҳамда ўз-ўзига доимо қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат қилиши керак:

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш керак. Нимага ўргатиш; а) илм-фандаги янгиликларни англаш, яъни фан терминлар тушуниш, ўқув предметини тўлиқ ўзлаштириш; б) малака, кўникма ва қобилиятни шакллантириш; в) ўқув предметлари ўртасидаги боғлиқликни амалга ошириш; г) ўқув мазмунини тушунарли тизим асосида қуриш.

Кимни ўргатиш: а) ўқувчиларни баъзи психик хусусиятларини (эслаб қолиш, нутқи, фикрлаш. . .) ҳамда уларни қай даражада ўқимишли, тарбияли эканликларини аниқлаш; б) ўқувчиларнинг бир даражадан иккинчисига ўтишдаги қийинчиликларини олдиндан аниқлаш; в) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда болаларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш; г) ўқувчилардаги турли психик ўзгаришлар ва ривожланишини ҳисобга олиб ўз педагогик меҳнатини ташкил этиш; д) иқтидорли ўқувчилар билан ҳам ишлаш, яқка ҳолдаги ишни ташкил этиш.

Қандай ўргатиш; а) иш жараёнида ишлатиладиган куч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва тарбиялашнинг турли усулларини ишлатиш.

Педагог ўқув тарбия иши жараёнида ўқувчилар билан алоқа боғларкан, улардан ўқитувчи ролининг ўзи тақоза этадиган даражада иззат-икром кутади. Педагоглар билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳавосиз бўшлиқда рўй бермайди. Ўқувчига нисбатан талабчанликни улар билан уйғун тарзда йўлга қўя биладиган педагог тарбиянинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун энг қулай педагогик муҳитни ярата олади. Мулоқат жараёнларини ҳар доим ҳам барча вазиятларда ҳам сип-силиққина ва ички қарама-қаршиликларсиз юз беради деб тасаввур қилиш ярамайди. Агар педагог ўқувчилар психологиясини билса ва уни эътиборга ола борса, ўқувчининг қизиқишларини ва эътиқодини, ёшига хос хусусиятларини, илгари эгалланган тажрибасини инобатга олса, унинг истиқболи ва қийинчиликлари билан ҳисоблашган ҳолда иш тутадиган бўлса, маънавий англашмовчиларни бартараф этиши мумкиндир.

Педагогнинг ўқувчига тарбиявий таъсир этишининг турли йўллари ва ўқитувчининг тарбияланувчилар идроки, ҳиссиёти, фаолияти ва тарбиясига таъсир этишининг қандай имкониятлари бор?

Ҳар бир ўз ишини бошловчи педагог таъсир этиш йўллари, ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш ва уларга таъсир этиш йўлларини билиш зарур.

Ижтимоий-психологик текширувлар ва педагогик мулоқот малакасига асосан иккита асосий коммуникатив таъсир этиш турларини ажратиш мумкин: ишонч ҳосил қилиш ва ишонтириш.

Педагогнинг ҳар бир ҳаракати ўқувчиларнинг муносабатлари, фикрлари, ҳиссиётлари, фаолиятларини шакллантиришга, яъни уларнинг психикаси ва хулқига ҳар тарафлама таъсир этишга қаратилган. Лекин ишонч ҳосил қилиш ва ишонтиришнинг психологик жараёни турличадир. Таъсир этишнинг ҳар бир йўли ўз специфик характерга эга.

Педагогик адабиётда «педагогик таъсир қилиш» термини қабул қилинган. Бу тарбияланувчининг тарбияси билан муносабатида унинг пассивлигин англатади. Лекин биз ўқувчи келажакда ҳар томонлама камол топган инсон бўлиб етишишини истасак, биз педагогик таъсир этиши юқори пағонага-педагогик ўзаро таъсир этишга айлантириши ва бунга қайси йўллар билан амалга оширишимизни ўйлашимиз керак.

Педагогик таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истиқбол, рағбатлантириш, жазолаш ва жамоатчилик.

Талаб – тажрибада жуда кўп тарқалган усул бўлиб, таълим-тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён бўлиши йўли билан хатти-ҳаракатларининг рағбатлантирилиши ёки тўхтатилишини таъминлайди.

Талаб – Педагогик таъсир кўрсатишнинг бошлангич усули бўлиб, тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масъулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Истиқбол-таъсир кўрсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у болаларнинг хатти-ҳаракатларини, улар олдига қўйилган мақсадлар, уларнинг шахсий интилишлари, қизиқишларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш – ўқувчиларни хулқ-атворида кузатиш киритиш, яъни фойдали хатти-ҳаракатларини қўшимча рағбатлаштиришни ва тарбияланувчиларнинг номаълум хатти-ҳаракатларини тўхтатишни таъминлайди.

Жамоатчилик фикри-тарбияланувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди.

Ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш воситалари: ишонтириш, таъсир қилиш, ўзаро фикр алмашиш билан таъсир кўрсатиш.

Ишонтириш педагогик таъсир кўрсатиш усули сифатида дарсларда ўқув ахбороти, ижодий суҳбатлар, мунозаралар шаклида қўлланилади, гуруҳ ва якка суҳбатлар, мунозаралар, сиёсий ахборотлар шаклида қўлланилади.

Таъсир қилдириш киши психикасига назоратсиз кириб, унинг фаолиятида хатти-ҳаракатлар, сабаблар, интилишлар билан амалга оширилади. Таъсир қилиш шундай бир психик таъсир кўрсатишни, киши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этади.

а) педагогик вазиятларни таққослаш ва умумлаштири, усулларини қўйиш;

б) ўқувчиларга яқка индивидуал ҳолда муносабатда бўлиш, уларни мустақил ишларини ташкил этиш.

Педагог тарбия вазифаларини амалга ошираркан, ўқувчиларга кўрсатадиган таъсир тарбияланувчилар кўриб, эшитиб ва бажариб бораётган мазмунларнинг муайян даражада ўзгаришни тақозо қилади. Ҳар хил ўқитувчи ўқувчиларга турлича даражада жуда ҳам хилма-хил тусда таъсир кўрсатади. Муомаланинг ўзаро бирликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатидан ташқарида унинг перцептив жиҳати –мулоқат иштирокчиларнинг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок этиши юзага чиқади. Муомала иштирокчилари ўз онгида бир-бирларининг ички дунёсини қайта тиклашга, хис-туйғуларини, хулқ атворининг сабабини, ахамиятга молик объектларга нисбатан муносабатини фахмлаб етишга ҳаракат қилади. «Муомала чоғида сиз энг аввало кишидаги қалбни, унинг ички дунёсидан изланг», -деб ёзган эди К.С.Станиславский.

IV. Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган мулоқотида қуйидаги малакаларни эгаллаган бўлиши лозим: ташқи қиёфани назорат қилиш, нутқини эгаллаш, педагогик муносабат маданиятини эгаллаш. Ташкилотчилик маҳорати, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш, ташкилотчилик маҳорати, ўқув-тарбия жараёнини бошқариш услубларини эгаллаш.

Муносабатларни бошқариш услублари:

- 1.) Авторитар услуб.
- 2.) Демократик услуб.
- 3.) Либерал услуб.

1. Авторитар услуб:

- ўзи яқка ҳолда гуруҳ фаолиятини йўналишини белгилайди.
- ўзи кўрсатма – буйруқ беради.
- жавобгарликни ўз бўйнига олади.
- Сўзсиз бўйсуннишни даъво этади.
- қаттиқ интизомни талаб этади.
- Айтилган нарсани тўлиқ бажарилишини талаб этади.
- Гап қайтаргани, гап ўргатгани ёқтирмайди. Айтган ташаккури ҳам буйруққа чиқади. Сўзлари қаттиқ ва қўпол. Бироқ бир масалани тушунтирмайди, лекин талаб этади.
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари, буйруқ кўрсатма бериш, қўлланма билан ишлаш, хайфсан эълон қилиш.
- Муомалада қўпол, дағал. Дўк-пўписали мажбур этиш, кўрқитиш, чўчиш орқали киришади.
- Авторитар услубнинг ижодий томони фавқулодда вазиятлар ишлатилиши.
- Муносабатни бу услубда бошқариши атрофдагилар учун қийин ёки оғир оҳвол.

2. Демократик услуб.

- коллектив фикрига таяниб иш олиб боради.
- коллектив фикрини, ташаббусини маъқуллайди, ривожлатиради. Бошқалар фикрига ҳурмат билан қарайди.
- бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади.
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.

3. Либерал услуб.

- ташаббуссиз коллектив ишига аралашмайди. Ҳамма масалаларни юзаки қараб чиқади. ўзининг фикри йўқ, жавобгарликдан ўзини четлатади. Иш натижаси билан қизиқмайди.
- болаларга эътиборсизлик, беғам қарайди.
- ўз ишига совуққон бўлиб қарайди.

Таянч тушунчалар.

Мулоқот, ўқитувчининг мулоқоти, мулоқотнинг ишонтириш ва таъсир этиш усуллари.

Текшириш ва ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар.

1. Дарсда ва дарсдан ташқари вақтда ўқитувчининг мулоқотини сўзланг?
2. Ўқитувчининг бошқариш услубларини санаб ўтинг?
3. Муносабат турлари?

7-мавзу.

Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш услублари.

Мақсад: Талабаларга таълим жараёнида ўқитувчининг эркин ҳатти-ҳаракати, феъл-атворини бошқара олиш қобилияти, ўқувчининг техникаси ҳақида тушунча бериш.

Режа:

1. Педагогик техника ҳақида тушунча.
2. Педагогик техниканинг тузилиши.
3. Педагогик маҳорат ва педагогик маданият.
4. Ўқитувчининг ўзини тутиши ва бошқара олиши.

Адабиётлар.

1. Л.И.Рувинский. Тарбиявий иш методикаси.Т.,1991 й.
2. А.Г.Муҳиддинов. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. Т., Ўқитувчи, 1995 й.

3. Заязюн. Педагогическая мастерство.
4. Ўқитувчилик ихтисосига кириш курсига методик кўрсатмалар. М.Захарини, С.Х.Темурова. Т, 1990 й.
5. Азарова Ю.И.Болаларни севиш санъати. Т., 1992 й.
6. Халқ таълими ойнаси.

Таянч тушунчалар: педагогик техника, педагогик маҳорат, педагогик маданият, ифодали нутқ, мимика, пантомимика,. тўғри талаффуз, эркин фикрлаш, янги педагогик технологиялари.

1. Педагогик техника ўқитувчига ўқув фаолиятида ҳам, ўқишдан ташқари фаолиятда ҳам зарур бўлган умумий педагогик мажмуидан ташкил топади.

Ўқитувчининг педагогик техникаси қандай малакаларни ўз ичига олади?

Аввало, педагогик техниканинг таркибий қисми сифатида ўқитувчининг нутқ малакаларининг, яъни саводли гапириш, ўз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бошқа таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалилигидир. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда кўп сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомала воситалари бўлади.

Педагогик ўзаро таъсир кўрсатишда ўқитувчининг ўз ҳиссий (психик) ҳолатини бошқариш, ўзида энг қулай ҳиссий (ижодий) жиддийлик даражасини ва умид бахиллик, хайрихоҳлик кайфиятини сақлаш, ўзининг маҳорати муҳим роль ўйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жихатидан ўз-ўзини назорат қилишини таъминлайди, кўп йиллар давомида соғлом асаб системасини сақлаб қолиш, асабий бузилишларидан, ҳиссий ва ақлий зўриқшдан ўзини тийишга ёрдам беради.

Самарали педагогик ўзаро таъсир кўрсатишни ташкил этиш учун ўқитувчи актёрлик ва режиссёрлик маҳорати таркибий қисмларини эгаллаши зарур, улар ўқитувчига болалар билан муомала қилишда тарбияланувчиларнинг ақл-идрокигагина эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига ҳам таъсир кўрсатиш, уларда оламга бўлган ҳиссий-қадриятли муносабатда бўлиш тажрибасини анча тўлиқ бера билишга ёрдамлашади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг педагогик техникаси – бу шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагогига тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга ўз фикрлари ва етказиш имконини беради. Болалар билан бевосита муомала қилишда педагогнинг худди ана шу малакалари унинг хулқ-атворида намоён бўлади. А.С.Макаренко уларни назарда тутиб, «Тарбиячи ташкил этишни, юришни,

ҳазиллашишини, қувноқ, жаҳлдор бўлишини билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбиялансин», деб ёзган эди.

2. Педагогик вазиятларнинг хаддан ташқари хилма-хиллиги педагогдан ижодий хулқ-атвори талаб қилади. Педагогик техника ўқитувчи малакаларининг худди шундай йиғиндисидирки, у ўқитувчининг энг яхши ижодий хулқ-атвориға, бошқача қилиб айтганда ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларға самарали таъсир кўрсатишға ёрдам беради.

Ривожланган педагогик техника ўқитувчиға ўзини педагогик фаолиятда чуқурроқ ва яққолроқ кўрсатиш, болалар билан муомала қилганда ўз шахсиятиға касбий жиҳатдан барча яхши, аҳамиятли нарсаларни очиб беришға ёрдамлашади. Мукамал педагогик техника педагогнинг вақти ва кучларини ижодий иш учун кўрсатиш жараёнида болалар билан муомала қилишда зарур сўзни топиш ёки муваффақиятли чиқмаган гап оҳангини тушунтиришға ўз фикрини чалғитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган ўқитувчи овоз бўғилганидан ёки ўзининг иш билан боғлиқ бўлмаган қандайдир кечинмаларини унутишни билмаслигидан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш ўқитувчининг ўз касб фаолиятидан қаноатланиш даражасининг ўсишиға олиб келиши мумкин ва лозим.

Педагогик техника малакаларини бир бутун тарзда қараб чиқиш зарур. Хўш, бу малакаларнинг бирлигини таъминловчи умумий хусусиятлари нималардан иборат?

Аввало, педагогик техниканинг ҳамма учун умумий бўлган малакаларини тадбиқ этиш соҳасини педагогнинг болалар билан бевосита муомаласини қайд қилиш даркор.

Ривожланган педагогик техника ўқитувчиға ўқувчилар билан муомала қилганда зарур сўз, гап, оҳанг, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг ўткир ва кутилган педагогик вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юритиш, таҳлил қилиш қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари, ҳақиқий педагогик таъсир кўрсатишда ўқитувчининг малакалари бир вақтда намоён бўлади. Нутқ имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирға содир бўлади. Узлуксиз ўзини тута билиш таъсирчан воситаларни танлаган, мувоффақиятли равишда тузатиш киритиб бориш имконини беради ва ҳоказо.

3. Педагогик маҳорат нима ва у нималардан ташкил топади? Бу фаҳм-фаросат ва билимларнинг, чинакам илмий, тарбиядаги қийинчиликларни енгишға қодир бўлган нуфузли раҳбарликнинг, болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига мохирлик билан авайлаб ёндашиш. Донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияға бўлган педагогик мужассамдир. Педагогик маҳоратға педагогик билимлар, фаҳм-фаросат билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малакалар ҳам кирадикки, улар тарбияға озроқ куч сарфлаб, кўпроқ натижаларға эришиш имконини беради. Албатта, педагогнинг маҳорати эришилган нарсалар чегарасидан ташқариға чиқишға доимо интилиши ҳам назарда тутилади.

Педагогик маҳорат назарияси ва методикасининг қуйидаги яъни: болалар билан педагоглар коллективи билан қандай қилиб тил топиши мумкин? Қандай қилиб қисқа муддат ичида болалар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаққоний манзарасига эришмоқ керак? Болаларни педагогик талабларни бажаришга қандай қилиб мажбур этиш мумкин? қандай қилиб яхши педагогик руҳиятни сақлаб қолиш ва ўз куч-қувватини оқилона сарфлаш мумкин?, деган саволларни муттасил такрорлайди ва ҳоказо.

Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар бир моҳир педагогнинг ишида зарур бўлган умумий педагогик малакаларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, мазкур масалаларни ҳал қилиш педагогдан одатдан ташқари куч-ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боришга интилиши, янги вазиятга, янги коллективга кириш, қобилиятини, самамиятни, тўғрилиқ ва ҳалолликни, ўткир ақл-идрокни, бир воситасини бошқаси билан текшириб кўриш малакасини, ўз топилмаларининг қимматини аниқлаш қобилиятини талаб қилади. Педагогик фан билан тарбия санъатининг узвий алоқадорлиги зарурки, у юксак касб маҳоратини таъминлайди.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиш босқичларига: репродуктивлик, ижодийлик, ижодий-навадорлик киради.

Педагогик маҳорат даражалари ўқитувчи иш даражасининг давоми ҳисобланади:

- репродуктив (ўрта паст)
- мослашувчан (паст)
- локал (чегараланган) – моделлаштириш (ўртача қониқарли).

Бу даражада талабалар билан бўладиган ўқув-тарбия ишларининг айрим йўналишларида юқори сифати билан характерланади:

- изчил моделлаштириш (юқори). Бу босқичда, педагог фаолиятининг барча турларида юқори сифатга эришилади;
- изчил моделлаштириш (олий). Бунда, фаолиятнинг барча турларида ижодий муносабат намоён бўлади, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари изланади.

Педагогик маҳорат компонентлари касбий фаолиятга касбий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малака нуқтаи назардаги қарашларни акс эттиради.

Педагогик фаолият маданият билан узвий равишда боғланган бўлади. Юқори савияли маданият-педагогик меҳнатининг зарурий шарти ҳисобланади.

Манадият - сўзи лотинча таржима қилинганда «ишлов бериш», «етиштириш» маъносини билдиради. У инсоният томонидан ижтимоий-тарихий амалиёти жараёнидан яратилган ва яратилаётган, жамиятнинг ривожланишдаги тарахий эрилган даражасини ифода этувчи моддий-маънавий қадриятлари тўпламидан иборат бўлади.

Маданият кенг маънода-бу жамиятнинг ривожланиши тарихий даражасидир. У одамларнинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турлари ва шахсларида ҳамда улар

яратаётган моддий-маънавий қадриятларда ҳам ўз ифодасини топади. Тор маънода маданиятни моддий ва маънавийлик каби ҳам тушуннилади.

Педагогик маданият бир қатор тизим ҳосил қилувчи унсурларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

Педагогик лойиҳалаш маданияти. У объектив имкониятлар билан талаб ва истакларни ўзаро нисбатланган ҳолда мақсадни тўғри, танлай олиш, вазифаларни белгилаб олиш, уларнинг ечилиш босқичларини режалаштириш, зарур қуролларни англаб олиш малакасидир. Лойиҳалаш маданиятини намойиш қилиш бу ижодга, яъни фавқулодда янги яратиш, ўрнатилган меъёрий ва наъмуналар чегарасидан чиқиб кета олиш қобилияти ҳамдир.

Билимлилик маданияти. У педагогик билимларнинг турли-туманлиги ва педагог томонидан бу билимларни эгаллашини билдиради.

Дунёқараш маданияти. Унинг даражасини аксарият ҳолларда педагог ва ўқитувчининг ўзаро муносабатлари жараёни ва натижалари белгилайди.

Турли намунадаги дунёқарашнинг мавжудлиги, хусусан, стихияли, мунтазам, илмий ва мистик, иррационал, оптимистик ва пессимистик, догматик ва танқидий. Диний, атеистик, рационал ва педагогик фаолият субъектининг ҳам бир неча намунаси борлигини тақазо қилади.

Дунёқараш маданияти фан, фалсафа, дин каби маънавий маданият унсурлари билан танишиш чоғида шаклланади.

Педагогик маданиятнинг бир унсури фикрлаш маданиятидир.

Фикрлаш маданияти ҳам кундалик ҳаёт жараёнида одатдаги воситалар, ҳам махсус воситалар (унинг таркибий формал мантиқни ўрганиш ҳам киради)да вужудага келади.

Ҳис этиш маданияти. У инсонлар олий кечинмаларнинг кенг уйғунлиги ҳосиласи бўлиб, уларсиз педагогик жараёнда мулоқотнинг бўлиши мумкин эмас.

Баҳолаш маданияти у ёки бу сабаб ва ҳодисалар бўйича ахлоқий, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, диний ёки фалсафий характердаги малакали ҳукм чиқариш қобилиятидир.

Мулоқот маданияти педагогик маданиятнинг энг муҳим компоненти бўли, у педагогнинг ўқувчилар, ота-оналар ҳамда раҳбарият педагогик иш доирасидан ташқаридаги барча инсонлар билан мулоқот қилиш маданиятларини камраб олади.

Ташкилий маданият ҳам педагогик маданият тизимига киради ва у ўқитиш ҳамда тарбия жараёнини педагогик доиранинг турли даражаларида (жамиятда, ўқув юртларида, болалар гуруҳларида) ташкил этиш имкониятини беради.

4. Ўқитувчининг ўз психик ҳолатини ўзи тартибга солиши.

Сабр-тоқат, ташқи вазминлик нуқтаи назаридан ўз ҳис-туйғаларини қўлга олишигина нихоятда муҳим бўлиб қолмасдан, шу билан бирга турли ҳиссиётли ҳолатларнинг рўй бериши ва кечишини маълум даражада бошқара билиш,

кечинмаларнинг ижобий тусда бўлишига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки хатто жанжалли вазиятларга ҳам турлича ёндошиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан кишининг қандай йўл тутишига боғлиқ бўлади.

Нохуш ҳиссиётларни йўқотиш ёки камайтиришга, масалан. қуйидагича йўл тутиш ёрдам беради: менга осойишта, дадил овоз билан дарс олиб бориш, тарбиявий тадбирлар ўтказиш, сабр-тоқат ва ўзини тутат билиш намунасини кўрсатиш завқ бағишлайди, ўқувчилар орасида жанжалли вазият чикиб қолгудай бўлса, сабр-тоқат ва хушмуомала бақриб, асабийлашаётган, қизишаётган, кадр-қимматини йўқатаётган кишидан юқори туриш ва шу қабилар инсонга хузур бағишлайди.

Шуни эсда тутиш керакки, киши ғазабланганда, айниқса унинг кучли босқичи бўлган жаҳл отига минганда, ақл-идрок хулқ-атворни назорат қиломай қолади. Бу шундай ҳолатки, бу ҳақда римлик шоир Граций гапириб, тажанглик билан қилинган дарғазаблик қисқа муддатли ақлдан озишдир, деб таъкидлаган эди. Дарғазабликни фақат бошланишида енгиш мумкин, шу сабабли киши ўзининг жаҳли чиқа бошлаганини сезиб, ўзига-ўзи шундай буйруқ бериши лозим: ўзимни яхши тутишим керак, ўз ҳис-туйғуларимни бошқариб, бебош ҳиссиётларга берилиб кетмаслигим лозим. Айниқса, ўқитувчи ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутат билиши зарур, у сабр-тоқат, мулойимлик, холислик кўрсатат билишда намуна бўлиши лозим.

Янада қувноқроқ, оптимистроқ, вазминроқ бўлиш учун ҳамда ёвузлик, тушкинлик бўлган салбий кечинмаларга йўл қўймаслик учун киши ўз онгини, ақлини кўп даражада сафарбар қилиши, бу ҳолатларнинг сабабларини тушуниши ва уларга барҳам бериш зарур. Киши ҳаётидаги икир-чикирлардан юқори кўтарила олиши, ўзининг диққат – эътиборини асосий, муҳим нарсага қаратат билиши муҳимдир. Акс ҳолда уни кундалик майда-чуйда жанжаллар ва улар билан боғлиқ салбий ҳиссиётлар «еб битириш»и мумкин. У доимий равишда аччиғлана бошлайди, атрофидагилар билан ўз муносабатларида вазминликни йўқота бошлайди, ўқитувчилик касби ҳақида гап кетганда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Киши ўзини ёмон ҳис қилганда, унда ўз-ўзини назорат қилиш заифлашиб қолади, унинг хулқ-атвори вазмин бўлмай қолади, ҳар хил беихтиёр ва ўйланмаган хатти-ҳаракатлар, жанжаллар, ахлоқий нормаларнинг бузилиши содир бўлиши мумкин, ўз-ўзига таъсир қилиш ҳиссий жараёнларнинг ижобий ҳолтига, кишининг саломатлиги яхши бўлишига ёрдам беради, унинг иродаси ва феъл-атворида билвосита таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг ишида муомаланинг турли босқичларида унинг эмоционал кайфияти, фаолиятига ҳозирлик кўриш жараёнида, уни амалга ошириш даврида, муомала амалга ошганда кейинги ҳис қилинадиган сезгиларда ва кечинмаларда муҳим роль ўйнайди.

Синф билан муомала қилишдан олдин ижодий кайфиятни вужудга келтирадиган омилларни излаш дарсга ҳозирлик кўришдаги бутун жараённи қамраб олади ва ўқитувчига бўлажак фаолиятининг умумий жўшқин вазиятини ҳис қилишга ёрдам беради. Худди ана шу дарс ва муомаланинг бўлажак вазиятини ҳис қилиш зарур ижодий ўзаро

фикр алмашиш кайфиятининг пайдо бўлишига кўмаклашади, педагогнинг ижодий табиатини сафарбар қилади.

Қуйида ўқитувчиларнинг бир қатор фикрларини келтириб ўтамиз:

Адабиёт ўқитувчиси: «Ўтказилган тажрибалар ва ўзимизни кузатишдан чиқарилган хулосани тасдиқлади. Бадиий адабиёт тарбияланувчиларга адабиёт бўйича қандайдир билимлар мажмуини сингдириш учун ўқитилмаслиги, балки жозибали бадиий сўз воситасида ўқувчиларнинг хиссиётларига таъсир қилиш орқали уларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш йўли билан болаларни комил инсон бўлиши сари етаклайди. Бадиий таҳлил барча ўқувчилар кўнглида ўзгача руҳий ҳолат содир этади. Ҳар бир бола, имкони борида, ў ҳолатини ифодалаб беришга уриниши жуда муҳим».

Физика ўқитувчиси: «Экспериментнинг бориши ва натижалари ҳақидаги тасаввур ҳиссий кайфият бағишлайди. Дарсда ўрганиладиган фактларга тегиб кетиш, ишлаш учун руҳимизга қулай вазият бахш этади».

Хулоса қилганда, ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчининг ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, бола фикрларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уларни охиргача эшитиши ва ҳисоблашиши керак. Ўқувчилар фикри эшитилиб бўлингач, муаллим фикрини ҳукм сифатида айтмай, ўқувчилар фикри билан тенг қараш тарзида ўртага ташлагани маъқул. Ҳар қандай ўқитувчи дарс давомида ўқувчини ўзи ўтаётган фан оламига олиб кира олиши, унинг сеҳрига мафтун қила олиши лозим. Бу эса ўқувчиларни дарсни севишга, ундан завқланишга олиб келади.

5. Педагог ёш авлодни ҳалқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим, фахрли ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

Педагог болаларни – яъни келажак яратувчиларини тарбиялаш учун, таълим-тарбия ишини, вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндашиш ўз махоратни доим такомиллаштириб бориши зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларга кундалик ҳаётда, дарс жараёнида, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида ва улар билан бўладиган муомалада таъсир этади. У ҳар бир ўқувчини диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиш, педагогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атворини, иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши керак. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ва оиладаги ахволи билан қизиқиши зарур.

Ўқитувчи ўқувчиларга ҳар томонлама намуна бўлиши керак. У энг аввало хушмуомала, ширин сўз, хуллас ўз касбининг моҳир устаси бўлиши зарур. Ўқитувчи қанчалик ўқувчиларга ғамхўр ва илиқлик билан муносабатда бўлса, ўқувчиларда ҳам ўқитувчисига нисбатан ҳурмат ва меҳрибонлик, ғамхўрлик ҳислари пайдо бўлади.

Ўқитувчи нафақат ўқувчиларга бўлган муносабати ва ўзини тутиши билан ўрناк бўлмоғи, балки у ўзининг ташқи кўриниши, маданияти билан ҳам намуна бўлиши керак.

Унинг юриш туришидан, маданияти дид билан, нафис кийинишидан ўқитувчи ёки тарбиячи эканлиги билиниб турсин. Бу эса боланинг тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

8-мавзу.

Нутқ техникаси ва маданияти.

Мақсад: талабаларга нутқ маданияти, нутқ техникаси, педагог нутқига қўйиладиган талаблар ҳақида тушунча бериш ва ўқитувчининг нутқий маҳоратини такомиллаштириш йўллари билан ташништириш.

Режа:

1. Нутқнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги ўрни.
2. Нутқ маданияти ҳақида тушунча.
3. Шарқ мутафаккирларининг «Нутқ маданияти» ҳақидаги фикрлари.
4. Нутқ техникаси: ўқитувчи нутқининг мантиқийлиги, грамматик жиҳатдан тўғрилиги.
5. Педагогик нутқига қўйилган талаблар.
6. Ўқитувчининг нутқий маҳоратини такомиллаштириш йўллари.

Адабиётлар.

1. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Т., Ўқитувчи, 1993 й.
2. Мухиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. Т., Ўқитувчи, 1995 й.
3. Азаров Ю.И. Болаларни севиш санъати. Т., 1992 й.
4. Муомала тренинги. Т., ЎзМУ, 1994 й.
5. Расмий ва норасмий учрашувлар одобномаси. Т., Адолат, 1992 й.
6. Тарбиявий иш методикаси. Л.В.Рувинский таҳрири остида. Т., 1991 й.

1. Замонавий ўқитувчи ўзини идрок этиши, ўзини бошқариши, нутқини тарбиялаш нозик ифодалилик, методик ва коммуникатив тайёргарлик, педагогик ўзаро муносабатларда ўзини намоён этиши техникаларини эгаллаган бўлиши керак.

Маҳоратни педагог мавзусини ўқитувчиларга гапириб бериши билан чекланмай, уни жонлантириши, бадий етук шаклда уни талқин этиши лозим. Жонсиз қуруқ текстни жонлантириб ўқувчиларга бадий шаклда етказиб беришда нутқ аъзолари нафас ва овознинг хизматлари каттадир. Нутқ аъзолари алоҳида бўлаклари фаолияти қуйидагича:

- 1) Нафас аппарати
- 2) Бўғиз
- 3) Овоз пайчалари
- 4) Оғиз бўшлиғи.
- 5) Тил
- 6) Лаб
- 7) Бурун бўшлиғи
- 8) Жағ.

Маълумки, тил инсон ақлий фаолиятининг энг олий ва асосий воситаларидир. Чунки инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган ҳам тил эмасми! Шундай экан, инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари тафаккур мевалари тил ва нутқ орқали рўёбга чиқади. Тил тафаккур маҳсулларининг ҳаётга тадбиқ этилишга восита бўлувчи қудратли қуролдир. Қадимги шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома» да ҳам ти ва нутққа алоҳида эътибор берилганки улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўрамиз. Кайковус ҳамма хунарлар ичида сўз хунари – нотикликни аъло деб билади. Билгинки, ҳамма хунардан сўз хунари яхши.

Шунинг учун ҳам киши суҳандон ва нотик бўлишини таъкидлайди. Муаллиф нотикликни эгаллашнинг йўлини тинимсиз меҳнат ва ўрганиш деб уқтиради.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз миллий меросларимиздан барҳраманд бўлмоғимиз лозим. Буни эса аждодларимиз ёзиб қолдирган бой меросларимизни яна ҳам ёшлар онгига сингдириб бориш лозим. Буюк бобомиз А.Навоий сўзга шундай баҳо берган:

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Тилнинг олийжаноб имкониятлари нутқ орқали нутқ жараёнида очилади. Нутқ бўлмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади. А.Навоий тил ва нутқ муносабатларини шундай изоҳлайди: «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номақбул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир». Демак, тил ҳар қанча қудратли зўр бўлмасин, у нутқ жараёнида намоён бўлар экан. Агар тил ўқ бўлса, нутқ камондир. Ўқнинг қудрати камоннинг қобилятига ҳам боғлиқ.

Тил миллатнинг ноёб хазинаси бўлиб, доимо оғзаки ва ёзма ҳолда намоён бўлган. Бой, ёрқин, мароқли нутқ, у ким бўлишидан қатъий назар инсон нури ҳисобланган.

2. Нутқ маданияти ҳақида тушунча.

Нутқ маданияти жуда катта ва кенг соҳа бўлиб, у боланинг кундалик оддий салом-алигидан тортиб, кимга нимани, қачон, қаерда ва қандай сўзлашигача бўлган барча нутқий жараёнларни ўз ичига олади. Нутқ маданияти фақат нутқни эгаллаш йўллари эмас, балки ундан фойдаланиш маданиятини ҳам тарбиялайди. Нутқ маданияти

ўқувчиларда ижодийлик, мустикал фикрлаш ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, тил сезгиларинин тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда нутқ маданияти: ўз фикрини нутқ шароитига мос равишда турли шароитларда баён эта олиш воситаларини, маънони турли шаклларда бера олиш йўлларини, бадий, илмий, ижтимоий асарларни ўрганиб, улар ҳақидаги фикр-мулоҳазани, шахсий муносабатни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри баён эта олиш маданиятини ифодалайди.

Инсон нутқи ранг-баранг. Дўстларнинг суҳбати ҳам, санъаткорларнинг саҳнадаги монологи ҳам, талабаларни аудиториядаги жавобини ҳам нутқнинг бир кўринишидир.

Шароитга қарб нутқ турли хилда намоён бўлад. Убаъзан истак-тилак, баъзан чақириқ-мурожаат, баъзан эса инсон қувончи ёки руҳий изтиробни шаклида ифодаланади. Нутқ ички ва ташқи кўринишларга эга. Ички нутқ одамнинг ўз ичида гапирадиган пассив нутқи бўлиб, у иккинчи кишининг иштирокини талаб этмайди. Шунинг учун ҳам бу нутқ ўз-ўзига қаратилган нутқ саналади ва уни назорат қилиб бўлмайди. Ички нутқ оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси сифатида хизмат қилади. Шунинг учун нутқ маданиятини ички нутқни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Ташқи нутқ бошқаларга ва назорат қилиш мумкин бўлган фаол нутқ бўлиб, у оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Оғзаки нутқ одатдаги товушли сўзлашув нутқи бўлиб, бу нутқ кўпроқ-оҳанг ва турли имо-ишоралар билан алоқадордир. Оғзаки нутқда фикрни ихчам ифодалаш мақсадида тўлиқсиз гаплар кенг қўлланилади. Нутқнинг бу турли ёки бир неча киши томонидан амалга оширилади ва монологик, диалогик шаклда намоён бўлади.

Монолог нутқ - бир кишининг бошқаларга қаратилган нутқи ҳисобланади ва ҳикоя қилиш, хабар бериш, ўқиганни қайта сўзлаб бериш, ўзи савол бериб, ўзи жавоб бериш шаклида намоён бўлади.

Диалог нутқ - ички ва ундан ортиқ киши ўртасида амалга оширилади. Нутқнинг бу кўриниши ўзига хос хусусиятларга эга бу нутқ кенг жумлаларни талаб этмайди. Шунинг учун диалогик нутқ таркибида тўлиқсиз гаплар жуда кўп бўлади. Бундай нутқ таркибида сўроқ ва ундов гаплар ҳам учрайди.

Оғзаки диалогик нутқда сўз билан ифодалаш қийин бўлган бир қатор воситалар: мимика, имо-ишоралар, оҳанг ҳам шунга киради. Ўқитувчиларда шу воситаларни тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир.

3. Шарқда жумладан, Маврауннахрда бадий, илмий ижоднинг тараққиёти билан, шунингдек, ваъзхонлик «қуён»ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши фикрлар айтишган.

Ваъзхонликнинг балоғат (чечанлик, нотиклик) санъатининг ўсиш билан нутқ олдида қўйилган талаблар муакаммаллашиб боради. Буюк алломалар А.Р.Беруний,

А.Н.Фаробий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, М.Қашғирий, Замахшарий, Саккокий тилга, луғатга, грамматика ва мантиқийшуносликка бағишланган асарлар ёздилар.

Буюк қомусий олим Беруний ўзининг «Геодезия» асарида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг исносон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Инсон нутқи ўз тузилиши материаллига кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаши мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган «мезон»ни яратади, бу мантиқ фани эди. Мантиқнинг қиёси (силлогизми) ростни ёлғондан ажратиши воситаси бўлиб қолди. Инсон нутқида шудҳали ўринлар сезилса, маълум «мезон» ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмасдан, уни маломат қилганларга ҳайрон қолади ва уларга ачиниб: «Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аруз (шеър) ўлчовчи, мантиқ (логика) ни мутоала қилаганда эди, сўз зотан, наср ва назмга ажралишини билган бўларди», - дейди. Демак, Беруний нутқнинг яхши наср ва назм кўриниши борлигини кўрсатади.

Нутқнинг бу турлари маълум қоидалар асосида шаклланади.

Улуғ ватандошимиз Фаробий тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий, хулосалар чиқариши мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқлик нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: «Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга (субстансия - нарсалар) ва оксидения (ходисалар) га **+++12 бет** берувчи тил ҳақидаги илмлар тасдиқлайман».

Беруний билан замондош бўлган Ал-Хоразмий ҳам ўзининг «Мафотин – ул - умум» (Илмлар калитлари) асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари – девонхона ишқоғозлари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилоҳлар (терминлар) шунингдек адабиётшунослик фани терминлари, уларнинг таърифи ҳақида маълумот беради.

Қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома»да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз гаплар айтилган бўлиб, булар ҳозир ҳам маълум бир даражада аҳамиятини йўқотмаган.

«Қобуснома» Кайковус томонидан 1082-83 йилларда яратилган бўлиб, 44 бобдан иборат. Асар муаллифининг фарзандига қилган насиҳатлари сифатида ёзилгандир. У фарзанди ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундайди: « . . . Яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз агар у яхши сўз бўлса, ҳам ёмон кўринади. «Киши сухандон ва нотик бўлиши лозим». Ҳар бир нотик сўз нутқи устида кўп машқ қилиши, халқ олдида нутқ сўзлаганда ёқимли ва баъмани гапириши, халқни эътиборини қозониши зарур. «Халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага

эришганингни билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали биладилар, ... Ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади».

Кайковус нотик сўзнинг маъноларини ҳар томонлама ўрганган бўлиши керак деб ҳисоблайди. «Эй фарзанд сўзнинг юз ва орқа томонини билиш, уларга риоя қилиш, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар. Нотик халқ тилини, халқнинг фикрнини, руҳиятини билиши керак».

Сўзнинг кадри ундан фойдаланиш, кам сўзлаб кўп маъно юклаш, равшан фикрлаш каби масалалар устида XII-XIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Хожиб, А.Югнакийлар ҳам ибратли фикрларни билдирган.

Улуғ шоир Юсуф Хос Хожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадиий ёдгорлиги бўлган «Қудатғу билиг» (бахт кетирувчи билим) асарида сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш ҳақида: «Бмлиб сўзласа сўз билиг саналур» деган эди.

Қисқа сўзлаш сўзларга иложи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида:

Учиш сўзлама сўз бирор сўзла оз,

Туман сўз тугунин бу бир сўзла ёз.

Мазмуни: сўзни кўп сўзлама камроқ сўзла. Туман сўз турини шу бир сўз билан ечилади. Гапиришдан мақсад сўловчи кўзда туган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчига тўғри, таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан нутқнинг тўғрилиги завонлиги ва мантиқийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси бўлган буюк А.Навоий туркий тилда ғазал нутқ тузишнинг бароқдори сифатида ўзининг бутун ижод билан ўзбек тили бойликларини намоён этади.

Навоий ўзининг «Муҳакаматул - луғатайин» асарида ҳар бир тилнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос ижобий томонлари борки, уларни бошқа бирор тилдан топиб бўлмайди, деган фикрни айтди.

А.Навоийнинг «Муҳакаматул - луғатайин» ва «Маҳбубул - қулув», «Назм ул жавохир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузишнинг гўзал намуналари бўлиши билан бирга унинг юксалишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Навоий «Маҳбубул - қулуб» да тилнинг аҳамияти ундан фойдаланиш, нутқ сўзловчи дилидаги фикрий тўғри акс этириши лозимлиги ҳақида шундай дейди: «Саодат бахш рух зулолига матла ҳам тил. Тилга иқтидорлиғ – ҳакими ҳунармад: сўзга ихтиёрсиз – нажанд. Тилни фасих ва дилназир бўлгани». (саодат бахш руҳнинг тиниклиги шманба ҳам тил, бахтсизликлар юлдузининг бошланишига сабаб ҳам тил. Тилга кучи етадиган (киши) ақл подишосидир; сўзга аҳамият бермайдиган (кииш) лаънатланган (паст) кишидир. Равшанки, бунда Навоий тил деганда нутқни сўзда тутган.

Ўзбек бадиий нутқи тарихида З.М.Бобур алоҳида ўрин тутди. Шоирнинг назми ва «Бобурнома»си нутқнинг гўзал намунасидир.

Ўзбек мутафаккир шоирлари нутқ маъносида «Нутқ», «тил», «сўз» атамаларини «сўз» атамасидир. Бу сўз вазиятга қараб тил, сўз, нутқ ўрнида қўллана борган. Навоий бир шеърда «нутқ» сўзини биз ишлатадиган маънода, яъни фикрни ифодаловчи матн асосида ишлатган:

Ҳар кимсани нутқни фаравон бўлмас,

Тил ранжиги қилмоқлиги имкон бўлмас.

4-Режа. Ўқувчилар томонидан ўқув материаллари тўғри яхши тушиниб олиш жараёни ўқувчи нутқининг мукамаллигига боғлиқдир. Одатда ўқувчилар муаллимнинг сўзлаша олиш маҳорати, қобилиятини қай даражада эканлиги тез эътибор берадилар. Муаллим томонидан баъзи бир сўзларни, товушларни нотўғри талаффуз қилинса ўқувчилар орасида кулгуга, мазах қиилишга олиб келади. Шунингдек, бир оҳангдаги нутқ ўқувчиларни зериктиради, аксинча очиқ кўнгил билан ўтказиладиган суҳбат давомида кўтаринки руҳдаги нутқ оҳанги, яъни катта шавқ-завқ билан олиб бориладиган бундай суҳбат ўқувчиларга қалбакидек туюлар ва ўқуитувчига нисбатан ишончсизлик уйғотади. Баъзи бирлар, сўз ҳам унинг ўзига хослиги ҳам инсонга инъом этилаган деб ҳисоблайдилар. Лекин замонавий физиологик илмий тажриба, овоз сифатини тубдан ўзгартириши мумкин эканлигини тасдиқлайди. Бу фикрни тарихий мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин. Масалан, Қадимги Грециялик Демосвен ўзидаги баъзи бир нуқсонларни енгиб, ўша даврнинг буюк ваъзхони бўлиб етишган.

5. режа. Педагог нутқига қўйилган талаблар:

1. Ўқитувчининг нутқи ва коммуникатив (алоқа йўли) хулқи.

Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг таълим-тарбия талабларини бажариши керак. Ўқитувчи ўз нутқини мазмунига ва таъсир этишига жавоб бериши керак.

Педагогик нутқ қуйидагиларни таъминлаб бериши мумкин:

а) педагог ва ўқувчилар орасида ўзаро таъсир этиш ва мулоқотнинг натижавийлиги.

б) фаолият мативларини, тушунчаларини тўғрилаш ва шакллантириш мақсадида ўқитувчи болаларнинг тафаккурига, ҳис-туйғуларига ижобий таъсир этиш керак.

в) таълим бериш жараёнида билимларни тўлиқ тушуниш ва мустаҳкамлаш, ўзлаштириб олиш.

г) ўқувчиларнинг амлий ва ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш.

Педагогик нутқнинг шакллари ва коммуникатив сифатлари. Ўқитувчининг оғзаки нутқи диологик ва монологик нутқ бўлади. Шунингдек, ўқитувчи нутқининг теранлигига ва «тозалигига аҳамият бериш зарур» («демак, ханузгача де»)

Шунингдек, терминларни тўғри талаффуз қилишга ўрганиш керак. Уларни адаштирмаслик зарур. ўқитувчи нутқининг модемини тузмоқчи бўлсангиз шу масала бўйича олимларнинг ишларидан ўрганиб чиқиш керак.

Ўқитувчи ритми, темп, интанаъяси ҳар бир ситуация учун ўзгача бўлиши мумкин.

Педагогик нутқнинг функциялари.

Ўқитувчи нутқини сифатига қўйиладиган талабалар педагогик функциялар билан белгиланади. Асосий функциялардан бири –бу билимларни тўлиқ узатишни таъмирлаб бериш. Янги билим беришга ўқувчи ўз нутқи орқали фақатгина янги билимларни бериб қолмасдан, балки ҳис туйғуларига ҳам таъсир етиш керак. Бошқа функциялардан бири бу ўқувчиларни ўқув фаолятини самарадорлигини таъминлаб бериши керак. Кейинги функция—ўқувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабатлари самарадорлигини таъминлаб беради.

Нутқ муносабатларни яхшилаш ва ўрнатиш воситаси сифатида педагог Макаренко тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. У ўқувчилар билан ўзаро муносабатларини қуйдаги принцип асосида ўрнатган: «Мумкин қадар кун одамга талаблар қўйиши керак ва мумкин қадар кўп унга хурмат бўлиши керак. Буюк педагог вазиятга қараб шаклдор, хурсанд, хушчағчағ, хомуш, қатиккўл, обрўъли, юмшоқ бўлиши мумкин эди.

Ўқитувчи нутқининг хусусиятлари. ўқитувчи нутқининг ўзига хослиги—ўқувчиларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Кузатувчан ўқитувчи, мавзунини тушинтиришда, ўқитувчиларга қандай қилиб таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Ўқувчининг нафас олишини тартибга солиш учун жуда кўплаб машиқлар белгиланган. Шулардан бири, ерга чалқанча ётган ҳолда бурни орқали узок вақт давом етган чуқур нафас олиш ёки шу ҳолатни тик турган ҳолда қайтариш нафас олиш органларини тўғри ишлашга ёрдам беради. Кўпчилик ўқувчилар ўртасида табиий овозга яъни ҳам жарангдор, ёқимли овозга ега бўлмаганларни учратиш мумкин. Лекин табиий овоз ҳам вақти билан ўз кучини йўқотади, ўзгаради. Яни шунини айтиб ўтиш кераки, ҳар бир инсон овози, ўзгарувчан ва жарангдор бўлиши мумкин.

Ўқитувчи овозининг хусусиятлари шулардан иборат.

1. Бу овознинг кучи. Овоз кучи товуш органларини шунга, уларнинг фаолятига ҳамда наорас чиқаришга беришдур.
2. Товушнинг қанча масофага етказилиши. Бу билан мутахассислар ўқитувчи овозини қай масофага етказа олиши ва уни қай йўл билан сўзлашиш аниқлаб оладилар.
3. Ўқитувчи нутқида овознинг ҳаракати ва ўзгарувчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Товуш ҳаракати унинг баланд-пастлигига боғлиқ. Одам овози осонгига 2 октава баландлигида ўхғариб туриши мумкин, аммо кундалик нутқимизда 3-5 нота кучида овоз ишлатилиши мумкин.
4. Диапазон-овоз кўлами, кенглиги унинг чегараси товушнинг қанчалик паст ёки баландлигига боғлиқ. Овоз чегарасининг кичрайиши бир хил оҳангдаги нутқга айланади.
5. Товушнинг ўзига хос сифатлари – овоз тембрига боғлиқ. Яъни майин, аниқ, жарангдор овоз бўлишига боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганлар йиллар давомида тажриба асосида амалга оширилади. Овозни

тарбюиялаш, бу узоқ давом этувчи ҳамда якка ҳолда амалга оширувчи жараёндин.

6. Энди ўқитувчи овозининг гигиенаси устида бир неча сўз айтамыз. Мутахассисларни устида бир неча илмий – тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, доимо нутқ билан боғлиқ бўлган касб эгалари орасида товуш органларини касалланиши жуда кўпдир. Ўқитувчилар орасида бунда касаллаганлар 40,2% ни ташкил этади.

Овоз бузилишининг сабаблари хилма-хилдир. Асосан тўрттаси жуда кўп учрайди:

- Ҳар куни овозга бериладиган ортиқча ҳаракат, нагруска;
- Овоздан тўғри фойдаланмаслик;
- Овоз гигиенасига амал қилмаслик;
- Овоз органилари кучининг туғма пастлиги.

Профессионал касалликни олдин товуш гигиенаси билан шуғулланиш ва шу жойида мактабда баъзи шароитларга риоя қилиш керак. Ўқитувчи ҳар кунги ишдан сўнг 2-3 соатга узоқ гапиришдан ўзини тийиши керак. Шунинг учун бир қаторда ўқитувчилар нафас олиш йўли, нерв системаси, овўқатланиш тартибигат ҳам эътибор бериши керак. Жуда ҳам совуқ ёки иссиқ, аччиқ,. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш: чекиш оғиз бўшлиғи ва товуш органларига салбий таъсир этади.

Оғиз бўшлиғи ва товуш органларини кўриб, салбий таъсирланишнинг олдини олиш учун ош содаси ва йодни аралаштириб ҳосил бўлган суюқлик билан оғизни вақти-вақти билан чайиб туриш керак.

Шу борада яна бир неча маслаҳат:

- бир оҳангдаги нутқ овоз бериш аппаратларини тез чарчатади, чуни бу вақтда товуш органларидан фақат бир гуруҳ мускуллар ишлайди. Нутқ қанча ифодали бўлса, овоз шунча соғлом бўлади:
- бўрнинг ҳар куни чангини ютиш зарали, шунинг учун доска артадиган мато бўлиши керак:
- дарсдан сўнг ўқитувчи совуқ ҳавода тез юриб бўлмайди, чунки совуқ ҳаво нафас олиш ва товуш органларига салбий таъсир кўрсатади.

Дикция – талаффуз тарзи, талаффузни аниқ равшанлиги даражаси.

Ўқитувчи учун тўғри талаффуз - энг керакли қурол ҳисобланади, чунки ўқувчилар ўқитувчини тушуниши учун нутқи, талаффузи равон, ҳар бир бўғин, сўз ва товушларни аниқ айтиши керак.

Ритмика – овоз мароми ёки вазни. Баъзи бир сўзларнинг, бўғинларнинг талаффузи, уларнинг тезлиги нутқнинг суръатини ташкил этади. Овоз тезлиги ҳар бир ўқитувчининг фазилати нутқ мазмуни ва муомала вазиятига боғлиқ.

Пауза, темп ва нутқнинг ёқимли бўлиши нутқ оҳангини ташкил этади.

Бир оҳангда нутқ зерикарли бўлиб, қизиқиш ва диққатни пасайтиради.

Демак, нутқ техникаси ҳақидаги тушунчага эга бўлгач энди доимий машқ қилишга ўтиш керак. Нафас олишни бир маромга келтириш, талаффузнинг аниқ-равшанлиги даражасини машқ қилиш, товуш органларини мустаҳкамлаш керак.

Ўқитувчи овози равон, жаргдор, аниқ ва ўзига жалб этадиган бўлиши керак. Ўқув материални қийин жойларни ўқитувчи овозини сеинланган ҳолда тушунтириб, қолган вақтда тезроқ гапириши мумкин.

Айниқса мавзу асосида хулоса вақтида, яъни қоида, қонун, ақидаларни ифодалашда овоз тезлигини камайтириш керак.

Хулоса қилиб айтаганда, ҳар бир ўқитувчида нутқ маданияти бўлиши зарур, чунки ҳар бир педагог ўз нутқи, чиройли ва равон ўқиши, муомала маданияти билан ўқувчиларга намуна бўлади.

Ўқитувчи доимо ўзининг нутқ маданиятини устида ишлаши ва такомиллаштириб бориши зарур.

9-мавзу: Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати.

Мақсади: Ўқитувчининг дарс жараёнидаги меҳнати ва уни ташкил этиш асосий йўналишлари; ўқувчининг мустақил фикри шакллантиришда ўқитувчи касбининг аҳамияти ва ўқитувчи касбининг педагогик маҳорат қирралари ҳақида тушунча бериш.

Режа:

1. Дарсни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.
2. Ўқитувчининг дарс давомида меҳнати ва уни ташкил этишнинг асосий йўналишлари.
3. Ўқувчиларнинг билим англаш фаолиятини бошқаришда ўқитувчининг маҳорати.
4. Ўқувчини ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишдаги расм.
5. Ўқитувчи касбий ва шахсий педагогик маҳорат қирралари.

Адабиётлар:

1. Н.Н.Азизходжаева. Пед.технология ва пед маҳорат. Тошкент, 2004 йил.
2. Тарбиявий иш методикаси. Л.И. Рувинский Т, 1991.
3. М.Пирмухаммедова. педагогик маҳорат асослари. Т., 2001 йил (маъруза матни).
4. Г.Султонова. Педагогик маҳорат. (маъруза матни). Тош, 2001 й.

5. Халқ таълими. 2003 йил. № 2 сон.

Ҳозирги кун ўқувчиларини замон талабига мос ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш билан бир қаторда таълимни уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу жамиятга ўз қарашлари шаклланган, кенг фикрга эга, ижодкор, қобилиятли, эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган давр талабига мос яшаш, меҳнат қиладиган, маданитли, одоб-иқромли, одамгарчилик хусусиятларга эга бўлган, жисмоний жихатдан баркамол ёшларни тарбиялаш талабини кўймоқда.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давр талабига мос кадрлар тайёрлашда мактабнинг ўрни катта эканлиги ҳаммамизга маълум. Шунинг учун ҳам мактабда дарсга алоҳида аҳамият қаратилади ва ўқитувчининг замон талабига мос дарс ўтиши талаб этилади. Узоқ даврлар мобойнида дарс дарс жараёнини ташкил этиш назарияси ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалга оширишда айрим камчиликларга йўл кўйилмоқда. Масалан, ўқувчининг ўзи мустақил равишда ишлаши, билимларни ўзи мустақил эгаллаб олиш қобилиятли ҳали тўғри йўлга кўйилмаган, яъни, дидактик омиллар таъкидлаганидек «Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса шу ҳақиқатни ўзи эгаллаб олиш йўлини кўрсатиб беради». Дарс кўпроқ ўқувчиларнинг мавжуд билимларини эгаллашга йўлантирилади.

2. Ташқаридан қараганда бу ёндашув тўғри бўлиб кўринсада, бу масала атрофлича таҳлил қилинганда асосан ташқи кўринишга эътибор қаратиб, ички тузилишида ўқувчиларнинг билим олиши, ўй-фикрлаш қобилияти ҳисобга олинмайди. Ўқитувчи ўзининг одига кўйган мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Ўқувчиларнинг фаоллиги эътиборга олинади-да, бироқ амалга оширилмайди. Тўғри ташкил этилмаган дарс ўқувчиларнинг ўқиш-билиш фаоллигини назорат қилиш имкониятини ярата олмайди. Ҳар хил метод ва усулларни амалда қўллаш имконияти йўқ. Дарснинг боришидаги йўл кўйилаётган камчиликларни назарга олиб, кўпчилик дидактиклар дарс боришини мустақил тузиб, ўқувчининг фаоллиги, топқирлиги, ижодкорлигини тақиқламаслик зарур дейишади. Бу фикрни тўғри талқин этиш «Таъқиқламаслик керак» деганда, дарснинг боришини хоҳлаганча ташкил этавер, деб тушунмаслик керак. Дарснинг бориши унинг турига, мақсадига, мазмунига, болаларнинг имкониятига қараб ташкил этилиши шарт.

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ўқиш методикасига назарий ва амалий жихатдан давр талабига мос дарсни ташкил қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам, таниқли олимлар билан методистлар, ижодкор ўқитувчилар бугунги дарс қандай бўлиши керак, у олдинги ўтилган дарсдан нимаси билан фарқ қилиш лозим деган саволга жавоб қидирмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ҳам янгиланади, мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг сифатига, ўқув жараёнини ташкил этишга эътибор кучаяди. Дарсдаги таълим-тарбия ишидаги куйидаги кўринишларни назарда тутиш ва уларни имкон қадар таълим жараёнига тадбиқ этиб боришимиз зарур.

Биринчидан, синфда мустақил (эркин) психологик муҳит, ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш;

Иккинчидан, ўқув фаолиятининг олий мотивини келтириб чиқариш, фақат ўқувчиларга ўқув материалининг ахамиятинингани билдириб қолмасдан, уларга билим олишнинг ўқитувчи томонидан таклиф қилинган методларга эътиборни қаратиш;

Учидан ўқувчиларни билим олишини кафолатловчи ишончли метод ва усуллар билан таништириш.

Тўртинчидан, дарсни ўқувчиларнинг мустахкам, яхши билим олишга йўналтириш.

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг олий даражада билим олиб, (Д.Т.С. асосида) уни янги шароитда қулай олиш имкониятларича шароит яратиш. Дарсда ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятининг тўғри хулосали ташкиллаштири олиш ва уларнинг ўз меҳнатининг мевасидан қаноатлана оладиган шароитлар яратиш.

2. Ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина педагогик таъсир кўрсатишни муваффоқиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриғидан ибрат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига монанд бўлди. Тарбиянинг мавжуд тарбиялашни таҳлил қилиб тажриба синов иши ўқувчиларнинг ёшига мувофиқ равишда ўқитувчи ҳолатининг ўзгариш мезонини аниқлашга имкон беради. Бу ўқувчиларнинг коллективига нисбатан ташқи ҳолатдан маълум даражада ички ҳолатга ўтиш, ўқувчиларга бевосита таъсир кўрсатишнинг камайиши ва бевосита таъсирини ортиши: коллективни бошқариши органларига бериш, ҳар бир бола шахсининг ички оламига кўп тасир этишга ўтишдир.

Турли ёшдаги ўқувчиларнинг муомиласига таъсир кўрсатиш субъекти бўлган ўқувчи тутган йўл ва маҳоратини умумлаштиришга тавсифни қуйдагича тасаввур қилиш мумкин. Қуйи синфларда ўқитувчи ташкилотчи бўлиб майдонга чиқади. В Далнинг луғатига қараганда тузувчи тасир этувчи маънони билдиради. Педагогик кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаётига таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уни ташкил этиш зарурати билан белгиланади. Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективларида талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладиган болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётни ташкил этиб, улар орасида ўзаро ҳайрихоҳлик ҳамхўрлик вазиятини, завқли вазиятини вужудга келтира оладиган тарбиячилар катта обро-эътибор қозонадилар. Болалар катта ёшдагубундай кишиларни ўз дўстлари деб қабул қилишга мойилдирлар.

Бундай муносабат энг яхши муносабатдир, чунки у катта ёшдаги кишига ташкилот вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради. Ўсмирлар ўқийдиган синфларида ўқитувчининг ҳолати раҳбар деган сўз билан ифодаланиши мумкун. В. Даль бу сўзни қуйидагича, яъни кўрсатувчи, мураббий, ишвоши, бошловчи деб таърифлайди.

2. Педагогларнинг ўсмирларга таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш зарурати билан белгиланади, бу фаолият ўз-ўзини ташкил қилишнинг кўпроқ улишини ўзига қамраб олади, бу эса ўқувчининг таълим тарбия жараёнининг раҳбарисифатида, ўқувчиларга қуйидаги талабалар мазмунини очиб беради.

Усмирлар педдагогик талабларни онгли ва ситки дилдан бажаришлари учун талаб мавзуга нисбатан ўқитувчи ва ўқувчининг бир хил йўл тутиши зарурдир. У билиш нуқтаи назаридан Қизиқарли бўлиши ёки амали жихатдан фойдали бўлиши зарур ёхуд хиссиётларни енгиллаштириш ва ҳақозалар учункерак, бошқача сўзлар билан айтганда, коллектив фаолият жараёнини қулайлаштириш зарурдир, акс ҳолда талаб самарасиз бўлиб қолади, катта ёшдаги ўсмирларга нисбатан ўқувчи ҳомий ёки тарбиячи ҳолатида туради, бу сўзлар В. Даль луғатида «ҳомийлик қилувчи, ғамхур, серхаракат» сифатида таърифланади. Бундай ҳолат шунга тақоза қиладики ўқитувчи фаолиятининг шундай соҳаларида, яни бевосита аралашув кам сафар берадиган соҳаларда, ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракатларига алоҳида эътибор бериши лозим, бу эса педагогдан катта ёшдаги ўсмирларга ўзига ҳос ҳомийлик қилишни талаб этади, бу аввало уларни бу соҳадаги ахволи яхши бўлиши ҳақида бевосита ғамхўрликни ўз ичига олади. Юқори синфларда ўқувчининг ҳолати консулттант, яъни муайян соҳада маслаҳатлар берувчи мутахасис сўзи билан ифодаланиш мумкин. Ўқитувчи юқори синиф ўқувчилари билан мулоқат йўли билан муомила қилганда ўтмиш ғойавий меросининг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб бериш мумкин. Бундай ҳолда у кенг муалимлар бўйича масала хатчи бўлиб келади ва йуқори синф ўқувчиларига самарали тасир кўрсатиш имконига эга бўлади. Ўқувчи жамоа аъзолари гаплаш оли ҳам керак.

Ўқувчилар жамоаси билан муомила кўпинча суҳбат лация, ахборот шаклида бўлади. Биринчи навбатда суҳбатни қандай билиши, қандай қилиб дарҳол ўқитувчининг гапларига болаларнинг диққатини қизиқтириш ҳақида гапириб ўтамиз. Жумладан, мавзуга диққат тортиши, уни тушунтириш, таҳлил қилиши, мақола циттата, келтириш мумкин. Бунда ўқитувчи суҳбат олиб бораётганда анча қисқа, лекин етарли аниқ қилиб очиб бериш вазифаси туради. Бунда мисоллар, иллюстрациялар системаси баён қилинади. Ҳар қандай суҳбат болаларни қизиқтира олиши лозим. Фаолият йўналишларида кенг миқёсда жорий этилиши лозим бўлганда «Она юрт», «Ёш ишбилармон», «Ёш хунармандлар», «Мерос», «Меҳр-шавқат», «Табиат ва инсон» каби ишлар қўллаши болаларни тарихни ўрганиш ва уни тарғиб қилиш халқ урф-одатлари болар ўйинларни ўрганишда катта ёрдам беради.

4.Ҳар томонлама гармоник ривожланган, жисмоний соғлом, маънавий етук комил инсонларни тарбиялашда ўқитувчининг роли бекиёсдир. Бу ҳақда юртбошимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли тарихий нутқларида алоҳида тўхталиб, айниқса мактаб ўқитувчилари олий маълумотли, ўз фанини чуқур биладиган, замонавий технологиялардан хабардор, кенг дунёқарашли, педагогик, ташкилотчилик қобилиятлари юқори, ижодкор шахслар бўлишлари зарурлигини таъкидлаган эдилар. Кўп нарсадан хабардор бўлиш, «кўп билиш» ўзидан-ўзи фикрлашга ўргатмайди. Унда фикрлашга қандай ўргатиш мумкин деган савол туғилиши табиий.

Болани тўғри юришга ҳан қандай она осонлик билан ўрганиши мумкин, лекин фикрлаш учун ҳар қандай маҳоратли педагог ҳам ўргата олмайди: болага фикрлашни бутун ҳаёти довамида атрофдагилар ўргатади. Фикрлашни йўлдан чиқариш осон, лекин уни изга тушуриш қийин. Тафаккурни «табиий бўлмаган машқлар тизими билан издан чиқариш мумкин. Бундай ақлни, мияни бузишти «тўғри» йўлларида бири билимларни кўр-кўрона ёдлаб олиш ҳисобланади. Болага ниманидир ўргатиш, шунингдек мустақил фикрлашга ўргатиш ҳам унинг шахсига катта-диққат эътибор талаб қилади.

6. Ўқувчилардан мустақил фикрлашни ривожлантириш учун билимларни ўзлаштириш жараёнини маҳоратли ўқитувчи шундай ташкил этиш лозимки, бу жараён машқ қилиб қолмасдан, масалаларини мустақил ечиш қобилияти, мустақил фикрлаш ҳам машқ қилдириш лозим. Аввало фикрлашга ўргатишни саволни тўғри қўя олишдан бошлаш керак. Фан ҳар доим ана шундай бошлаган, саволни қўя олишдан, муаммони, вазифани баён этиш ечими йўқ муаммоларни ҳаракатнинг маълум услублари, маълум йўллар билан ҳал қилишга ҳаракат қилинган. Ақлни шундай тарбиялаш керакки, қарама-қаршилик асабийлашиш учун сабаб эмас, балки мустақил ишлашга, нарсанинг ўзини мустақил қараб чиқишга ундасин.

Тажрибали ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларни муаммога, муаммоли вазиятларга олиб келади. Бунга олиб келишида бир томондан, бир «кичик қўшимча» шахсий мулоҳаза, содда ижодий тафаккур, мустақил ҳаракат талаб қилинади. Агар ўқувчи бир неча уринишлардан сўнг, ўқитувчининг айтиб беришини кутмасдан, бундай вазиятдан чиқиш йўлини мустақил топса, у ақлий тараққиётда катта қадам қўйган бўлади.

Тафаккурнинг олий даражаси ҳар доим ўз-ўзи билан баҳслаша олиш кўникмасида ифодаланади. Олий даражада фикрлайдиган инсон ҳар доим баҳслашишига тайёр бўлади. У ҳар доим барча қарама-қаршиликларни енга олади, унга жавобан қарши фикрларни тайёрлаб қўяди. Ҳар бир умумий ҳақиқатни мустақил текшириб кўришга ўргатинг, ўқувчига умумий ҳақиқат билан ягона факт орасидаги қарама-қаршиликни ҳал қилишга ёрдамлашинг. Ана шу усул билан ўқувчида фикрлаш кўникмасини ривожлантириш мумкин, фақат шу йўл билан мустақил фикрлайдиган, ғоявий чиниққан, кенг дунёқарашли, эътиқодли комил инсонларни тарбиялаш мумкин.

Ҳар бир мустақил фикрлашга ўргатишни истовчи муаллимнинг ўзи аввал фикрлашга ўрганиши зарур. Бу эса ўқитувчи ўз фаолиятида умумназарий, хусусан умумфалсафий, умумпсихолгик тамойилларни кўллашни англатади. Ўқитувчи бунинг учун бажарилишини кутмаслиги, кейинги ақлий меҳнатдан, фикрлашдан ҳалос қилинадиган кимнингдир тайёр дидактик янги педагогик технологияларни олиб келишини кутмаслиги лозим.

Хулоса, қилиб айтганда инсон ўзи бажара олмайдиган нарсаларни бошқаришга ўргата олмайди. Мактаб фикрлашга ўргатиши зарур, - бу эса ўқитувчининг ўзи фикрлашга ўрганиши зарурлигини англатади. Бу ҳол ҳозирги олий педагогик ўқув юртларида тақсил

олаётган талабаларни замонавий руҳда фқрлашга ўргатиш заруриятини англатади яни, таълим-тарбия берайотган бу устозлар олдига юксак маъсулиятни юклатади.

5. Ўқитувчи касби ва шахсинг педагогик маҳорат қирралари.

Ўқитувчилик касбига қадам қўйиш ниятида бўлган бўлажак педагог ўз-ўзига; шу касбни севаманми, дилимда бу ишга ҳавас ўти борми, мен болажонлик фазилатига эгаманми, бир умр ана шу ниҳоятда мураккаб, лекин шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми, деган саволларни ўзига бериб, қалбидан жавоб олмоғи лозим. Инсонни эл ҳурматиға сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири танланган касбида садоқат билан ишлай билишидир. Касбига кўникиш инсонни безовчи зийнат бўлибгина қолмай, ишини унумли ҳам қилади. Бир ерда, бир касбда узоқ ишлашда ҳикма кўп.

Ўқитувчи касбини севишидан ташқари, ўз фани бўйича чуқур, ёндош фанлар бўйича-кенг билимға эға бўлиши керак. Бола билимдон ўқитувчини севади. Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларға бера олиши, энг муҳими, уларда билимға қизиқиш уйғота билиши, дарс ёки маърузаларда талабани ўзи билан бирға фикрлашға ўргатиши лозим. Ўқитувчи ўз касбининг устаси бўлиши учун дарс ёки маърузалар давомида педагогик таъсир кўрсатиш усулларидан фойдалана билиши ҳам зарур.

Зиё тарғиботчиси бўлган зиёкор ўқитувчи энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, феъл атворида, кийинишида, оилади, иш жойида, одамлар билан муомала маданиятида, рўзғор юргизиш, жамоат жойларида ўзини тута олишлиги, нутқ маданияти кабиларда ўз аксини топади. Бу фазилатлар ҳар бир олижаноб ўқитувчининг гўзал ички дунёсини ифодалайди. Ўқитувчи ўқувчи билан муомалада педагогик одобға риоға қилиши, ўзини тута билиши, шароитни ҳисобға олиб, таълим-тарбия усулини танлаши лозим. Зеро, ўқитувчи ёшларнинг дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир.

Таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳатлар биринчи тавбатда ўқитувчининг шахси билан боғлиқдир. Шунға кўра, аввало, ўқитувчи шахсини шакллантириш, уни таълим ва тарбиянинг самарали шакл ва методлари, воситалари асосида ҳар томонлама пухта билимли, юксак маданиятли инсон қилиб камол топтириши лозим. Булар ўқитувчининг касбий етукликка эришиши, ўз ишиға ижодий ёндашишида катта роль ўйнайди.

Маълумки, ўқитувчининг юксак педагогик маҳоратни эғаллаши ёғят мураккаб жараён бўлиб, педагогика фанининг энг долзарб муаммолардан биридир. Ўқитувчи дастурға киритилган ва дарсликларда берилган материаллар билан чекланмай, ўрганиладиган мавзуга ёндош қўшимча материалларни билиши, ҳар бир мавзунини ўтишда унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам ҳисобға олиши ва ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унға етишиш йўлларини белгилашда, яъни дарс режасини тузишда синфдаги ўқувчиларнинг билим-савиясини, мазкур фаннинг ютуқлари ва янгиликларига муносабатини, қолаверса, унинг ўзига хос хусусиятларини, қизиқиш ва дунёқарашларини ҳам назарда тутиша лозим.

Ўқитувчининг ҳар бир дарсни ўтказишини ҳақиқий санъаткор бирон бадиий образни мукамал яратишға қиёслаш мумкин. Истеъдодли актёр ҳам мукамал образ

яратиши учун ўз ролини жуда кўп такрорлайди, уни сахнада намойиш этади. У ҳар гал шу образни характерининг қандайдир номаълум қирраларини топади ва уларни ҳар сафар сахнага чиққанда ўша образда мужассамлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам актёр бир ролни қайта-қайта ўйнаганда уни айнан такрорламайди, балки тобора мукаммаллаштириб боради. Аслида ижодкор ўқитувчи ҳам мавзунини айнан такрорламаслиги, унинг қандайдир жиҳатларини бойитиб, такомиллаштириб бориши лозим. Зеро, ижодий изланиш ҳар бир соҳада муваффақит гарови ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий такомиллашишини олимлар илмий – методик жиҳатдан шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

1. Мазмуний муаммолар, яъни ўқиётган фаннинг мазмуний компонентиға тегишли. Кўпчилик ўқитувчилар учун мазмуний муаммолар янги ва ҳали ўрганилмаган иш ҳисобланади. Авваллари ўқитувчи мазмунни белгилашга ҳаққи йўқ эди, ўқитувчилар ўз фанининг ўқитилишаг доир муаммоларни ҳал этиш жараёнида фаол қатнашувчи ва ҳал қилувчи фикр субъекти ҳисобланади. Улар таълим мазмуниға доир бахсларда қатнашдилар ва ўз тажрибалариға тегишли вариантларни синаб кўрадилар.
2. Коммуникатив муаммолар. Бу муаммоар гуманизм ва демократик ғояларға жавоб берувчи янги мулоқот усулининг шаклланиши билан боғлиқ. Ўқитувчи мехнатнинг мураккаблиги ҳар бир ўқувчи кўнглиға йўл топиши ва ҳар бир шахсдаги имкониятларнинг ривожланишиға шароит ярата билишдадир. Энг муҳим, ўқувчининг ўзини шахс деб тушунишиға ўқитувчи ёрдам бериши зарур, ўзлигини, ҳаётни, дунёни идрок этишға эҳтиёж уйғотиш керак. Дарс таъсирчанлигини ошириш учун болалар билан муаммонинг турли усуллари кўллаб, қизиқтириб, ўйинға ўхшатиб, ғаройиб суҳбатлашиши лозим бўлади. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти аниқ педагогик вазифани бажаришға йўналтириши керак. Бунда: мақбул, яхлит, қулай ўқув муҳитини, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги онгли муносабатни ташкил этиш кўзда тутилади.
3. Услубий муаммолар. Ўқитувчи ўз шахсий имкониятларни кўрсата олишини таъминлаш учун ўқитиш қизиқарли, илмий жиҳатдан асосланган, ижодий жараён бўлиши керак.

Ана шу уч муаммони биргалиқда ечиш жараёнида ўқитувчи юқори касбий маҳорат эғасиға айланади. Ўқитувчиларнинг иш мазмунини ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларидан келиб чиқиб, ўқитувчининг касбий такомиллашувиға доир қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин:

- 1) Агар дарс шунчаки иш эмас – муомала, машғулот эмас – санъат, жадвалдаги соатлар эмас – ҳаёт деб қаралса, унда педагог ўз-ўзидан тез-тез дарсға нима учун бораётганлигини сўраб, болаларнинг олдига бораётганлигини қалбдан ҳис этиши лозим.
- 2) Дарс бериш – бу, инсон қалбига йўл топиш демақдир. Бунда сўздаги ахлоқийлик – ҳақиқат, амалдаги ахлоқийлик эса – адолатлигини билмоқ зарур.
- 3) Тажрибали педагоглар дарсни қандай қилиб олиб боришларини кузатмоқ ва ўз дарсингизда уларнинг ижобий жиҳатларини кўлламоқни ўрганиш даркор.
- 4) Ўзингизни ва ўз қарашларингизни назарий

баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқланг. Ўз йўлингиз билан боришдан қўқманг. 5) Ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоён қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримиз қилаётган ишимизга қараганда мукамалроқ, кучлироқмиз ва бу – ҳали ишлатилмаган икмкониятимиздир. 6) Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир, ҳатто, кўп йиллаб чархланган дарс ҳам нимаси биландир янги, биринчидир. 7) Ўқитувчи ишига ўқиувчилар берган баҳо энг мўътабар кимсаларнинг фикридан муҳимроқлигини доимо ёдда тутмоқ лозим.

Таянч тушунча:

Мустақил фикр, педагогик маҳорат қирралари, дарс жараёнидаги меҳнати, услубий муаммо тажрибали педагог.

Назорат саволлари.

1. Дарсни ташкил этишга қўйиладиган талаблар ҳақида сўзланг.
2. Ўқитувчи ўқувчиларга қандай педагогик таъсир кўрсатиш лозим?
3. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш лозим.

10-мавзу.

Ўқитувчининг тарбиячилик маҳорати.

Мақсад: Ўқитувчининг дарсдаги маҳорати, тарбияланувчининг ҳаётини таълим-тарбия жараёнида ташкил этиши ва ижодий фаолиятдаги маҳорати ҳақида фикр юритиш.

Режа:

1. Ўқитувчи дарсдаги маҳорати, тарбиячининг маҳорати.
2. Тарбияланувчи ҳаётини ташкил этишда педагогик маҳорат. (ўйин, меҳнат фаолияти ва педагогик маҳорати).
3. Тарбиячининг ижодкорлиги. Ижодий фаолиятдаги маҳорати.

Адабиётлар.

1. Л.Н.Рувинский. Тарбиявий ишлар методикаси.
2. Ўзб. Рес. «Таълим тўғрисида» қонун. Маърифат.
3. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т-1994.
4. Давирова Т. Ижодий услуб-энг зарур сифат: Ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашуви ҳақида // Халқ таълими. 2001 №-6, 24-26б.
5. Мунавваров «Педагогика» Т. 1996 й.

Тарихга назар солсак, комил инсон тарбияси аждодлармизнинг ҳамиша фикри ёдида, диққат эътиборида бўлганини кўрамиз. Юртбошимиз соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч адолатдадир» деган иборасига «Куч-билим» ва тафаккурда деб бежиз қўшимча киритмади. Негаки янги демократик, ҳуқуқий жамият қурилишида маърифатли, зийрак ёшлар қанча кўпайса жамиятдаги тараққиёт муқаррар равишда ривожланиб ортиб боради. Зеро билимли дунёқараши кенг йигит-қизларимиз жаҳолатга қарши фақат маърифат кучи билангина кураша оладилар. Бунда асосан тарбиячи – ўқитувчиларнинг маҳоратлари каттадир.

Ўқитувчидан ўқувчиларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина (бу ҳолат уларнинг ёшига қараб турлича бўлади) педагогик таъсир кўрсатишни муваффақиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқитувчининг асосий йўл-йўриқдан иборат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига монанд бўлади.

Турли ёшдаги ўқувчиларнинг муомаласига таъсир кўрсатиш субъекти бўлган ўқитувчи тутган йўл ва маҳорати ни умумлаштирилган тавсифини қуйдагича тасаввур қилиш мумкин. Қуйи синфларда ўқитувчи ташкилотчи бўлиб майдонга чиқади. В.Далнинг луғатга қараганда тузувчи таъсис этувчи (ташкил этиш – йўлга қўйиш, қатий асослаш деган сўздан) маънони билдиради. Педагогик кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаётга таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уни ташкил этиш зарурати билан белгиланади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективларидан талабчан ва қувноқ тарбиячи бўла оладиган, болаларнинг фаол ижодкорлик билан тўла ҳаётни ташкил этиб, улар орасида ўзаро хайрхоҳлик, ғамхўрлик вазиятини, завқли вазиятни вужудга келтирадиган тарбиячилар катта обрў-эътибор қозонадилар. Болалар катта ёшдаги бундай кишиларни ўз дўстлари деб қабул қилишга мойилдирлар.

Бундай муносабат энг яхши муносабатдир, чунки у катта ёшдаги кишига ташкилий вазифаларни ҳал этишини осонлаштиришади, тарбия вазифаларини моҳирлик билан самарали ҳал этишга ёрдам беради. Ўсмирлар ўқийдиган синфларда ўқитувчининг ҳолати раҳбар деган =\\=\=\=\=\ этишга ёрдам беради. Ўсмирлар ўқийдиган синфларда ўқитувчининг ҳолати раҳбар деган сўз билан ифодаланиши мумкин. В.Даль бу сўзни қуйидагича, яъни кўрсатувчи, мураббий, ишбоши, бошловчи деб таърифлайди.

Педагогларнинг ўсмирларга таъсир кўрсатишнинг асосий мазмуни уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш зарурути билан белгиланади, бу фаолият ўз-ўзини ташкил қилишнинг кўпроқ улушини ўзига қамраб олади, бу эса ўқувчининг таълим-тарбия жараёнининг раҳбари сифатида, ўқувчиларга қуйидаги талаблар мазмунини очиб беради. Ўсмирлар педагогик талабларни онгли ва сидқидилдан бажаришлари учун талаб мавзуга нисбатан ўқитувчи ва ўқувчининг бир хил йўл тутуши зарурдир. Юқори синфларда ўқитувчининг ҳолати консультант, яъни муайян соҳада маслаҳатлар берувчи мутахассис сўзи билан ифодаланиши мумкин. Ўқитувчи юқори синф ўқувчилари билан мулоқот йўли билан муомала қилганда ўтмиш ғоявий мероснинг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб бериш лозим. Бундай ҳолда у кенг муаммолар бўйича маслаҳатчи бўлиб келади ва юқори синф ўқувчиларига самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи жамоа аъзолари билан гаплаша олиши ҳам керак.

Ўқувчилар жамоаси билан муомала кўпинча суҳбат, лекция, ахборот шаклида бўлади. Бириринчи навбатда суҳбатни қандай бошлаш, қандай қилиб дарҳол ўқитувчининг гапларига болаларнинг диққатини тортиш, қизиқтириш ҳақида гапириб ўтамыз. Жумладан, мавзуга диққат тортиш, уни тушунтириш, таҳлил қилиш, мақола, цитата келтириш мумкин. Бунда ўқитувчи суҳбат олиб бораётганда анча қисқа, лекин етарли аниқ қилиб очиб бериш вазифаси туради. Бунга мисоллар, \=\=\=\=\лар системаси баён қилинади. Ҳар қандай суҳбат болаларни қизиқтира олиши лозим. Фаолият йўналишларида кенг миқёсда жорий этилиши лозим бўлган «Она юрт», «Ёш ишбилармон», «Ёш хунармандлар», «Мерос», «Меҳр-шавқат», «Табиат ва инсон», каби ишлар қўллаши болаларни тарихини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш, халқ урф-одатлари, болалар ўйинларини ўрганишда катта ёрдам беради. Болалар ва ўсмирлар орасида катта-ю кичикка доимо ғамхўр бўлиш, айниқса бемор ётган қариялар ёки тенгдошга бўлган меҳр-мурувватни аямаслик фазилатларини сингдира олиш мураббий ва тарбиячиларни муҳим ишидир. Бунинг учун улар ўз тарбияланувчилари билан оромгоҳ ҳудудида истикомат қилаётган кекса, ёлғиз бемор қариялардан хабар олиши, уларнинг уй ишларида кўмаклашиши, зарур бўлса кичик таъмирлаш ишларини олиб бориши мумкин.

Оромгоҳларда кўнгилли дам олиш учун спорт билан шуғулланиш, турли хил ўйинлар ўтказиш, касб танлаш, бичиш-тикиш, каштачилик ва ҳоказолар.

2 режа.

Ҳақиқий педагог фақат билимга эмас, сўзлашиш маданиятига ҳам эга бўлиши керак. Мактабда, умуман ўқиш жараёнида 2 та асосий шахс-ўқитувчи ва ўқувчи бўлади. Бу иккала шахснинг дарс жараёнида уларнинг бир-бири билан тўғри муносабатда бўлиш, ўқувчи шахси шаклланишида таълимий-тарбиявий жараён эффектив (яхши натижа берадиган, фойдали таъсир этадиган метод) таъсир кўрсатади. Юқорида айтганимиздек ўқитувчи ўқувчининг психологик хусусиятини, қобилятини ҳисобга олган ҳолда унга муружаат этиши керак. Дарс жараёнида педагог ўқувчи шахсини пастга урмасликка

ҳаракат қилиши, фақат буйруқ, жеркиш орқали тарбияламаслиги керак. Ўқувчи ўзин ва ўқитувчи ҳуқуқларини мустақил анлай билиш керак. Масалан, 8 йиллик мактабнинг директори шундай деди: «Мен бир ўзим ўқувчилар билан курашиб келяпман, аслида эса, ҳамма курашиши керак». Бу мактабнинг директори ўқишни, интизомни яхшилашга интиляпти. Лекин бунинг учун тўғри йўлни танламайди, яъни – ўқувчиларга қарши кураш олиб бориши, уларни ўз хоҳишига мутъе қилиш, шахсни ерга уриш. Шулар натижасида қуйидаги чоралар кўрилади: мажлисларда шарманда қилиш, ваъда бердириш, ота-оналарни чақиритиш ва хоказо. Натижада, ўқувчи ва ўқитувчи бир-бирига қарма-қарши бўлиб қолади. Аслида эса ўқувчи билан ўқитувчининг максоди, йўналиши бир жойга қартилган бўлиб, улар ҳамкорликда иш олиб боришлари шарт. Педагог фақат билим бериб қолмай, балки бошқаларнинг ва ўзининг ҳаёти учун масъулиятни ҳис қиладиган шахсни, фуқарони тарбиялаши керак. Бунда эса кураш орқали эмас, гуманистик муносабатлар орқали эришилади. Шундай муносабатлар орқали ўқувчи ўз тақдирининг она юртнинг хўжайини эканлигини ҳис этиши, ҳар томонлама ривожланишига эришишимиз керак.

Педагог билан ўқитувчиларнинг муносабати бўлимида ўқитувчи катта роль ўйнайди. Чунки у етакчи ролини бажаради.

Муносабат-педагогик фаолиятининг энг асосий профессионал куролидир. Педагогик муносабат эса-бу педагогнинг ўқувчи билан дарсда, дарсдан ташқарида бўлган профессионал муносабат. Бу муносабат ижобий психологик муҳит яратиш учун қаратилган. Нотўғри педагогик муносабат ўқувчининг иккиланишига, хотираси, даққатининг бўлинишига, мустақил фикр юрита билиш, хоҳишни кескин пасайтириб юборади. Натижада фақат ўқитувчига эмас, балки унинг фанига ҳам ўқувчи томонидан негатив қараш пайдо бўлади.

Педагогик (фаолият) муносабат, социал-психологик процесс сингари қуйидаги функциялари билан характерланади; шахсни англаш, информация алмашиш, фаолиятнинг ташкил этилиши, роллар алмашуви, ҳамдардлик ва ўзини ишонтириш.

Муносабатнинг информациявий функцияси, маънавий бойликларни ва материаллар алмашувини таъминлайди, таълим-тарбиявий жараёнда ижобий мотивизация учун шароит яратади. Ўқитувчи учун болани тушуна билиш, уларнинг ҳтиёжларини билиш муҳим. Дарс режасини туза туриб, фақатгина информацияни ўқувчи томонидан ўзлаштиришни эмас, балки, мустақил ўз фикрини баён этишни ҳам инobatга олиш зарур. Ўқувчини дарсга қизиқтириш ва раҳбатлантириб туриш керак.

Боғчанинг муҳити мактабдан анча фарқ қиладди. Боғчада педагог- тарбиячи болага таълим-тарбияни асосан ўйин фаолит орқали беради. Ўйин фаолиятидан ташқари машғулот жараёнида, меҳнат фаолияти орқали болани ҳар томонлама ривожлантириб, унда билим ва кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қиладди. Тарбиячи қандай фаолиятда бўлмасин бола билан бевосита муносабатда бўлиб, у етакчи рольни ўйнайди.

Тарбиячи бола таробиялашдан аввал уни психологик жихатдан ўрганиб чиқиши керак. Болага бақирмаслик, жеркмаслик, ва уни шахсини дўстлари олдида пастга урмаслиги керак. Педагог болани қўллаб-қувватлаши, тўғри муносабатда бўлиши шарт. У болада ўзига нисбатан ишонч ҳосил қилиши керак. Болага таълим-тарбия бериб бўлмайди. Чунки ўзини эркин ҳис қилмаган бола ҳеч қачон нормал ривожланмайди. Бу қўрқув болада тарбиячига нисбатан, боғчага нисбатан нафрат уйғотади. Қўрқувни ҳис қилган бола ҳеч қачон тарбиячи томонидан берилган информацияни қабул қилмайди. Чунки боланинг диққати бўлинган бўлади, унда иккиланиш, пассивлик пайдо бўлади. Бундай вазият тузилмаслиги учун тарбиячининг нутқи аниқ равон ифодали бўлиши керак. Агар машғулотда пассив қатнашса, уни актив бўлишга жалб қилиш; бола нотўғри жавоб берса-унга бақирмасдан хатосини тушунтириш, болани рағбатлантириш, уни кўнглига йўл топиш ҳар бир тарбиячининг вазифасидир.

3 р. Ижодий фаолиятда маҳорат.

Тарбиячининг ижодкорлиги асосан болалар билан ўтказиладиган бирор бир тадбирларни уюштиришда намоён бўлади. Бу тадбирларни уюштиришда мақсад асосан болаларни ақлий ривожланишига. Болаларни тўғри таҳлил қилишга, тўғри фикрлашга ва тушунишга қаратилган бўлиши керак.

Масалан: Наврўз байрами, куннинг II ярим куни кўнгил очар соатлар. Туғилган кунлар ва бошқалар.

Бу тадбирлани ўтказишдан асосий мақсад болаларни жамоага тўплаб ва жамоа бўлиб, ижод қилишга қаратилган. Энди жамоа бўлиб бажариладиган ишни қандай ташкил қилишни босқичларга бўлиб чиқамиз.

(Жамоа бўлиб бажариладиган иш)

- I. Биринчи босқич-жамоанинг дастлабки иши.
 - II. Иккинчи босқич-ишни жамоа бўлиб режалаштириш иши.
 - III. Учинчи босқич-жамоа бўлиб бажариш ишига тайёргарлик.
 - IV. Тўртинчи босқич-жамоа бўлиб бажариш ишини ўтказиш.
 - V. Бешинчи босқич-жамоа бўлиб бажариш ишини якунлаш.
 - VI. Олтинчи босқич-жамоа бўлиб бажариш ишининг натижаси.
- I. Босқичда тарбиясиз болалар билан суҳбат уюштириб, уларни жамоа бўлиб бажариш қандай иш бажармоқчи эканликларини аниқлайди. Масалан, биз ким ва нима учун ишламоқчимиз? Қачон? Қаерда? ким билан, ким бошчилик қилади?
 - II. Босқичда тарбиячи болалар билан бажариладиган ишни режасини тузиб олади. Бунинг учун кичик-кичик гуруҳлар тузиб, уларда сизлар нима қилмоқчисизлар? Ким учун бажармоқчисиз? Деб болаларни қизиқиши ва бажарадиган ишга муносабатини аниқлайди.
 - III. Босқичда тарбиячи тадбирни ўтказиш ташкилотчи раҳбарини аниқлайди. Уларга консультациялар беради. Барча масалаларни биргалиқда ҳал қилиш кераклиги,

тадбирга тайёргарликни ва ўтказишини назорат қилиш бир-бирлари билан тажриба алмаштиришни маслаҳат беради.

- IV. Босқичда жамоа бўлиб бажариш ишини ўтказиш жамоа режалаштирган ишини амалга ошириш бу даврда тарбиячи барча эгалланган билимларни ишга солади ва шуни яхши чиқиши учун ҳаракат қилади. Масалан, «ота-оналар бурчагига ҳар хил фото, стенд, деворий газеталар».
- V. Босқичда жасоа бўлиб бажариш иш якунини қай даражада эканини? Нимани бажара олдинг? Нимани бажара олдинг ва нима учун каби саволларга жавоб изланади. Масалан, тарбиячи ҳар бир тарбияланувчидан мана шу саволга жавобларни фикрлашга, аниқлашга қаратади.
- VI. Иш натижаларини биргаликда муҳокама қилади ва уни иш тажрибаси сифатида бошқа гуруҳларга алмаштирилади. Методик қўлланма қилиб ишлаб чиқилади. Масалан, болалар боғчасида тарбиячиларнинг иш тажрибалари.

Таянч тушунчалар:

Тарбия, дарсдаги маҳорат, тарбиячи маҳорати, ўйин, меҳнат фаоияти, ижодий фаолият.

11- мавзу.

Мавзу: Ўқитувчи меҳнатини илмий асосда ташкил этиш.

Мақсад: Талабаларга ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш ҳақида тушунча бериш, шахсий-ижодий фаолиятни режалаштиришни ўргатиш. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари билан таништириш.

Режа:

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш ҳақида тушунча.
2. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.
3. Ўқитувчининг шахсий ижодий фаолияти ва назарий-услубий моҳияти.

Адабиётлар:

1. Узлуксиз таълим 2002,6-сон.
2. Р.Расулов. Научная организация учителя. М.: Просвещение, 1984, 36-б.
3. С.Ражабов. Мутахассисликка кириш. Т.,Ўқитувчи,1991.
4. Ижодкор ўқитувчилар издан. Т. 1989.

4. ахсий – ижодий фаолиятини режалаштириш.

Ижод, ижодийлик, бунёдкорлик, яратувчанлик мураккаб, рухий жараён бўлиб, у аввало ўқитувчиларнинг фикрлаши, дунёқараши, мустақил фаолият кўрсатиши, хотираси, диққати, иродаси билан чамбарчас боғланган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари ижодий тафаккурга шундай таъриф беради: «. . . шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаш, учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак» - дейди Қомусий олим ал-Фаробий.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида янги ижтимоий муносабатларга фаол кириша оладиган, демократик, ҳуқуқий тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамият куришда ўзининг инсонпарварлик бурчи ва касб маъсулияти билан яшай оладиган етук шахсларни тарбиялаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ҳар қандай меҳнатнинг муваффақияти ва самараси уни ташкил этишга, бу меҳнатни уюштиришга таъсир этадиган шарт-шароитларга, фаолиятни амалга ошириш йўлларига боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш деганда педагогик жараёни бошқариш учун педагогика психология фанининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ижодий ташкил этиб янгиликларни яратиш тушунилади. Ўқитувчи меҳнати унинг вақти билан боғлиқ бу ишнинг муваффақияти вақтдан умумли фойдаланиш, ўзининг имкониятларини тўла ҳисобга олиш, ўқув тарбия жараёнида ўзини намоён этиш ва ўзининг кимлигини, қандай эканини, нималарга қодир эканлигини тасдиқлаш билан боғлиқ.

Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш биринчи навбатда ўзининг ижодий имкониятларига ишониш дегмакдир. Ўқитувчи таълим жараёнини тўла тасаввур этиши керак, унинг, қонуниятларини, болани билиш имкониятларини яхши англаши керак.

Педагогик меҳнат натижаси ўқувчиларни мустақил ишлаш олиши, исботлай олиши, таҳлил қила олишидир.

Меҳнатни лимий асосда ташкил этишда намоён бўладиган 3та асосий белгилар:

1. Вақтдан имкон қадар самарали фойдаланиш;
2. Меҳнат ва дам олиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш, уни ташкил этиш;
3. Барча имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат қилиши учун сотиш ва ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш.

Педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда ўқитувчининг кун тартиби ва иш жойи муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи ўзи учун энг оптимал юқори умумберадиган кун тартибини топа олиши керак.

Педагогик меҳнатнинг самараси, мақсади ва фаолият вазифасига кўра билишда ва аниқлай олишдир. Шундагина шуни илмий ташкил этиш мумкин бўлади. Бу ўқит увчи меҳнатини илмий ташкил этишнинг биринчи тамойилидир.

2-чи тамойили фаолият услубини белгилаш.

3-чи тамойили педагогик меҳнатни илмий ташкил этишда техникадан восита сифатида самарали фойдаланиш тушунилади. Бу тамойил кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик техника ва техник воситалар йиғиндиси кўзда тутилади.

4-чи тамойили таълим-тарбия ишининг режалаштириш ҳисобланади. Режа таълим-тарбия фаолиятини тартибга солиш. Унинг моделини яратиш. Таянч схемаларини топиш масалаларидан ташкил топади. Шулар аниқланса, ўқишда ривожланиш, тарбиялаш жараёни енгиллашади.

Педагогик меҳнатни назорат қилиш ва ҳисобга олиш принципи ўқувчи ишини мунтазам ва планни кузатиб бориш шундан ютуқ ва камчиликларни аниқлаш кўзда тутилади. Педагогик назорат объективлик, омилкорлик, самарадорлик, мунтазамлик ва ошкорликни талаб қилади.

Ўқитувчи меҳнатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг мунтазамлиги, изчиллиги қуйидагилардан ташкил топади;

А)ўқув матриаллари ва тарбиявий тадбирларга тайёрлашини ўзи томонидан назорат қилинади;

Б)Дарсдан ташқари вақтларда таълим тарбия назорат қилиши ва ўзини назорат қилиши;

В)Ўқитувчининг дарсдан ташқари вақтини назорат қилиши;

Г)Ота-оналар ва жамоатчилик билан бажариладиган ишларни назорат қилиш;

Ф)ўзи устида ишлашни назорат қилиш.

3 р.

Ўқитувчи ўз устида ишлар экан, касб-кор малакасини ошириш бўйича аниқ мақсадга мувофиқ тавсия ва кўрсатмаларга эҳтиёж сезади, улар эса изчил бир тизимга солишмаган.

Маълумки, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг субъекти сифатида таёргарлик даражаси, педагогик маҳорат ва шахс сифатлари билан ўқувчиларнинг ахлоқи, одоби ва маънан ривожланишлари комил инсон бўлиб тарбияланишларга бевосита таъсир этади.

Ўқитувчининг ўз малакасини узликсиз такомиллаштириб бориш асосан қуйдаги 4 йўналишда бўлади, яъни;

_ касбкор таёргарлиги (ўзи ўқитадиган фани бўйича назарий, услубий салоҳияти);

_ педагогик маҳорат (педагогик ва психологик билимларни эгаллаганлик даражаси).

_ педагогик маҳорат (педагог қобилият, техника, такт ва муомила маданияти);

_ шахс сифатлари.

Ўқитувчи мустақил малака ошириш жараёнида фақат ўзининг нуқсон ёки камчиликларини тузатиш эмас, балки педагогик жараённинг самарадорлигини ошириш

учун фан ва амалиёт янгиликларини фаолиятга тадбиқ этади, синаб кўради. Шу билан умумпедагогик савиясининг янги сифат ўзгаришига эришади.

Демак ўз устида мустақил ишлаш педагогик учун шахсий ижодий фаолият ҳисобланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва ўз малакасини узликсиз ошириб бориш муаммолар билан боғлиқ бўлган илмий тақдиротлар, ўз касбининг устаси ижодкор педагогларнинг амалий фаолиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳулосаларига асослансак, шахсий ижодий фаолият ёки ўз умумпедагогик малакасини узликсиз такомиллаштириш босқичларини таҳминан қуйдагича белгиланиши мумкин:

1. Ўз назарий-услубий, педагогик-психологик тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорат, имкониятлар ва шахс сифатларини таҳлил қилиш (ўз-ўзини диагностикалаш).
2. Ўз-ўзини диагностикалаш натижалари асосида қийинчилик ва муаммоларни умумлаштириш ўз касб-кор маҳоратини такомиллаштириш йўналишларини ва очик мақсад вазифаларини белгилаш.
3. Мақсад ва вазифалар даражасида ўз педагогик маҳоратини такомиллаштириш восита усулларини танлаш шахсий ижодий фаолият дастури ёки ўз устида мустақил ишлар режасини тузиш.
4. Шахсий ижодий фаолият режа ва дастур асосида ўз умум педагогик маҳоратини такомиллаштириш.
5. Ўз касб-кор маҳорати ва ижодий ўсиш жараёнини вақти-вақти билан ўрганиш (ўз-ўзини қайта диагностикалаш), таҳлил этиш, мустақил ижодий фаолиятга ўзгартириш, тузатишлар (керак бўлганда) киритиш.
6. Мустақил ижодий фаолият натижаларни умумлаштириш, уларни ижодий фаолиятнинг мақсад ва вазифалар билан таҳлил этиш истиқболли йўналишларини белгилаш.

Албатта, шахсий фаолиятни ташкил этишда ўқитувчи мустақил ҳаракат қилади. Шунга қарамасдан юқорида баён этилган тарғибот (структура) шахсий ижодий фаолият жараёнининг изчиллигини таъминлайди.

Ўқитувчининг ўз устида мустақил ишлаши, ўз касб-кор маҳоратини такомиллаштиришига бўлган эҳтиёжи жамиятнинг мактаб, ўқитувчи, унинг шахсига нисбатан талаб ва эътиборининг ўсиши ёки таълим-тарбияга бўлган янги ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади.

Таълим-тарбия тизимидаги янгиликлар, шахсий тадбирлар, истиқболли йўналишлар ўқитувчи олдига ҳал этиши зарур бўлган янги вазифаларни кўндаланг кўяди ва ундан доимий изланишу, ижодкорликни талаб қилади.

Демак ўқитувчи ўз шахсий фаолияти ёки касб-кор маҳоратини мустақил такомиллаштириши ишини ташкил этишда, энг аввало, жамиятнинг мактабга қўйган янги ижтимоий буюртмаси нуқтаи назаридан ёндошади. Мустақил ижодий фаолиятнинг аниқ

йўналишлари ва мазмунини белгилашда ўқитувчи уларни ўз-ўзини диагностикалаш педагогик фаолиятни яхлитлигича таҳлил этиш, ўқитувчига ўз муаммо ва қийинчиликларни аниқ белгилаш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ўқитувчилар учун ўз-ўзини баҳолашда объектив бўлиш, диагностикалаш восита ва усулларини билиш, энг асосийси «ўзини билмаган ўзгани била олмайди» қабилида иш тутишлари мақсадга мувофиқ.

4-режа.

Ўқитувчилар асосан малака ошириш курслари ва курсдан курсгача бўлган даврда мустақил билим олиш билан умумпедагогик маҳоратларини такомиллаштирадilar.

Малака ошириш курсларида ўқиш ва мустақил билим олиш бир-бирини тўлдириб ўқитувчининг назарий, услубий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини узлуксиз амалга ошириш ҳақида шахсий ижодий фаолият изчиллигини таъминлайди.

Малака ошириш курси тугалланишида тингловчи курсдан кейинга топшириқни олади. Ўқитувчининг кейинги босқичини курсдан-курсгача бўлган даврдаги ижодий мавзуси бўлиб унинг шахсий ижодий-фаолияти мазкур муаммони ҳал этишга йўналтирилади.

Шахсий-ижодий фаолият мавзусини танлаш ва белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ;

мавзунинг ўқитувчи имконияти, қизиқиши ва тайёргарлик даражасига мос бўлиши ;

мактаб амалиётчи «ўқитувчи ишлайдиган мактаб) эҳтиёж ва муаммолари билан мутаносиблиги;

ўқитувчи фаолиятининг истиқболлиги билан боғлиқлиги;

оддий моҳиятга эга бўлиши.

Шахсий ижодий фаолият ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос бўлиб, унинг индивидуал-педагогик малака ва кўникмаларини шакллантиради. Ўқитувчининг шахсий ижодий фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки, унинг натижалари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига ижобий таъсир этсин.

Ўқитувчи ижодий фаолият режасини тузишида нималарга асосланиши керак?

Режалаштириш ўқитувчининг ўз касб-кор тайёргарлиги, педагогик маҳорати ва шахс сифатларини диагностикалашдан бошланади.

Шахсий ижодий мавзу (муаммо) ни белгилашда ўқитувчи албатта ўзи ишлаётган мактаб муаммосидан келиб чиқиши керак.

Шахсий ижодий фаолият муаммоси аниқлангандан сўнг, шахсий режа тuzалади.

Режада қуйидаги бўлимлардан бўлигиши тавсия этилади.

- Ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий саволни ошириш.
- Педагогик ва психологик билимлар.
- Мутахассислик бўйича назария ва услубий тайёргарлик.
- Умуммаданий тайёргарлик.

Ҳар бир бир бўлим бўйича режа шакли куйидагича бўлиши мумкин:

| № | Ўрганиладиган мавзу ёки амалга ошириладиган | Ўрганиш манбаси | Ўрганиш ёки бажариш шакли | Ишни яқун лаш муддати | Ишни умумлаштириш шакли | Қаерда қандай фойдаланилади |
|---|---|-----------------|---------------------------|-----------------------|-------------------------|-----------------------------|
|---|---|-----------------|---------------------------|-----------------------|-------------------------|-----------------------------|

Шахсий ижодий режа асосида бажарилган ишлар махсус кундаликларга қайд этилиб, улар мазмун-моҳиятини қисқача ёзиб берилади.

Шахсий ижодий режа берилишларида куйидаги манбалардан фойдаланилади:

- педагогик, психологик, услубий манбаа ва адабиётлар:

- илғор педагогик тажрибалар:
- мавзуга тегишли илмий-тадқиқот ишлари:
- Илмий-услубий тадбирлар (семинар гуруҳий маслаҳат, конференция, педагогик ўқиш) ва ҳ.к.

Шахсий ижодий режада белгиланган ишларни амалга ошириш - ўқитувчининг ўз-ўзини назорат қилиш малакаси режасини тўлиқ бажарилиши ва ижобий фаолият самарадорлигини таъминлайди. Бундан ташқари ўқитувчининг мустақил фаолияти услубий хизмат тизими ходимлари (мактаб директори) ўқув-услубий ишлар (бўйича директор муовини, методбирлашма раҳбари, методистлар) томонидан ҳам назорат қилиниши ва мақсадга йўналтирилиши даркор. Бундай назоратда, аввало, ўқитувчига услубий ва амалий ёрдам бериш назарда тутилади.

Таянч тушунчалар:

Меҳнатни илмий ташкил этиш, тамойиллар, ўқитувчи шахсий ижодий фаолиятини режалаштириш.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш.
2. Меҳнатни илмий ташкил этиш тамойилларини санаб ўтинг.
3. Ўқитувчининг шахсий ижодий фаолияти ҳақида сўзланг.
4. Шахсий-ижодий фаолияти қандай режалаштирилади.

12-мавзу. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.

Мақсад: Ўқитувчининг ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялаш ва методлари, воситалари билан таништириш, ҳамда ўқитувчининг касбга оид маҳоратни такомиллаштириш.

Режа:

1. Ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик-педагогик асослари.
2. Ўз-ўзини тарбиялаш метод ва воситалари.
3. Ўқитувчи иродаси ҳамда хис-туйғусини тарбиялаш ва уларни мустақил тарбиялаш усуллари.
4. Хулоса.

Адабиётлар:

6. Н.Н.Азизходжаева. Пед.технология ва пед маҳорат. Тошкент, 2004 йил.
7. Тарбиявий иш методикаси. Л.И. Рувинский Т, 1991.
8. М.Пирмухаммедова. педагогик маҳорат асослари. Т., 2001 йил (маъруза матни).
9. Г.Султонова. Педагогик маҳорат. (маъруза матни). Тош, 2001 й.
10. Халқ таълими. 2003 йил. № 2 сон.

Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак. Ўз-ўзни ўрганиш ва бошқа кишини англаш учун ҳам зарурдир. Бошқа ютуқларни ўрганмай, ўзини бошқалар билан қиёс қилмай туриб, ўзини шахс сифатида ўрганиш мумкин эмас. Ўзини англаш, ўзини баҳолаш хусусияти бошқа кишилар билан муносабат процессида, биргаликдаги фаолият вақтида таркиб топади.

Педагогик вазифаси-фақат иродавий фазилатлар доирасини кўрсатиб беришдан, уларнинг муҳим ахлоқий принциплари билан ички алоқасини очиб беришдан ташқари ўз иродасини ўзи тарбиялашга интилувчи ўқувчига ёрдам бериш, иродавий фазилатларни ривожлантиришнинг қандай усуллари кам самарадор ва қайси бирлари жиддий ёрдам бермаслигини кўрсатишдан иборатдир. Агар педагогик адабиётда таъриф-тасвирланаётган ёшлар қўллаётган содда ва ясама усулларга эътибор берадиган бўлсак, яна ҳам муҳимдир. Ўқувчилардан бири «сабр-тоқатини ривожлантириш» учун кинокомедия кўрсатилаётганда кулмасликка ҳаракат қилди, кимдир қўлини пичоқ билан кесда ёки каниз бўйлаб саёҳат қилди ва ҳакозо? Иродани мустақил тарбиялашнинг ана шу усуллари самарасизлиги энг аввало шундаки, ўспирин бир лаҳзалик «иродавий ҳатти-ҳаракат» ни амалга ошириб, ўзининг иродаси кучли эканлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқлай олади. Аслида эса иродани кундалик ҳаётда, ўқишда ва биринчи навбатда

учрайдиган қийинчиликларни мунтазам равишда бартараф этиш ни ташкил этади. Бунинг устига меҳнат, ўқиш, спорт фаолиятининг ҳар бир дақиқаси иродани чиниқтириш учун ўқув, меҳнат ва бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳалақит берадиган бир дақиқалик истакларни бартараф этиш учун шароит яратади.

Энг аввало ўқитувчи ўзида педагогик қобилиятнинг қандай хислатлари борлигини ўрганиши керак. Педагогик фаолиятга муҳаббати юксак ўқитувчи ишга чин кўнгилдан берилиб ишлайди, ҳеч қандай формализмга йўл қўймайди. Ўз касбини севган ўқитувчи доимий равишда ғоявий-сиёсий савиясини ошириш ва билим доирасини кенгайтиради, ўз предметини чуқур билиш устида кунт билан ишлайди.

Маълумки, инсоният камолотга чорловчи имкониятлари шунчалик кўпки, уларга эришиш мақсадлари интилишида сабр-тоқат билан ўз устида ишлаш орқали эришиши мумкинлигини тарихий фактларда кўрамиз.

Буюк немис педагоги Д. Дистерверг ҳар бир ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялашни ўз олдига шарафли вазифа қилиб белгилаши лозим.

Рус педагоги А.Б. Луначарский; «Педагог ўзида инсоният идеалини шакллантириши лозим» -деган эди.

Айнан инсониятнинг гўзал фазилатларини ўзида шакллантириш ҳар бир педагогнинг касбий таёргарлигининг пойдеворини ташкил этади. Ушбу пойдеворда педагогнинг касбий маҳорати ўз устида ишлаш тўғрисида кундан-кунга ўсиб бориши мумкин.

А.С. Макаренко касбий такомиллаштириш масаласида шундай деган эди. «Мен педагогик талантга эга эдим. Педагогикага кутилмаганда кириб келдим ва ўргандим. Мен ўз ишимнинг устаси даражасида кўтарилдим Ўз ишимнинг устаси даражасига ҳар бир интилувчи педагог эришиши мумкин.» Бунда унга ёрдам бериши, ўзи устида ишлаш асосий роль ўйнайди.

Отто Юльевич Шимит умрининг ҳар бир дақиқасидан сермахсул фойдаланади. Ернинг ва сайёраларнинг пайдо бўлиши назариясининг асоси. У ўз- ўзини тарбиялаш билан шуғулланиб, инсон имкониятлари кенг эканлигини исботлади. А.А Любишев, шундай деган, инсон учун ёмон, бўш, ортиқча вақт бўлиши мумкин эмас. У ўз умрининг дақиқаларини онгли ҳолда ҳисоблашдан қўрқмас эди.

К.Д Ушинский ўз-ўзини тарбиялаш орқали қўйдагиларга эришди.

- 1) хотиржамлик 2) сўзда ишонч ва тўғрилиқка. 3) хатти-харакатга мулоҳаза билан ёндошиш 4) қатийлик 5) ўзи ҳақида сабабсиз бирор оғиз гапирмаслик. 6.) лозим нарсалардангина фойдаланиш. 7) ҳар куни кечаси ўзига ўзи ҳисобот бериш. 8) бирор маротаба мақтанмаслик.

Шуни айтиш жоизки, кўплаб инсонлар ўзининг бебаҳо вақтини бекорга ўтказиб юборади.

Инсон ўз одатларнинг бир хиллик кун тартиби ҳуқимронлиги таъсирига кириб, ўзининг режаларини кейинги кунга ёки ҳафтага ёки йилларга қолдира бошлайди. Ўз-

ўзини ишонтириш, собит қадам ирода орқалигина ўзининг қобилиятларини намаён этишга эришиш мумкин. Ўзини тарбиялашнинг психологик шароитлардан бири ўз-ўзидан норозилик бўлиб, уни Л.Н. Толстой, «. . . Мен телба, ўзгаларга қизиғи йўқ, чидамсиз ва болалардек уялчанман».

3. Ўз-ўзини тарбиялаш ўз фаолиятини таҳлил қилишдан ва ўз шахсини такомиллаштиришдан бошланади. Ўқитувчи ўз устида ишлаши, ўз-ўзини тарбиялашда қуйдаги услублардан фойдаланади:

1. Ўз-ўзини билиш:

- а) ўзини кузатиш.
- б) ўзхаракатларини таҳлил этиши.
- в) ўз-ўзини синаши.
- г) ўртоқларининг фикрини тушуна олиш

2. Ўзига баҳо бериш:

- а) ўзини кузатиш.
- б) ўзига характеристика бериш.
- в) ўз-ўзини тақдирлаш.

Ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди. Ўз шахсий фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-харакатларини ўйлашга ўргатади. Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб боришини кузатиб боради. Ўз-ўзини баҳолаш ўқитувчини, ўз имкониятларини баҳолашда, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Ўқитувчи ўз-ўзини

Тарбиялаш билан бирга ўз устида тинмай ишлаб, ўзининг ғоявий-сиёсий онгини доимий равишда ўстириб ва педагогик маҳоратини такомиллаштириб боради.

М.И.Калинин ўқитувчиларга қарата шундай деган эди: «Ўқитувчи ўзини бутун куч-қувватини, имконини, ўзида бор ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўз ўқувчиларига, халққа беради. Аммо, ўртоқлар, агар сиз ўзингизда бор нарсаларнинг ҳаммасини бугун, эртага, индинга берсангиз-у, лекин ўзингизда бунда ўз билимларига, ўз кучингизга, ўз қувватингизга яна ва яна тўлдириб бормасангиз, у ҳолда ўзингизда ҳеч нарса қолмайдику, ахир. Ўқитувчи, бир томондан, ўзида борини беради, иккинчи томондан, худди губка каби ўзига халқдан, ҳаётдан, фандан ҳамма яхши нарсаларни олиб ҳазм қилади ва бу ҳамма яхши нарсаларни яна янгидан болаларга беради».

3.режа. Илғор ўқитувчи ҳамма вақт педагогика соҳасидаги янгиликларни билишга интилади, бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларидан фойдаланишга ҳамда ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишга, ҳамда ўз шахсий тажрибаларини умумийлаштиришга ҳаракат қилади.

Агар шахс изланса, ўз қобилиятлари устида ишласа, ўзидаги яхши фазилатларни камол топтирса, унинг обрўси, мавқеи ҳам шу даражада юксаладига доимо эл назарида бўлади. Ўқитувчи ўзида кузатувчанликни, ғамхўрликни тарбиялаши лозим. Ўқитувчининг мустақил билим эгаллаши ва малакасини ошириши зарурий шартлардандир. Шарқ мутафаккирлари ўқитувчи ўзи ўқиб турсагина – ўқитувчи бўла олади, агар уқишни тўхтатиб қўяр экан, унда ўқитувчилик ҳам ўлади, деб ҳаққоний айтганлар.

Ирода ва характерни шакллантиришда ўз-ўзини тарбиялаш. Ўқитувчилик фаолиятида ўқитувчи характери муҳим аҳамият касб этади. Бунда ирода, ҳис-туйғуларини бошқариш катта аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи тарбиялаш маълум натижаларга олиб келиши лозим. Бунда: ўзини идора эта олиш, яхши кайфият, ўзига буйруқ бериш, ишонтириш, шахсий режимга риоя қилиш ва ўз қондасига эга бўлиш.

Л.Н.Толстой ўз-ўзини тарбиялашда қуйидаги қоидаларга амал қилар эди. Нима белгиласа ҳеч нарсага қармай тезкорлик билан бажарар. Нимани бажарса яхши бажар. Доимо ақлий, ўз имконияти доираси асосида фаолият кўрсатишга ҳаракат қиларди».

В.Шекспир шундай ёзган эди. «Уйку она табиатининг ғаройиб, ширин таомидир танавул қилиш меъёрини билиш лозим».

Ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим усулларидан бири. Масалан, А.Мересьев «Олға, олға чидаш керак!» . . .

У.Г.Шульц фаразига кўра ўз-ўзини тарбиялаш программаси (дастури):

1. Бир кунлик ёки ҳафталик иш режасини тузиш, уни бажариш;
2. Умидсизликка тушмаслик, камчиликларни бартараф этиш;
3. Ўзига, муваффақиятга ишониш;
4. «Мен ўзимга ишонаман», «Мен буни қилишни хоҳлайман», «Мен қила оламан» каби ўз-ўзини ишонтириш формуласини қўллаш.

Ўзини тарбиялаш:

- Жиддий, ўйлаб иш қўриш;
- Маъруза, семинар дарсларида эътиборсизликка берилмаслик;
- «Мен диққат билан эшитяпман», «Менинг диққат эътиборимда» формуласини қўллаш.
- Ўз-ўзига буйруқ бериш. «Педагог фикрини кузатиб бориш лозим».
- Ўзига-ўзи ҳисобот бериш, кун ёки ҳафта якунини қилиш.

Ўзини тутиш: (ташқи кўриниш мданияти).

а) тўғри.

б) тўғри, эркин ўтириш.

в) йиғилган, ишчан ҳолат.

Педагогик мулоқот маданияти.

1. **Мулоқот жараёнида босиқ, самимийлик кайфиятида бўлиш.**

а) суҳбатдошни эшитиш маданияти.

- б) саволлар бера олиш.
- в) суҳбатдошни фикрини эшитиш ва таҳлил қила олиш.
- г) бошқалар билан илк муносабатни ўрнатиш малакаси.
- д) бошқаларни тушуниш малакаси.
- е) вазият жараёнида англай билиш малакаси.

2. Кўз орқали алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиш.

- а) сиз аудиторияга қараб дарс олиб боряпсизми?
- б) эшитувчиларнинг ҳолатини, таъсирчанликгини англаш, кўра билиш.

3. Ўз мулоқоти, ҳикояси билан қизиқтира олишнинг хусусиятлари:

- а) Аудиторияда эркин маъруза ўқиш ёки таълим мазмунини конспект ёрдамисиз баён эта олиш хусусияти.
- б) ташқи кўринишининг самимий мулоқатга ҳозирлигини ифодалай олиш ҳолати.
- в) Ўзининг муносабатини воқелиқда акс эттириш.

Хулоса, маълумки, жамият тараққиётида таълим-тарбия, унинг мазмунини, мақсад вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир тузим ижтимоий-иқтисодий сиёсий тараққиёт ўз йўналишини белгилашда ёш авторга нимани ўқитиш керак? Қандай ўқитиш лозим? Кимлар ўқитиши керак? Каби саволлар жамият олдидаги кўндаланг қўйиладиган саволларга жавоб излаб келинган. Мазкур саволларга жавоб топиш, яъни таълимни янгилаш, унинг тизимини, мазмунини қайта қуриш, янги ҳолатга йўналтириш Республикаимизнинг устивор йўналишларидан биридир. Албатта, бу йўналиш кенг қамровли, босқичма-босқич равишда амалга оширувчи жараёндир.

Ёшларда мустақил равишда билим олиш ва уни ҳаётга қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахлоқ ва одобни яхшилаш зарурати талабалик даврида шаклланади.

Ёшларни талаба бўлганига қадар ота-онаси, мактаб ўқитувчилари, қариндош-уруғи, маҳалла-қуй назорат қилиб борса, талаба бўлгандан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни талабанинг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг асосий тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини-ўзи тарбиялай бошлаши керак.

13-Мавзу: Шахсий педагогик тажрибани тўплаш тизими.

Мақсад: Талабаларга педагогик маълумотлар ҳақида, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳақида, илмий педагогик изланиш ҳақида тушунча.

Режа:

1. Ўқитувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда психологик ва педагогик назарияларнинг аҳамияти.
2. Педагогик маълумотларни ажратиш кўникмаси ва уларни тўғри танлай билиш.
3. Илғор педагогик тажрибалардан фойдаланган ҳолда илмий изланиш босқичлари.

Адабиётлар:

1. Н.Азизхўжаева. «Педагогик техноолгия ва педагогик маҳорат». Т.2003 й.
2. Г.Султонова. «Педагогик маҳорат» маърузалар матни.
3. Бўри Зиёмухаммедов. Илм ҳикмати. Т. 1999 й.
4. М.Пирмухаммадов «Педагогик маҳорат асослари». Т 2002 й.
5. Педагогик таълим 2001 , 6-сон.

Педагогик маҳоратни такомиллаштиришда педагогик ижодкорлик ва шахсий илмий педагогик изланиши учун ҳам касбий, ҳам инсоний жиҳатларни белгиловчи муҳим хусусиятдир. Чунки баркамолликка эришмаган комил инсонни тарбиялай олмайди.

Психологик адабиётларда таълим-тарбия жараённинг бош тадқиқ объекти сифатида ўқитувчи шахси муҳим ўрин эгалламоқда. Асосий диққат-эътибор ўқитувчининг индивидуал тавсифи билан педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ўртасидаги боғланишларга қаратмоқда. Ўқувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда нафақат ўқувчиларга билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш, балки талабаларга ўз меҳнатига қанчалик ишонч уйғота билиши ҳам тушунилади. Ўқувчига бўлган муносабатнинг авзаллиги бизнингча, қуйидаги омил билан шартланади. 1-чидан, ўқувчи бола билимини аниқлайди, баҳо қўяди. Холис баҳо ўқувчининг ривожланиши учун зарурий шароитдир.

Баҳо ўқувчининг билим даражасини акс эттиради, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида боғловчилик аҳамиятига эга. Лекин ўқитувчи томонидан қўйилган баҳо ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муомала кўп ҳолларда нотўғри қўйилган баҳо учун бузилади. Ўқувчилар ўқувчи қўйган икки баҳони

«суистеъмол» қиладилар, бу баҳо билан «ўч оладилар» ёки «хайратни бузиш учун» атайлаб қўяди, деб ҳисоблайдилар.

Ўқитувчилар кадрлаган инсоний сифатлар педагогнинг эмоционал ҳолатини, ишончилиқ, барқарорлик ва ўз ҳиссий таъсирланишларини назорат қила олиш имкониятларини тавсифлайди. Ўқитувчининг ўқувчига нисбатан ютуққа эга бўлиши шундаки, тажрибали ва кучлидир. Ўқувчилар унинг сўзларига фикр ва мулоҳазаларига, ҳақлигига шубҳаланишса, бу уларда ички ташвишни келтириб чиқаради. Бундай шахсий ташвишланиш педагогнинг ўқувчилар устидан устунлик қилишига интилишини, уларга муносабатда қаттиқ қўлликка мойиллигини билдиради.

Ўқитувчининг касбга оид маҳорати ўз-ўзини фаоллаштиришга нисбатан умумий йўналганлиги билан ажралиб туради. Ҳурматга лойиқ, одамларда ёқимли таасурот қолдирадиган, ўзини қобилиятли сифатида ижобий баҳолайдиган муаллим билан дўстона мулоқатга киришишга ҳаракат қиладилар.

Демак, ўқитувчининг инсоний фазилатлари, яхши муомаласи, ўқувчиларни эъозлаш ҳислати унинг касб маҳоратини ошириш омилидир. Бу билан у ўқувчиларда ўзига ҳурмат, ишонч муносабатини ўрнатишга эришади.

2-режа.

Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирон муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчи фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик моҳиятнинг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, халқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қила олиш йўллари кидира топа билишларида ифодаланади.

Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойдир.

Илғор педагогик тажриба деганда, биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндашишини, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига янги, самарали йўл ва воситаларини қидириб топишни тушунамиз.

Илғор педагогик тажриба ўқитувчи томонидан қўлланиладиган шакли ва усуллари, услуб ва воситаларидир. Улар воситасида ўқув-тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришилади. Илғор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ҳодиса ва қонуниятларини очиш ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритади, ўқувчиларни билиш фаолиятини бошқариш, янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб бўлади. Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма малакаларига ҳам эга бўлиши зарур.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқитувчиларга етказа олиш ва нихоят ўқитувчиларни ижодий фикрлай олишга, тадқиқот ишларига ўргата олишни талаб қилади.

3-режа:

Педагогик тажриба ўқитувчининг ўқув ишлари жараёнида эгаллайдиган билимдан ва кўникмалари йиғиндисидир. Бу ўқитувчининг педагогик маҳорати бўлиб, у педагогика фанини ривожлантиришда бошланғич омил ҳисобланади. Педагогик тажриба тўплаш тизими:

1. Мақсадни белгилаш (нимани ўрганман).
2. Таҳлил этиш, умумлаштириш, хулоса қилиш.
3. Ютуқларни аниқлаш.
4. Маълумот тўплаш.

Мактаб ўқувчиларини илғор тажрибаларни ўрганишнинг тахмитний таркиби.

1. Нутқ техникаси ва маданияти.
 - А) Дарсда билим беришда ўқувчилар билан алоқага киришишда ўқитувчи нутқининг ишланишини баҳолаш.
 - Б) Нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси.
 - В) Ўқитувчи нутқининг ифодалилиги ва ҳис-туйғуга бойлиги.
2. Профессional педагогик мулоқоти.
 - А) Турли ҳолатларда турли ва кутилмаган вазиятларда ҳам мулоқатга кириша олиши, муомала қила олиши.
 - Б) Дарс жараёнида ўз кучи ва тайёргарлигини ҳисобга ола билиш ўзининг иш услубини ва унга қўйилган ҳисобларни бажара олиш;
 - В) Педагогик назорат ва уни қўллашни била олиш.
3. Профессional педагогик таъсир этиши.
 - А) Шахсга таъсир этишда тезлик билан керак бўлган услубларни танлай олиши ва ўз вақтида ишлата билиши;
 - Б) Ўрганиш бўлиб қолган иш тартибидан кетишни билиш;
 - В) Педагогик таъсир кўрсатишда вазиятларни ечишда керакли бўлган мимика, понтемимика ҳаракатларни танлай олиш ва ўз вақтида ишлата олиш.
4. Конструктив қобилият.
 - А) Ўқувчилар қобилияти қизиқиши билим даражасини ҳисобга олиш, дидактик материалларидан усталик билан фойдаланиш;
 - Б) ўқувчиларни ва синфни энг юқори мукамал даражага эришиш учун керакли усул ва воситаларни танлай олиш;
 - В) ўқувчиларни ва коллективнинг билимданлиги ва тарбиявий ривожланганлик даражасини аниқлай олиш;

Г) ўқувчиларни ташқи қиёфаси орқали уларни дарсга бўлган муносабатларини англай олиши ва керакли бўлган воситаларни танлай олиш қобилиятлари.

4. режа.

Ҳар қандай давлатдан юқори тараққиёт даражасига эришиш учун, энг аввало, иқтисодиётни устиворлигини таъминлаш, мавжуд табиий ресурсларни ишга солиш. Одамлар орасида маънавий ва марифий қадриятларни тиклаш талаб этилади. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча авзалликларини қадрлай олади, аксинча, билимли кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда».

Республикамизда юқори малакали ва маърифатли кадрларни тарбиялаб етиштириш ва илм соҳиблари сафини шакллантириш мақсадида бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар яратилди.

Жумладан, 1997 йилда «таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда зиёлиларимиз зиммасига катта маъсулият юкланди.

Хўш, илм билан шуғулланувчилар нималарга кўпроқ аҳамият беришлари лозим.

Биринчидан, ўзини илмга бағишлаган одам бир қатор ҳаётий эҳтиёжлардан ўзини тийиши шарт. Буларга чиройли кийиниб юриш, ўзига зеб бериш, улфатчилик қилиш, кўнгил хушлик билан шуғулланиш кабиларни киритиш мумкин. Илмга садоқатли одамлар доим қаноатли, хушфезл, ва бошқаларга ибратли бўлишган.

Иккинчидан, ҳар бир тадқиқотчи, ижодкор ўз фанини чуқур эгаллаган бўлиши ва унинг муаммолари устида доим бош қотириши шарт. Шунингдек, у тадқиқот ишига ёндош бўлган бошқа фанлардан ҳам етарли даражада хабардор бўлмоғи лозим.

Учинчидан, тадқиқотчи, ижодкор педагогика фанининг умумий қонуниятларни ва илмга алоқадор тармоғини ўзлаштириб олиши, хорижий тиллардан лоақал биттасини эгаллаган бўлиши керак.

Демак, шундай хулоса қилиш мумкин:

Илм билан шуғулланиш-изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, яъни қонуниятларни кашф этиш ва шу йўл билан жамият ривожланишига ўз хиссасини қўшиш демақдир.

Маълум бир соҳада ечимини кутаётган муаммо ва масалалар илмий тадқиқотлар мавзусини белгилайдиган ягона омил бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун табиатан ишга мойил ва унга қўйилган шартларни бағишлаган ҳар бир инсон, энг аввало, ўзи танлаган соҳа муаммоси ва масалалар тизимини яхши ўрганиши керак.

Тадқиқотчи айни вақтда мустақил фикр юритадиган, мавжуд ахборотни ўз тафаккурдан ўтказа оладиган, ҳар бир масалани танқидий таҳлил қиладиган,

кузатувчинлик қобилияти бор, хотираси мустаҳкам, қийинчиликлардан кўркмайдиган, шижоатли ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши керак. Илмий иш қилишга интилган одам жуда кўп ўқиши, фикр юритиши зарур. Шунингдек, у ҳар қандай маишатлардан, дабдабали ҳаёт ва турмуш тарзидан вақтинчалик воз кечишга мажбур. Акс ҳолда унинг олтиндан қиммат вақти беҳуда кетади ва онги бефойда фикрлар билан банд бўлиб қолади.

Ҳақиқий билмга эга кишининг онги ва вужуди барча гуноҳ ва разолатлардан пок бўлмоғи лозим. Чунки бир мияда, бир вужудда икки қарама-қарши нарсаларнинг ривожланишига имкон йўқ. Шунинг учун илмий фаолият бу шуғулланувчи тўғри сўз бўлиб, адолат ва ҳақиқат мезонлари билан яшайди, ҳар қандай ёлғон гапдан, ҳаромдан, адолатсизликдан, ўғирликдан, фирибгарликдан нафратланади.

Умуман илм аҳлининг бутун ҳаёт тарзи, фикри-зикри ва вужуди илмга бағишланган бўлади.

Тадқиқотчи муаммоси ҳали ҳам бўлмаган бир мавзуни ўз тадқиқот иши қилиб танлайди. Мавзуни танлашда катта тажрибага эга бўлган ва шу соҳадаги муаммоларни яхши биладиган олимлар энг аввало, илмий раҳбар ёрдам бериши керак.

Мавзу танлаганидан сўнг, уни долзарблиги ва шу вақтгача уни астида тадқиқот олиб борилмаганлигига тадқиқотчининг имони комил бўлгач, уни илмий ишларни кординация қилувчи республика марказидан муҳокамадан ўтказди ва тадқиқот мавзуи қилиб олади.

Мавзуни тасдиқлаганидан сўнг тадқиқот ишига режа тузади. Асослаб берилади, тадқиқот объекти, предмети ҳамда мақсади ва бу мақсадга етишда кулланиладиган усуллар тизимини белгилаб олади.

Бунда, муайян тадқиқот иши қайси мажмуа, яъни қайси бир нарса ёки ҳодисага қаратилганлиги, унинг предмети аниқлаб олинади. Шундан сўнг тадқиқот жараёнида бажариладиган ишлар белгиланади.

Тадқиқот ишининг режасини тузиш учун тадқиқотнинг концепцияси, яъни ҳар тамонлама илмий асосланган қўлланиладиган усуллар, тажрибалар тизими, кутилаётган натижалар аниқланади.

Адабиётлар билан танишиб чиқилгандан кейин концепция тузилади. Умуман адабиётлар билан танишиш тадқиқот ишининг бошидан бошланиб, охиригача давом этади. Шунинг учун илмий концепция ҳам тинмай аниқланиб, бойиб бораверади.

Тадқиқот режасини тузиш жараёнида ишининг навбатдаги ва асосийларидан бири мақсадга етишиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи ва уларни қўллаш тартибини белгилаб олинади. Бу анча мураккаб иш бўлиб, изланувчидан тадқиқот жараёнини кўз олдида яққол келтиришини талаб этади. Шунинг учун реферат, курс иши ёзишда магистрлик ва номзодлик диссертациялари устида олиб бориладиган тадқиқотларида илмий раҳбар бўлиши керак. Тадқиқот режасини тузишда албатта бирлашувчи материалларини йиғиш, уларни ташкил қилиш йўллари ҳамда керакли анжом ва масалалар, зарур маблағ ва унинг манбаи аниқланади.

Тадқиқот режасини тузишда, бажарадиган ишларини реал ва аниқ бажарилиши муддатларини белгилаш билан тузилади. Тадқиқот режаси тузилиб илмий раҳбарлардан қониқарли жавоб олингандан сўнг, у бириктирилган муассасанинг илмий кенгаши муҳоқомасидан ўтказиб, тасдиқлаб олинади.

Адабиётлар билан ишлаш ва минимум билимларни эгаллаш қандай амалга оширилади?

Илмий тадқиқот иши, соҳадаги фундаментал билимларни ўрганишдан ва тадқиқот учун зарур адабиётлар билан танишишдан бошланади. Бу жараён тадқиқот ишининг охиригача давом этаверади. Чунки билим эгаллаш шу соҳанинг назарий асосларига бағишланган адабиётлар билан ишлашдан бошланади.

Соҳа илмининг назарий асосларига бағишланган адабиётлари билан ишланганда, шунингдек бошқа муаммолар тадқиқотлари илмий монографиялар, рисолалар, мақолалар, тезислар, диссертация ва авторефератлар билан танишишда уларга танқидий ёндашиб, чуқур мулоҳазаларини юритиши шарт.

Адабиётлар устида ишлаш, илмий раҳбарнинг тавсия қилган адабиётларидан бошланади.

Чунки илмий раҳбар адабиётларни илмий асосланган маълум бир тартибда беради.

Адабиёт билан ишлаганда, аввало, унинг муаллифи, номи, чиққан шахри, чоп этган нашриёти, йили ҳамда аннотацияси билан танишиш керак.

Соҳанинг назариясига бағишланган адабиётларни кўриш учун алоҳида дафтар тутиб, унга ўқиган китобидаги шу соҳа фанига тегишли турғун тушунча, қонуният ҳамда қонун ва қоидаларини ёзиб борилади.

Илмий тадқиқот ишининг умумий ёки бир қисмининг якунига аталган адабиётлар билан ишлаганда, унинг ҳамма кўрсаткичларини-муаллифи, номи, қачон ва қаерда, қайси муассаса ёки нашриёт томонидан чоп қилинганини картотекага мўлжалланган қоғозга туширилади. 1,2,3 рақамли қоғозлар тайёрлаб, 1-чи рақамли қоғозлар тайёрлаб, 1-чи рақамли қоғозга, илмий нуқтаи назардан тўғри фикрлар кўчирилиб ёзиб борилад. Ҳар бир фикрни кўчириб ёзгандан сўнг, қавс ичида адабиётни қайси бетида олинганлиги қайд қилиб борилади. Бу кейинчалик диссертация ёзиш жараёнида фойдаланилган адабиётга саҳифа остида изоҳ беришда керак бўлади.

2-чи рақамли қоғозга ўқиётган илмий адабиётдаги нотўғри кўринган фикрларга муаллиф билан мунозара юритиб, унга антернатив ҳолатдаги фикрингаизни қайд қилиб борилади. Бироқ мунозара фақат илмий асосланган бўлиб ҳолисона, ахлоқ даражасида олиб борилиши шарт. Шундай қилиб, ўқиётган адабиётимизни таҳлил этган бўласиз.

3-чи рақамли қоғозга, шу адабиёт билан ишлаш жараёнида ечимини қутаётган масала ва муаммоларингиз тўғрисида янги фикрларни тушириб борилади.

Шу йўсинда уч турдаги қоғозларни 3 хил пағонага йиғилади.

30-40 адабиёт кўрилгандан кейин манбалар билан ишлаш завқини хис қила бошлайсиз. Адабиётларни бир-бирига солиштириб кўриб сарасини пучасидан ажрата оладиган ҳам бўласиз.

Таянч тушунчалар:

Тажриба, илмий изланиш, ижод, касбга оид маҳорат, илм, тадқиқот.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчининг касбга оид маҳорати қандай шаклланган бўлиши лозим?
2. Илғор педагогик тажриба нима?
3. Илмий изланиш бошқичлари ҳақида сўзланг.
4. Адабиётлар билан қандай ишлаш лозим?